

---

**ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР  
ЖУРНАЛИ**  
**ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ  
ИССЛЕДОВАНИЙ**  
**JOURNAL OF LAW RESEARCH**

**2018 №6**

---



**TOSHKENT-2018**

---

---

**Ҳуқуқий тадқиқотлар журнали // Журнал правовых исследований //**  
**Journal of law research**

Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигидан 22.06.2017 йилда,  
1175-сонли гувоҳнома билан рўйхатдан ўтказилган.  
Зарегистрировано свидетельством # 1175 от 22.06.2017г.  
Агентством печати и информации Республики Узбекистан  
The journal of law research was registered by the certificate # 1175 from 22.06.2017.  
The Press and Information Agency of the Republic of Uzbekistan

**Бош муҳаррир**  
**Главный редактор**  
**Chief Editor**

проф. д.ю.н., проф.  
(Doctor of Law, Professor)  
Абдурасулова Кумринисо Раимқулловна

**Бош муҳаррир ўринбосари**  
**Заместитель главного редактора**  
**Deputy Chief Editor**

к.ю.н., доцент  
(Candidate of Law, Associate professor)  
Файзиев Шохруд Фармонович

**"Ҳуқуқий тадқиқотлар" журнали таҳририй**  
**маслаҳат кенгаши**

**International Editorial Board of the journal**  
**Международный редакционный совет журнала**  
**"Правовые исследования"**

**12.00.01 - Давлат ва ҳуқуқ назарияси ва тарихи. Ҳуқуқий таълимотлар тарихи / Теория права и государства, История правовых учений / Theory of law and state, History of legal doctrines**

Ю. ф. д., проф. Ҳалимбой Бобоев  
Ю. ф. д., проф. Ахмедшаева Мавлюда  
Ю. ф. д., проф. Мухиддинова Фирюза  
Ю. ф. д., проф. Адилходжаева Сурайё  
Ю. ф. д., проф. Сатторов Абдуғаффор

Yosuke Shamoto  
(Japan)  
д.ю.н., проф. Артур Гамбарян  
(Республика Армения)

**12.00.02 - Конституциявий ҳуқуқ, Маъмурий ҳуқуқ, Молия ва боғхона ҳуқуқи / Конституционное право; административное право; финансовое право / Constitutional Law; administrative law; financial right**

Ю. ф. д. Гулчехра Маликова  
Ю. ф. д. Хусанов Озод  
Ю. ф. н. Хван Леонид Борисович  
Ю. ф. д. Силиманова Светлана

Sung Un Lee  
(South Korea)  
д.ю.н., доц. Пешкова Христина Вячеславовна  
(Российская Федерация)

**12.00.03 - Фуқаролик ҳуқуқи. Тадбиркорлик ҳуқуқи. Оила ҳуқуқи. Халқаро хусусий ҳуқуқ / Гражданское право; предпринимательское право; семейное право; международное частное право / Civil law; Business law; family law; Private international law**

юримдик фанлар доктори, профессор Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист Оқюлов Омонбой, Рузиназаров Рустам, Рузиев Шухрат, Шомухамедова Замира, Баратов Миродил, Бобоқул Тошев

Dr. Ahmad Issa Altweissi (Jordan)

**12.00.04 - Фуқаролик процессуал ҳуқуқи. Ҳўжалик процессуал ҳуқуқи. Ҳақамлик жараёни ва медиация / Гражданское процессуальное право; хозяйственное процессуальное право, арбитражный процесс и медиация / Civil Procedure Law; Economic procedural law, arbitration process and mediation**

юримдик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист Ғсанова Замира Нормуродовна, Ғгамбердиев Эминжон, Мамасидиқов Музаффар

Jason A. Cantone Federal court center (USA)

**12.00.05 - Меҳнат ҳуқуқи.Ижтимоий таъминот ҳуқуқи / Трудовое право; право социального обеспечения / The Labor law; Social security law**

Ю.ф.д., проф. Усманова Муборак Акмалхановна, ю.ф.н., доц. Гасанов Михаил Юриевич, ю.ф.н., доц. Сатторова Гулноза ю.ф.н., доц. Муродова Гулнора

д.ю.н., проф. Денисов Глеб (Российская Федерация)

---

---

**12.00.06 - Табиий ресурслар ҳуқуқи. Аграр ҳуқуқ. Экологик ҳуқуқ / Природоресурсное право; аграрное право; экологическое право / Natural resource law; Agrarian law; Environmental law**

Ю.ф.д., проф. Файзиев Шухрат Хасанович, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист ю.ф.н, доц. Скрипников Николай Кузмич, ю.ф.д., проф. Усмонов Муҳаммади Бахридинович, ю.ф.д., проф. Холмўминов Жума, ю.ф.д., проф. Жўраев Юлдаш Ачилович

Долгополов Кирилл Андреевич (Российская Федерация)

**12.00.07 - Суд ҳоқимияти. Прокурор назорати. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятини ташкил этиш. Адвокатура / Судебная власть. Прокурорский надзор. Организация правоохранительной деятельности. Адвокатура / The judicial authority. Prosecutor supervision. Organization of law enforcement activities. Advocacy**

Ю.ф.д., проф. Пўлатов Бахтиёр Халилович, Ю.ф.д. Саломов Баҳром Саломович, ю.ф.н., доц. Салаев Нодирбек Сапарбаевич (Тошкент давлат юридик университети)

James V. Eaglin Федерал суд Маркази (АҚШ) д.ю.н., проф. Кайрат Осмоналиев (Қирғизистон Республикаси) к.ю.н., доц. Сергей Шошин (Российская Федерация), д.ю.н., проф. Алексей Кибальник (Российская Федерация), д.ю.н., проф. Кудрявцев Владислав Леонидович (Российская Федерация)

**12.00.08 - Жиноят ҳуқуқи. Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш. Криминология. Жиноят-ижроия ҳуқуқи / Уголовное право и криминология; уголовно-исполнительное право / Criminal law and criminology; Criminally-executive law**

Ю.ф.д., проф. Кабулов Рустам, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист, ю.ф.д., проф., Рустамбаев Мирзаюсуп Ҳакимович, ю.ф.д., проф. Ражабова Мавжуда Абдуллаевна, ю.ф.д., проф. Зуфаров Рустам Ахмедович, ю.ф.д., проф. Тахиров Фарход, ю.ф.д., проф. Исмоилов Исомиддин, ю.ф.д. Мирзаев Азиз

Matthew Light (Canada), проф. Юлдошев Рифат Раҳмаджонович (Республика Таджикистан), д.ю.н., проф. Елене Антонян Александровна (Российская Федерация), д.ю.н., проф. Жансараева Рима Ернатовна (Республика Казахстан), Кирил (Российская Федерация)

**12.00.09 - Жиноят процесси. Криминалистика. тезкор-қидирув ҳуқуқ ва суд экспертизаси / Уголовный процесс, криминалистика, оперативно-розыскное право и судебная экспертиза / Criminal procedure, criminalistics, operative-search law and judicial examination**

Ю.ф.д., проф. Иноғомжонова Зумратхон Фатхуллаевна, ю.ф.д., проф. Пўлатов Юрий Сайфиевич, ю.ф.д. Мухиддинов Фахриддин, ю.ф.д., проф. Тулаганова Гулчехра Заҳитовна, ю.ф.д. Миразов Даврон

Kevin Curtin (USA), Jurgen Maurer (Germany), д.ю.н., проф. Стойко Николай Геннадьевич (Российская Федерация), Проф. Рыжаков Александр Петрович (Российская Федерация), д.ю.н., проф. Зайниддин Искандаров (Республика Таджикистан), Проф. Сергей Пен (Республика Казахстан), доц. Алексей Пурс (Республика Беларусь)

**12.00.10 - Халқаро ҳуқуқ / Международное право / International law**

Ю.ф.д., проф. Исмоилов Баҳодирюридик, ю.ф.д., проф. Маткаримов Гулчехра, ю.ф.н., проф. Юлдашева Говержан

Alexander Trunk (Germany)

---

**Контакт Редакция журнала Правовых исследований:  
ООО Expert Lawyers город Ташкент, Сергели 6, улица Мехригиё, 1-А.  
www.tadqiqot.uz Email: info@tadqiqot.uz Тел: (+998-94) 404-0000**

---

**Editorial staff of the journal Law Research:  
Expert Lawyers LLC The city of Tashkent, Sergeli 6, Mehriyigo Street, 1-A.  
Email: info@tadqiqot.uz Phone: (+998-94) 404-0000**

---

---

## 12.00.03. ГРАЖДАНСКОЕ ПРАВО. ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСКОЕ ПРАВО. СЕМЕЙНОЕ ПРАВО. МЕЖДУНАРОДНОЕ ЧАСТНОЕ ПРАВО

*Келиб тушган сана 19 октябрь, 2018*  
*Эълон қилинган сана 6 ноябрь, 2018.*

**Болтаев Мансуржон Сотиволдиевич,**

Тошкент давлат юридик университети  
Бизнес ҳуқуқи кафедраси катта ўқитувчиси,  
ю.ф.н. E-mail: beshkap0721@gmail.com



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9130-2018-6-1>

### ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ МАЖБУРИЙ ТУГАТИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

**Аннотация:** ушбу мақолада тадбиркорлик фаолиятини мажбурий тугатишнинг ҳуқуқий асослари билан боғлиқ масалалар ўрганилган ва таҳлил этилган.

**Таянч сўзлар:** тугатиш, банкротлик, лицензия, корхона.

---

**Болтаев Мансуржон Сотиволдиевич,**

старший преподаватель кафедры  
Бизнес права ТГЮУ,  
кандидат юридических наук  
E-mail: beshkap0721@gmail.com

### ПРАВОВЫЕ ОСНОВЫ ПРИНУДИТЕЛЬНОЙ ЛИКВИДАЦИИ ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСКОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ

**Аннотация:** в этой статье изучены и анализированы вопросы, связанные с правовым основам принудительной ликвидации предпринимательской деятельности.

**Ключевые слова:** ликвидация, банкротство, лицензия, предприятие.

---

**Boltayev Mansurjon Sotivoldiyevich, Senior**

teacher of the department  
of Business law at TSUL, PhD  
E-mail: beshkap0721@gmail.com

### LEGAL BASIS OF COMPULSORY LIQUIDATION OF BUSINESS ACTIVITIES

**Annotation:** in this article studied and analyzed issues associated with legal basis of compulsory liquidation of business activities.

**Key words:** liquidation, bankruptcy, license, enterprise.

**М**амлакатимиз иқтисодиётининг ривожланиши ва истиқболда юксалишида тадбиркорлик субъектлари алоҳида ўрин тутлади. Айнан тадбиркорлик субъектлари жамият аъзоларининг йирик сармояларини бирлаштириш, бу орқали катта даромад олиш эвазига мамлакатнинг иқтисодий ривожланишида асосий субъект ҳисобланади. Тадбиркорлик фаолияти субъектларининг ташкил топиши янги ҳуқуқ субъектини вужудга келтириб, иқтисодий ва ҳуқуқий муносабатларда янги субъектив ҳуқуқ ва мажбуриятларни пайдо бўлиши билан бирга иқтисодий ривожланишга ўзига хос ҳисса қўшса, юридик шахсларнинг бекор бўлиши ҳуқуқ субъектининг барҳам топиб, мавжуд ҳуқуқий алоқалар, ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг кейинги тақдирини белгилаш ва кредиторларнинг ҳуқуқлари кафолатларини таъминлаш эвазига иқтисодий муносабатлардаги субъект фаолиятини яқунлашига замин яратди.

Одамлар, аввало, турли соҳалардаги бюрократик тўсиқларни олиб ташлаш, қонунга зид бўлган қўллаб идоравий йўриқномаларни бекор қилиш, ставкаси оптимал бўлган банк кредитлари ажратиш, тадбиркорлик бўйича ноқонуний текширишларга барҳам бериш ҳақида муружаат қилмоқда[1]. Дарҳақиқат, тадбиркорлик фаолияти субъектларини қўллаб-қувватлаш давлат иқтисодиётини ривожлантиришнинг энг муҳим йўналишларидан бири сифатида эътироф этилмоқда.

Фуқаролик қонунчилигида юридик шахсларни тугатишнинг икки усули, яъни ихтиёрий ва мажбурий тугатиш усуллари кўрсатилган. Мажбурий деганда суднинг қарори билан тугатиш назарда тутилади.

Суд тартибида тугатиш умумий ва махсус асосларда амалга оширилиши мумкин. Умумий асос барча турдаги юридик шахсларга, махсус асос эса алоҳида турдаги юридик шахслар учун тааллуқлидир. Умумий асосларга ўз фаолиятини рухсатномасиз (лицензиясиз) амалга ошираётган ёки қонун томонидан таъқиқланган фаолият билан шугулланаётган юридик шахсларга нисбатан суднинг қарорига мувофиқ қўлланилиши киради.

Махсус асосга кўра тугатиладиган алоҳида турдаги юридик шахслар қаторига ўз ҳуқуқий мақомини олиб, махсус ҳуқуқ лаёқатига эга бўлган қишлоқ ҳўжалик корхоналари киради. Одатда, ҳар бир қишлоқ ҳўжалик корхонасининг ҳуқуқий мақомини ўзига хос хусусиятлари инobatта олинади.

**Тадбиркорлик фаолияти субъектлари мажбурий усулда суд қарори билан қуйидаги ҳолатларда тугатилиши мумкин:**

- фаолиятни тегишли рухсатномасиз (лицензиясиз) амалга оширилганда;
- қонун томонидан таъқиқлаб қўйилган фаолиятни амалга оширган ёки қонун ёки ҳуқуқий актларни бир неча марта ва қўпол равишда бузиш ҳолатлари юз берганда;
- Фуқаролик кодексига назарда тутилган бошқа ҳолатларда суднинг қарорига мувофиқ.

Фаолиятни тегишли рухсатномасиз (лицензиясиз) амалга ошириш оқибатида тадбиркорлик фаолиятининг тугатилиши Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 53-моддаси иккинчи қисмида белгиланган бўлса-да, у билан боғлиқ нормалар бошқа қонун ва қонуности ҳужжатлар билан ривожлантирилмаган. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 117-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 190-моддаси ва Ўзбекистон Республикаси

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 165-моддасида фаолият турлари билан лицензиясиз ва бошқа рухсат берувчи ҳужжатларсиз шуғулланганлик учун шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлиши кўрсатилган бўлса, Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг 2013 йил 11 декабрдаги "Тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ ишлар бўйича суд амалиётининг айрим масалалари тўғрисида"ги 20-сон қарорида махсус рухсатнома (лицензия) олмасдан қонунга хилоф равишда тадбиркорлик фаолиятини юритишнинг мазмуни очиб берилган. Бироқ, ушбу қонун ҳужжатларининг ҳеч бирида лицензия (рухсатнома)сиз шуғулланиш тадбиркорлик фаолиятининг тугатишига сабаб бўлиши ҳақида қоида келтирилмаган. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 217-моддасида тадбиркорлик фаолиятининг айрим турлари билан шуғулланиш учун лицензияларнинг (рухсатномаларнинг) амал қилишини ўн иш кунидан кўп бўлган муддатга тўхтатиб туриш ёки уларнинг амал қилишини тугатиш ва лицензияларни (рухсатномаларни) бекор қилиш ҳуқуқий таъсир чораси сифатида кўрсатилган. Ўзбекистон Республикасининг "Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида"ги Қонуни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 28 июндаги "Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида"ги 236-сон қарори, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2001 йил 12 майдаги "Амалга оширилиши учун лицензиялар талаб қилинадиган фаолият турларининг рўйхати тўғрисида" гарориди ҳам бундай нормани учратмамиз.

Қонун томонидан тақиқлаб қўйилган фаолиятни амалга оширган ёки қонун ёки ҳуқуқий актларни бир неча марта ва кўпол равишда бузиш ҳолатларида тадбиркорлик фаолиятини тугатиш ҳақида ҳам шундай фикрни билдириш мумкин. Содир этилган ҳаракат учун маъмурий ёки жиноий жавобгарлик белгиланган, бироқ унинг оқибатида тадбиркорлик фаолияти тугатилиши ҳақида норма келтирилмаган.

Фуқаролик кодексиди назарда тутилган бошқа ҳолларда суднинг қарорига мувофиқ тадбиркорлик фаолиятининг тугатилиши деганда, фикримизча, қарздорнинг банкрот деб топилиши оқибатида тугатилиши кўзда тутилган.

Бозор муносабатлари шароитида хўжалик юритувчи субъектлари фаолияти уларнинг эркига боғлиқ бўлмаган ҳолда бекор қилиниши мумкин[2].

Бозор муносабатлари мамлакат иқтисодиётига қанчалик чуқурроқ кириб келиши ўз фаолиятини самарасиз олиб бораётган юридик шахсларга жиддий таъсир кўрсатмоқда. Шу сабабли, 6 ой мобайнида (савдо воситачилик корхонаси эса уч ой мобайнида) банк ҳисобварақлари бўйича пул операцияларини ўтказиш билан боғлиқ молия-хўжалик фаолияти амалга оширилмаган, (деҳқон ва фермер хўжаликлари бундан мустасно) ва (ёки) давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан бир йил ичида устав фонди таъсис ҳужжатларида назарда тутилган миқдорда шакллантирилмаган тақдирда ҳам унинг тугатилишига олиб келиши ҳақидаги норма Фуқаролик кодексиди мустаҳкамлаб қўйилган.

Молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаётган ва қонунчиликда белгиланган муддатларда ўзларининг устав жамғармаларини шакллантирмаган корхоналарни тугатиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йил 28 июндаги ПФ-2331-сон Фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 3 июлдаги 327-сон қарори, Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг 2010 йил 19 ноябрдаги 221-сон қарори қабул қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 3 июлдаги 327-сон қарорига кўра, молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаётган ва қонунчиликда белгиланган муддатларда ўзларининг устав жамғармаларини шакллантирмаган тугатилаётган корхоналарнинг маблағлари ва мол-мулки етарли бўлмаган тақдирда, уларнинг бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармаларга мажбурий тўловлар бўйича тўланмаган қарзлари давлат солиқ хизмати органлари томонидан умидсиз солиқ қарзларини ҳисобдан чиқариш учун белгиланган тартибда ҳисобдан чиқарилади.

**Савдо ва савдо-воситачи корхоналар томонидан уч ой мобайнида, бошқа хўжалик юритувчи субъектлар - юридик шахслар томонидан эса - олти ой мобайнида банк ҳисоб рақамлари бўйича пул операцияларини ўтказган ҳолда молия-хўжалик фаолияти амалга оширилмаган ҳолларда тижорат банклари уч кун муддатда у ҳисобга қўйилган жойдаги солиқ хизмати органига ахборот тақдим этади, ахборотда қуйидагилар кўрсатилади:**

- банкда ҳисоб рақами очилган ва охириги операция ўтказилган сана;
- банк ҳисоб рақамларида пул маблағларининг мавжудлиги;
- мавжуд дебиторлик ва кредиторлик қарзларнинг, кредиторлар рўйхати кўрсатилган ҳолдаги 2-картотеканинг мавжудлиги;
- корхонанинг мансабдор шахслари.

Банк ҳисоб рақамлари бўйича операцияларни тўхтатиб туриш тўғрисида суднинг тегишли қарори тақдим этилган тақдирда банклар кейинги иш кунидан кечикмай хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳисоб рақамларини ёпадилар.

Бунда хўжалик юритувчи субъектларнинг ёпилаётган ҳисоб рақамларидаги маблағлар қолдиқлари фойдаланиш ҳуқуқсиз тижорат банклари томонидан махсус ҳисоб рақамларига ўтказилади, хўжалик юритувчи субъектнинг тўлов учун банкка тақдим этилган кредиторлик қарзи эса кўзда тутилмаган ҳолатлар алоҳида ҳисоб рақамига ўтказилади.

Хўжалик юритувчи субъектлар номига тушган маблағлар уларнинг банкдаги ҳисоб рақамлари ёпилгандан кейин фойдаланиш ҳуқуқсиз махсус ҳисоб рақамларига ўтказилади.

Фойдаланиш ҳуқуқсиз махсус ҳисоб рақамларида жамланган маблағлар тижорат банклари томонидан биринчи навбатда хўжалик юритувчи субъектларнинг бюджетдан ва бюджетдан ташқари фондлардан қарзини тўлашга, қолган сумма эса - тўловларнинг календарь навбати бўйича уларнинг кредиторлик қарзини тўлашга йўналтирилади.

Рўйхатдан ўтказувчи орган молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаётган ва (ёки) қонунчиликда белгиланган муддатда ўз устав жамғармасини шакллантирмаган корхоналар фаолиятини бундан кейин давом эттиришнинг мақсадга мувофиқ эмаслиги тўғрисида солиқ органининг тақдимномасини ёки махсус комиссиянинг ҳулосасини олган кундан бошлаб бир ҳафта муддатда муассисларга (қатнашчиларга) асосларини кўрсатган ҳолда ёзма равишда, корхонани ихтиёрий тугатишни таклиф этади.

Агар корхона икки ҳафта муддатда (акциядорлик жамияти - бир ой муддатда) ихтиёрий тугатишга киришмаган ёхуд корхона муассислари (қатнашчилар) ихтиёрий тугатишни амалга оширишни рад этган, шунингдек кўрсатиб ўтилган шахсларни аниқлаш мумкин бўлмаган тақдирда, рўйхатга олувчи орган бир ҳафта муддатда иқтисодий судга корхонани тугатиш тўғрисидаги даъво аризасини белгиланган тартибда юборади.

Иқтисодий суд томонидан корхонани тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда тугатиш жараёни унинг топширигига кўра махсус комиссия томонидан амалга оширилади.

**Тугатиш жараёнининг бошланиши тўғрисида эълон берадилар ҳамда аини пайтда:**

- ички ишлар органларига - муассислар ва мансабдор шахсларни қидириш чора-тадбирларини кўриш;

мазкур корхоналарга хизмат кўрсатувчи банк муассасаларига - уларнинг банк ҳисобварақларини белгиланган тартибда ёпиш учун тегишли ахборот юборадилар.

Агар уч ойдан сўнг муассислар (қатнашчилар) келмаса ёки топилмаса, рўйхатдан ўтказувчи орган бир ҳафта муддатда корхонани тугатиш тўғрисида иқтисодий судга даъво аризаси билан мурожаат қилади.

Банкротлик тўғрисидаги ишнинг қўзғатилиши тадбиркорлик фаолияти субъектининг тугатилганлигини англамайди. Г.Папе таъкидлайдики, тугатиш қонунчилиги қарзларни тартибга солиш ва кредиторлар талабларини тенг даражада қаноатлантириш функциясини бажаради[3].

Иш доирасида қўлланиладиган кузатув, суд санацияси, ташқи бошқарув таомиллари даврида қарздор фаолият юриштида давом этади. Агар қарздорга нисбатан тугатишга доир иш юритиш таомили қўлланса, тугатиш ишлари бошланган ҳисобланади. М.В. Телюкина фикрига кўра, тугатиш ҳуқуқи қарздорга тўлов қобилиятини тиклаш имкониятини бериш йўли билан ёки тиклаб бўлмайдиган қарздор мол-мулкни кредиторлар ўртасида тақсимлаш йўли билан кредиторлар талабларини тўлиқ қаноатлантиришга қаратилган нормалар тизими[4].

**Бидирилган фикрларга таянган ҳолда қуйидаги хулосаларга келинди:**

- гарчи, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида тадбиркорлик фаолияти субъектларини мажбурий усулда тугатишнинг чоралари сифатида фаолиятни тегишли рухсатномасиз (лицензиясиз) амалга ошириш, қонун томонидан тақиқлаб қўйилган фаолиятни амалга оширган ёки қонун ёки ҳуқуқий актларни бир неча марта ва қўпол равишда бузиш келтирилган бўлса-да, уларнинг ҳуқуқий механизмлари тўлиқ шакллантирилмаган;

- молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаётган ва қонунчиликда белгиланган муддатларда ўзларининг устав жамғармаларини шакллантирмаган корхоналарни тугатишни тартибга солишга қаратилган қонуности ҳужжатларни бугунги кун талабларидан келиб чиқиб такомиллаштириш лозим;

- банкротлик тўғрисидаги ишнинг қўзғатилиши тадбиркорлик фаолияти субъектининг тугатилганлигини англамайди.

## Иқтибослар/References

1. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш - юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. Ўзбекистон Республикасининг сайланган Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. (Mirziyoyev Sh.M. The rule of law and the interests of the human being are the basis of the development of the country and the well-being of the people. Address by the President of the Republic of Uzbekistan Shavkat Mirziyoyev at the solemn ceremony marking the 24th anniversary of the adoption of the Constitution of the Republic of Uzbekistan) <http://prezident.uz/uz/lists/view/2>



2. Рўзиназаров Ш.Н. Бозор шароитида қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш тузилмаларининг фуқаролик ҳуқуқий мақоми. Юрид. фан. док. ...дис. - Т.: 1995. - Б. 90 б. (Ruzinazarov Sh.N. Civil legal status of agricultural production structures in market conditions. DSc... dis. - Т.: 1995. - В. 90 б.)

3. Папе Герхард. Институт несостоятельности: общие проблемы и особенности правового регулирования в Германии. Комментарии к действующему законодательству. / Пер. с нем. - М.: Издательство БЕК, 2002, С.11. (Pope Gerhard. Insolvency institution: common problems and peculiarities of legal regulation in Germany. Comments to the current legislation. / Per. with him. - М.: Publishing house БЕК, 2002, p.11.)

4. Телюкина М.В. Конкурсное право: Теория и практика несостоятельности (банкротства) - М.: Дело, 2002, с. 72. (Telyukina M.V. Liquidation Law: Theory and Practice of Insolvency (Bankruptcy) - Moscow: Delo, 2002, p. 72)

---

---

**12.00.01 ТЕОРИЯ И ИСТОРИЯ ГОСУДАРСТВА И ПРАВА.  
ИСТОРИЯ ПРАВОВЫХ УЧЕНИЙ**

*Келиб тушган сана 10 октябрь, 2018  
Эълон қилинган сана 6 ноябрь, 2018.*

**Ҳайитов Шерзод Рахматуллаевич**

Давлат ва ҳуқуқ назарияси  
ва тарихи кафедраси  
ўқитувчиси  
E-mail: xayitov085@mail.ru



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9130-2018-6-2>

**ҚОНУН ЛОЙИҲАЛАРИ ҲАМДА ҚОНУНЛАР  
ҲУЖЖАТЛАРИ ТАЪСИРИНИ БАҲОЛАШ ТИЗИМИ:  
МИЛЛИЙ ВА ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА**

**Аннотация:** Ушбу мақолада миллий ва хориж тажрибаси асосида тартибга солиш таъсирини баҳолаш институти фаолияти қиёсий таҳлил қилиш асосида ёритиб берилган. Мақолада қонун ҳужжатлари таъсирини баҳолаш тизими юзасидан хулоса ва таклифлари илгари сурилган.

**Калит сўзлар:** Қонун ҳужжатлари таъсирини баҳолаш тизими, тартибга солиш таъсирини баҳолаш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, қонун лойиҳаси самарали тартибга солиш (Better regulation), ақли тартибга солиш (Smart regulation).

---

**Khayitov Sherzod Rakhmatullayevich**

Teacher of the department  
Theory and history  
state and law  
E-mail: xayitov085@mail.ru

**LEGISLATIVE PROJECTS AND LEGISLATION  
PROCEDURE ASSESSMENT SYSTEM:  
NATIONAL AND FOREIGN EXPERIENCE**

**Annotation:** This paper explains the national and international practices of the institution of the assessment of the effects of regulatory acts on the basis of a comparative analysis. The article presents the conclusions and recommendations to the system for assessment of the impact of legislation.

**Key words:** The system of assessment of impact of legislative acts, regulatory impact assessment, regulations, legislation, smart regulation, better regulation.

---

**Ҳайитов Шерзод Рахматуллаевич**

преподаватель кафедры теории и истории  
государства и права ТГЮУ  
E-mail: xayitov085@mail.ru

**ЗАКОНОДАТЕЛЬНЫЕ ПРОЕКТЫ И СИСТЕМА  
ОЦЕНКИ ПРОЦЕДУРЫ ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВА:  
НАЦИОНАЛЬНЫЙ И ЗАРУБЕЖНЫЙ ОПЫТ**

**Аннотация:** В данной работе изучены на основе сравнительного анализа национальный и международный опыт функционирования института ОРВ. В статье изложены выводы и рекомендации по использованию системы оценки воздействия законодательства.

**Ключевые слова:** Система оценки законодательных последствий, оценка регулирующего воздействия, нормативно-правовые акты, законопроект, "умное регулирование", "лучшее регулирование".

**К**ейинги йилларда Тартибга солиш таъсирини баҳолаш (кейинги ўринларда КҲТБТ деб ўқилсин) институти мамлакатимизда ўзининг ривожланиш ҳамда ҳаётга тadbиқ этилиш жараёнини бошдан кечирмоқда.

Шу ўринда Президентимиз Ш.Мирзиёевнинг "Барчамиз бир ҳақиқатни унутмаслигимиз керак: қонуннинг бирдан-бир манбаи ва муаллифи том маънода халқ бўлиши шарт. Ҳар бир қонун лойиҳаси юзасидан фикр ва таклифларни қуйидан - фуқаролардан, жойлардаги халқ депутатлари Кенгашларидан олиш тартибини кенг жорий этиш зарур. Қонунларни қабул қилиш жараёнида уларни аҳоли ўртасида ҳар томонлама муҳокама қилиш тизимидан самарали фойдаланишимиз керак. Олий Мажлис раҳбарияти қонунлар муҳокамасига кенг халқ оммасини жалб қилиш, бунинг учун замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, жумладан, Интернет тармоғида махсус "майдон"лар яратиши зарур"(1) - деб таъкидлаган гаплари амалий жиҳатдан норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаларига тadbиқ этиш жараёни жадаллашиб бормоқда.

Қонун ҳужжатлари таъсирини баҳолаш тизими (кейинги ўринларда ҚҲТБТ деб ўқилсин) (ҚҲТБТ - Regulatory impact assessment) ёки Тартибга солиш таъсирини баҳолаш (ТСТБ) ҳуқуқий тартибга солиш сифатига таъсир кўрсатувчи асосий воситалардан бири ҳисобланади(2).

Тарихий жиҳатдан назар солсак, ТСТБ - жамоатчилик билан маслаҳатлашув ва ҳисоб-китоб тизими сифати вужудга келди. Унинг мақсади, 70-йилларда кичик ва ўрта бизнес учун ортиқча маъмурий юклар ва тўсиқларга йўл қўймаслик эди. Катта-катта коорпоратцияларнинг кўплаб ўз ҳуқуқшунослари, иқтисодчилари ҳамда котибият ходимлари билан маъмурий юклар ва тўсиқларни бартараф қилиш унчалик қийинчилик туғдирмасди, лекин кичик компаниялар учун бу кадрлар рўйхатини сақлаб қолиш, кўплаб ҳисоботларни топшириш, ҳар қандай қўшимча талабларни бажариш оғир юк бўлиб ҳисобланарди.

Ўзбекистон Республикасида қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар динамикаси йилда-йилга ортиб бораётганини кўришимиз мумкин (маълумот, Lex.uz. асосланган). Ушбу ҳолат ўз навбатида тadbиркорларни қўшимча харажатлар ҳамда ижро этилиши талаб қилинувчи ортиқча талабларининг пайдо бўлишига олиб келади.

Шунга қўра, амалда кўплаб ўрта ҳамда кичик бизнес субъектлари ёки ёпилиб кетади, ёки шу талабларни айланиб ўтишга мажбур қилинади, бу эса коррупцияни ўсишига олиб келади.

ҚҲТБТ асосий элементларидан бири унинг халқ муҳокамаси (кенг жамоа) бўлиб ҳисобланади. Бир неча йил олдин ҳукумат томонидан норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишда давлат органлари, фуқаролар ва тadbиркорлик субъектларининг кенг, очиқ муҳокамаси учун on-line янги алоқа платформасини яратиш вазифаси турар эди.

Шу мақсадда, 2015 йилнинг январ ойидан меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар алоҳида муҳокамаси учун Ягона давлат интерактив портали [my.gov.uz](http://my.gov.uz), шу йилнинг май ойидан эса махсус бўлим [regulation.gov.uz](http://regulation.gov.uz) ишга туширилди.

Мамлакатимизда ҚХТБТ 2008 йилдан буён тадбиқ этиб келинмоқда. Ҳукумат томонидан тартибга солиш таъсирини баҳолаш тамойилларини миллий қонунчиликда мустаҳкамлаш мақсадида бир қатор қарорлар қабул қилинди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мақамасининг 2014 йил 2 декабрдаги 328-сонли "Қонун ҳужжатларининг тадбиркорлик фаолиятига таъсирини баҳолаш тизimini жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори муҳим аҳамият касб этди. Энг яхши хорижий тажрибаларни ҳисобга олган ҳолда, қарорга мувофиқ, эндиликда норматив-ҳуқуқий ҳужжатни лойиҳасини ишлаб чиқувчи давлат органлари камида 15 кун мобайнида кенг жамоатчиликка муҳокамага қўйиш мажбурияти юкланди. Ушбу муҳим қоида орқали ҳар бир норматив-ҳуқуқий ҳужжатни лойиҳасини қабул қилишда жамоатчилик фикрини ҳисобга олиш тизими жорий қилинди.

Бундан ташқари, қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни баҳолаш тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун рухсат бериш тартиб-таомилларини соддалаштириш ва қисқартириш мақсадида қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг ишлаб чиқувчилари ташаббуси билан, тадбиркорлик субъектлари бирлашмаларининг таклифларига асосан, давлат ва бошқа ваколатли органларнинг ўз ваколати доирасига киритилган тегишли йўналиш ва масалалар юзасидан таклифлари, шунингдек улар томонидан тартибга солинадиган масалалар бўйича тадбиркорлик субъектларининг асосланган жамоавий мурожаати асосида амалга оширилиши мумкин(3).

### **Тартибга солиш нима?**

Давлат бошқаруви янгича усули концепция таъсири остида (inglizcha - New Public Management), бошқарув ҳужжатларининг сифатини яхшилашга мўлжалланган восита сифатида тартибга солиш таъсирини баҳолаш гоёси пайдо бўлди.

Умуман олган, ҚХТБТ адвокатлар, иқтисодчиларнинг коллектив; иқтисодиёт, тадбиркорлик, ижтимоий ҳамда қонунчилик соҳалардаги таъсирини баҳолашдаги комплекс сай-ҳаракатлари охириги 10 йилликдаги меҳнати маъсулидир.

Тартибга солиш - бу давлатнинг хўжалик юритувчи субъектлар ва фуқароларга нисбатан талаб лар белгилашига хизмат қилувчи турли воситалар мажмуидир. Тартибга солиш турли шаклдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар (қонунлар, ҳукумат қарорлари, вазир-ликлар ва идоралар ҳужжатлари, шунингдек маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қарорлари) орқали амалга оширилади (4).

Самарали тартибга солиш (Better regulation) ва Ақли тартибга солиш (Smart regulation) тартибга солиш сиёсатининг ўзига хос турлари бўлиб, тартибга солишни юқори сифат ҳамда самардорлигини талаб қилувчи уни амалга ошириш жараёнида турли хил соҳаларнинг бир-бирига қарама-қарши қилмаган ҳолда сиёсатни юритиш тушунилади.

Ақли тартибга солиш (Smart regulation) - бу давлат хизматларини такомиллаштириш ва қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар сифатини яхшилаш эвазига давлат аралашувини камайитириш, ортқча маъмурий тартиб-таомилларни (рухсат бериш) қисқартириш, маъмурий жавобгарликни пасайтириш, давлат органлари фаолиятининг шаффофлиги ва ҳисобдорлигини

таъминлаш, шунингдек, бозор механизмларини рағбатлантиришга қаратилган давлат бошқаруви концепциясидир (қўлланма).

Бугунги кунда Ақлли тартибга солиш (Smart regulation) соҳа сиёсатчилари томонидан яқуний мақсадларга эришиш жараёнида тартибни ошқора ва самарали бажаришга ёрдам берадиган энг илғор тамойиллар ва воситалар йиғиндисидир.

Дастлаб тартибга солиш сиёсатининг мақсади нормати-ҳуқуқий ҳужжатларнинг сонини (тартибга солиш таъсирини) камайтириш, шунингдек иқтисодга давлат аралашувини камайтиришдан иборат эди. (мисол: АҚШ, Австралия ва Янги Зеландияда 1980 йилларда). Кейинчалик бу тенденция ("тартибга солишни қисқартириш" сиёсати) қисман Буюк Британия ва бир қатор Европа давлатларида давом этиб келмоқда.

**Самарали тартибга солиш (Better regulation) нинг такомиллаштирилган концепцияси Ақлли тартибга солиш (Smart regulation) дир. Ақлли тартибга солиш (Smart regulation) терминини расмий равишда фойдаланганлиги тўғрисида яққол 2 та мисолни келтириш мумкин:**

1) 2003–2004 йиллар Канадада: "иқтисодий жиҳатдан янада самарали, ошқора, мослашувчан ва маъсулиятли" тартибга солиш сиёсати;

2) Европа Иттифоқи: 2002 йилдан бошлаб амалда бўлиб келаётган ва бизнесга ортиқча харажатларни ҳамда юкни камайтиришга олиб келган Самарали тартибга солиш (Better regulation)нинг ўрнига Баррозонинг иккинчи муддатга сайланиши билан такомиллаштирилган, Ақлли тартибга солиш (Smart regulation)нинг янги концепцияни таклиф қилди, бу концепция барча ЕИ га аъзо давлатларда жорий этилди.

**Ақлли тартибга солиш (Smart regulation) нинг афзалликлари:**

Сифатли тартибга солишни амалга ошириш заруратидан келиб чиқиб яхши ўйлаб қабул қилинадиган норматиқ-ҳуқуқий ҳужжатлар:

- рақобатбардошликни ошириш;
- бозорнинг очиқлигини рағбатлантириш;
- турмуш даражасини яхшилаш;
- атроф-муҳитни муҳофаза қилиш;

шаффофликни таъминлаш ва ҳуқуқий тартиботни муҳофаза қилишга ёрдам беради.

Қонун ҳужжатлари таъсирини баҳолаш тизими (ҚҲТБТ) - хорижий тажриба.

Қонун ҳужжатлари таъсирини баҳолаш тизими (ҚҲТБТ) қўлланишини хорижий мамлакатларни шартли равишда 3 гуруҳга ажратиш мумкин:

ҚҲТБ давлат бюджетидан харажатларни назарда тутувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинаётганда - АҚШ, Канада;

Ҳар қандай тартибга солувчи меъерий ҳужжатни қабул қилиш вақтида ҚҲТБТ қўлланиладиган мамлакатлар - Голландия, Буюк Британия;

ҚҲТБ ни ўтказишни қатъи тартиби-қоидаси жорий қилинмаган, аммо унинг умумий принципларини тартибга солиш чоралари фақатгина уларни жорий қилиш мақсадга мувофиқ ёки талабнинг бажарилиш мумкин бўлганда қўлланиладиган мамлакатлар - Жанубий Корея.

АҚШ тартибга солишнинг сарф-харажатлари ва фойдали жиҳатларини таҳлил қилиш бўйича талабларни илгари сурган биринчи давлат бўлиб ҳисобланади. 1981 йилдан бошлаб ҳукумат томонидан барча ижтимоий дастурлар бўйича ҚҲТБ ўтказиш бўйича мажбурий талаб қилиш фикрини илгари сурди. Ҳозирги кунда

тартибга солиш самарадорлигини таҳлил қилиш жараёни жамоатчилик билан маслаҳатлашув орқали амалга оширилмоқда. АҚШда тартибга солиш жараёнини мувофиқлаштириб турувчи махсус орган - Маъмурияти Тартибга солиш ва бюджет департаменти (Office of Management and Budget (OMB) таркибида Ахборот ва тартибга солиш муносабатлари идораси (US Office of Information and Regulatory Affairs) ташкил этилган. Ушбу идорада таркибида сиёсий таҳлил, ҳуқуқшунослик, иқтисод, статистика ва ахборат технологиялари соҳаларидан 50 нафар мутахассислар фаолият юритада.

**АҚШ ҚҲТБ қўйидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларига қўлланилади, яъни:**

1) иқтисодга йилга 100 миллион доллардан ортиқ маблаг сарфлашни назанда тутувчи ёки меҳнат унумдорлиги, рақобат, иш билан таъминлаш, атроф-муҳит, соғлиқни сақлаш ва давлат хавфсизлиги, давлат ёки маҳаллий бошқарув органлари учун муҳим аҳамиятга эга бўлган;

2) давлат органларининг ўртасида жиддий номувофиқликка олиб келувчи;

3) бюджетга жиддий таъсир тўловлар, субсидия, кредитлар ва дастурларни назарда тутувчи лойиҳалар.

Германияда бирламчи ва иккиламчи тартибга солиш расман ҚҲТБдан ўтказилиши зарур. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилиш ташаббуси билан чиқаётган федерал вазирлик ўз таклифини Федерал ҳукуматга тақдим этишдан олдин ҚҲТБни амалга ошириши лозим. Федерал ички ишлар вазирлиги ҚҲТБ сифатини назорат қилишга жавобгар давлат органи ҳисобланиб, сифатсиз таҳлилни рад этиш ваколатига эга. Федерал ички ишлар вазирлигидан ташқари, ҚҲТБ сифатининг устидан назоратни амалга оширувчи бошқа вазирликлар ҳам мавжуд. Юқорида қайд этилган вазирлик ҚҲТБга оид тавсиялар тақдим этиш ёки ҚҲТБни рад этиш ваколатига эга бўлса, Молия вазирлиги бюджет қирим-чиқимларига кўрсатиладиган таъсирни баҳолайди. Иқтисодиёт ва меҳнат вазирлиги эса саноат секторидagi харажатлар, нархлар ва истеъмолчиларга кўрсатилиши мумкин бўлган таъсирларни таҳлил қилади (8).

Кенг жамоатчилик томонидан бериладиган консултациялар (экспертлар, мутахассислар, хусусий сектор вакиллари) ҚҲТБнинг ажралмас қисми сифатида қаралмайди ҳамда муҳокама натижаларини эълон қилиш ҳам мажбурий эмас.

ҚҲТБ алоҳида ҳужжат шаклида эмас, қонун билан биргаликда ҳисобот шаклида эълон қилинади.

Буюк Британияда кенг қўламли ҚҲТБ лойиҳаси 1985 йилда бошланиб "тартибга солишдан ҳоли бўлиш ташаббуси" деб номланган. Ушбу ташаббус кенг қамровли ҚҲТБни эмас, балки харажатларга баҳо бериш тартиби эди.

1980-йилларда меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни сифати бўйича назорат Савдо ва саноат департаменти томонидан амалга оширилган. 1992 йилда тартибга солишдан ҳоли бўлиш ташаббуси янги маънога эга бўлди: Ҳукумат аппаратининг марказий гуруҳи назорати остида 7 та операцион гуруҳ ташкил этилди.

1996 йилдан бошлаб ҚҲТБни ўтказиш методологияси ўзгарди ва 1998 йилдан бошлаб кенг қамровли ҚҲТБ тизими Буюк Британияда амалга оширила бошлади, дейишимиз мумкин.

Ююк Британияда ҚҲТБни тартиб солиш бўйича маъсул орган - Ҳукумат таркибидаги тартибга солиш таъсирини таҳлил қилиш хизмати томонидан амалга оширилади. Бундан ташқари Ҳар бир вазирликда ҚҲТБни тартиб солиш бўйича махсус бўлимлар мавжуд.

ҚХТБ институти ташкил этилга ҳамда фаолият юритаётган мамлакатларда ҚХТБ ни самарадорлиги тўғрисидаги баҳс-мунозарала аллақачон бошланиб кетган, масалан, исбот қилиш усули сифатини такомиллаштириш чоралари муҳокамаси(9) қонуналар лойиҳалари харажатларини асослаш учун статистик таҳлилни қўллашнинг ўзига хос хусусиятлар(10) қонунчиликни ривожлатиришдаги хатолар, берилган маълуматлар ноаниқ ҳамда етарли бўлмаган баҳолаш институтини қўллаш ва ҳоқоза(11). Экологик оқибат харажатларини баҳолашни назарда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари бугунги кунда энг қизгин баҳсга айланиб бормоқда(12). ҚХТБни ўтказиш бўйича назарий ёндашувлар ва трансчегаравий битимлар ишлаб чиқилмоқда(13). Бир қатор илмий ишлар ҚХТБни муайян соҳаларда қўллашга бағишланган яъни, уруш ва тинчлик масалалари бўйича сиёсий қарорлар(14); ижтимоий соҳа ва ҳоқозалар (15) ҚХТБ институтини ривожлантириш бўйича аниқ амалий дастурлар таклиф қилинмоқда, масалан: АҚШ, Буюк Британия ва Европа Иттифоқининг тажрибасини босқичма-босқич жорий қилиш(15).

**Мамлакатимизда қонун ижодкорлиги амалиётида ҚХТБТ механизми қўлланилаётганини эътиборга олган ҳолда қуйидагиларни ҚХТБТ такомиллаштириш бўйича таклифлар илгари сурилади:**

**биринчидан,** ҚХТБТ қўллаш объектини аниқлаштириш ҳамда бу жараёндан ўтувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалар доирасини камайтириш, чунки ривожланган хорижий мамлакатлар тажрибасига кўра, барча норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалар ҚХТБТ қўллаш самарали эмаслигини кўрсатмоқда;

**иккинчидан,** ҚХТБТ ўтказиш бўйича миллий қонунчилик базасини мустаҳкамлаш, мамлакатимиз ҳамда ҚХТБТ амалда қўллаш бўйича илгор хориж тажрибаларини ҳисобга олган ҳолда кўрсатма ва тавсиялар ишлаб чиқиш;

**учинчидан,** ҚХТБТни амалга оширувчи органлар тегишли органларга ҳисобат бериб туришини йўлга қўйиш (Европа Иттифоқининг баҳолаш бўйича Кенгагининг амалга оширган ишлар ҳисобатига ўхшаш).

ҚХТБТ моҳиятига кўра, турли хил норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳар томонлама баҳолаш имконини берувчи тизимдир, яъни мураккаб бўлмаган қўлама жиҳатдан унча кавгта бўлмаган ҳужжат лойиҳаларидан мураккаб ва муҳим аҳамият ҳужжатлар лойиҳаларидан то уни қабул қилгунга қадар барча босқичларни қамараб олчи мураккаб баҳолаш жараёнидир. Шу билан бирга ҳар йили қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар сонини камйтириш, амалдаги қонунчиликда маъмурий тўсиқлар ҳамда тадбиркорлик субъектларига ортиқча харажат ва юкларни назарда тутувчи нормаларни сонини камайтириш ва соддалаштириш таклиф этилади (one in - one out, one in - two out, sunset clauses тамойиллар қўллаш асосида).

#### Adabiyotlar/References

1) Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 22.12.2017. <http://press-rvce.uz/uz/lists/view/1371> Appeal to the Oliy Majlis of the President of the Republic of Uzbekistan Shavkat Mirziyoev. 22.12.2017/

2) Қонун ҳужжатлари таъсирини баҳолаш тизими: амалий қўлланма [Matn] / Ф. Мухамедов, Ф. Карабаев, И. Бектемиров, А. Абидов.-Тошкент : Baktria press, 2016.- 5 б. Legislation Impact Assessment System: Practical Guide [Text] / F. Mukhamedov, F. Karabaev, I. Bektemirov, A. Abidov. - Tashkent: Baktria press, 2016. - 5 p.

3) Қонун ҳужжатлари таъсирини баҳолаш тизими: амалий қўлланма [Матн] / Ф. Мухамедов, Ф. Карабаев, И. Бектемиров, А. Абидов. - Тошкент : Baktria press, 2016. - 6 б. Legislation Impact Assessment System: Practical Guide [Text] / F. Mukhamedov, F. Karabaev, I. Bektemirov, A. Abidov. - Tashkent: Baktria press, 2016. - 6 p.

4) Қонун ҳужжатлари таъсирини баҳолаш тизими: амалий қўлланма [Матн] / Ф. Мухамедов, Ф. Карабаев, И. Бектемиров, А. Абидов. - Тошкент : Baktria press, 2016. - 7 б. Legislation Impact Assessment System: Practical Guide [Text] / F. Mukhamedov, F. Karabaev, I. Bektemirov, A. Abidov. - Tashkent: Baktria press, 2016. - 7p.

5) "УМНОЕ РЕГУЛИРОВАНИЕ": глобальный вызов для лиц, принимающих решения Шарль-Анри МОНТЭН (Франция), 23/04/2012 <http://smartregulation.net>. "SMART REGULATION": a global challenge for decision makers Charles-Henri MONTEN (France), 23/04/2012.

6) (35 Presidential Documents. Executive Order 12866 of September 30, 1993. Regulatory Planning and Review // Federal Register. 1993.Vol. 58.

No190. URL:[http://www.whitehouse.gov/sites/default/files/omb/inforeg/eo12866/eo12866\\_10041993.pdf](http://www.whitehouse.gov/sites/default/files/omb/inforeg/eo12866/eo12866_10041993.pdf)(18.02.2015.)

7) Қонун ҳужжатлари таъсирини баҳолаш тизими: амалий қўлланма [Матн] / Ф. Мухамедов, Ф. Карабаев, И. Бектемиров, А. Абидов. - Тошкент : Baktria press, 2016. - 57 б. Legislation Impact Assessment System: Practical Guide [Text] / F. Mukhamedov, F. Karabaev, I. Bektemirov, A. Abidov. - Tashkent: Baktria press, 2016. - 57p.

8) Pawson R. Assessing the Quality of Evidence in Evidence-Based Policy: Why, How and When? / ESRC Research Methods Programme. Working Paper No.1. University of Leeds, 2003.

URL:<http://citeseerx.ist.psu.edu/viewdoc/download?doi=10.1.1.120.7343&rep=rep1&type=pdf> (19.02.2015).

9) Stevens T., Oliv?rezA. Jr. Statistical Significance and Evidenced-Based Policies: A Realistic View / Essays in Education.2005. No 13.

URL: <http://www.usca.edu/essays/vol132005/stevens.pdf> (19.02.2015).

10) Omrani H., Ion-Boussier L., Trigano P. An Approach for Environmental Impacts Assessment using Belief Theory // Intelligent Systems, 2006 3rd International IEEE Conference on. London: IEEE, 2006. P. 457-462.

URL:<http://ieeexplore.ieee.org/xpl/articleDetails.jsp?arnumber=4155469> (17.04.2015).

11) Cashmore M. The Role of Science in Environmental Impact Assessment: Process and Procedure Versus Purpose in the Development of Theory // Environmental Impact Assessment Review. 2004. No 24. P. 403-426.

URL:<http://faculty.mu.edu.sa/public/uploads/1338109315.1011EIA-8.pdf> 19.02.2015).

12) Kersten C.M.Rethinking Transboundary Environmental Impact Assessment // Yale Journal of International Law. 2009. Vol. 34. No 1. P. 173-205.

URL: [http://www.yale-university.org/yjil/files\\_PDFs/vol34/Kersten.pdf](http://www.yale-university.org/yjil/files_PDFs/vol34/Kersten.pdf) (19.02.2015).

13) Schmelzle B. New Trends in Peace and Conflict Impact Assessment (PCIA) / Berghof Research Center for Constructive Conflict Management, 2005.

URL:[http://www.berghoffoundation.org/fileadmin/redaktion/Publications/Handbook/Dialogues/dialogue4\\_pcia\\_new\\_complete.pdf](http://www.berghoffoundation.org/fileadmin/redaktion/Publications/Handbook/Dialogues/dialogue4_pcia_new_complete.pdf) (19.02.2015).

14) Vanclay F. International Principles for Social Impact Assessment // Impact Assessment and Project Appraisal. 2003. Vol. 21. No1. P. 5-12.

URL: <http://www.tandfonline.com/doi/pdf/10.3152/147154603781766491> (19.02.2015).

15) Renda A. Impact Assessment in the EU -The State of the Art and the Art of the State/Centre for European Policy Studies. Brussels, 2006. URL: <http://ceps.be/files/book/1291.pdf>(19.02.2015).



---

---

## 12.00.01 ТЕОРИЯ И ИСТОРИЯ ГОСУДАРСТВА И ПРАВА. ИСТОРИЯ ПРАВОВЫХ УЧЕНИЙ

*The article was received on October 22, 2018.  
It was recommended for publication on November 6, 2018.*

**Mukhitdinova Firyuza Abdurashidova,**

doctor of legal Sciences, Professor  
Tashkent state university of Law.  
E-mail: feruza.mukhitdinova@gmail.com



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9130-2018-6-3>

### STATE-LEGAL VIEWS OF THINKERS OF THE EAST

**Annotation:** The article reviewed and analyzed the ideas and teachings about Idalgo state and the just society in the works of scientists of the East as Ibn Sina, Biruni, Farabi, who made a huge contribution in the history of statehood of Uzbekistan. Attention is drawn to the fact that the thinkers of the Eastern Renaissance of the concept of "virtuous city", "just society" and others have determined the design of this theoretical image in the practice of Turkish reign.

**Keywords:** al-Farabi, Biruni, right, the Turks, the virtuous city, the happiness.

---

**Мухитдинова Фирюза Абдурашидовна,**

доктор юридических наук, профессор  
Ташкентский государственный юридический  
университет  
E-mail: feruza.mukhitdinova@gmail.com

### ГОСУДАРСТВЕННО-ПРАВОВЫЕ ВЗГЛЯДЫ МЫСЛИТЕЛЕЙ ВОСТОКА

**Аннотация:** в статье рассмотрены и проанализированы идеи и учения о идеальном государстве и справедливом обществе в трудах ученых Востока, как Ибн Сина, Бируни, Фараби, которые внесли огромный вклад в истории государственности Узбекистана. Обращается внимание на тот факт, что использованные мыслителями Восточного Ренессанса понятия "добродетельный город", "справедливое общество" и другие предопределили конструкцию данного теоретического образа в практику тюркского правления.

**Ключевые слова:** Аль-Фараби, Бируни, право, тюрки, добродетельный город, счастье.

---

**Мухитдинова Фирюза Абдурашидовна,**

юридик фанлар доктори,  
Тошкент давлат юридик университети профессори  
E-mail: feruza.mukhitdinova@gmail.com

### ШАРҚ МУТАФАККИРЛАРИНИНГ ДАВЛАТ-ҲУҚУҚИЙ ҚАРАШЛАРИ

**Аннотация:** Мазкур мақолада Шарқ уйғониш даври мутафаккирлари Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино қарашлари, илмий мероси, ҳамда уларнинг бугунги кунда ўрганишнинг аҳамияти таҳлил этилган. Шунингдек, фозил давлат, идеал жамият, адолатли давлат ҳақидаги ҳамда қонунчилиқни такомиллаштириш ва кенг жамоатчиликка тарғиб этиш ғоялари ёритилган.

**Таянч сўзлар:** Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино, Шарқ, мутафаккирлар, жамият, давлат, қонун, адолат

---

2018 №6

State legal doctrines of the peoples of the East one of the brightest and directions of political and legal thought. One of the specific features in the development of humanitarian knowledge is discontinuous: each new generation of scholars in the Humanities develops, as a rule, closer to him standing (in linguistic, chronological and geographic terms) of the theoretical sources, paying less attention to earlier cultural layers.

From previous historical eras to modern researchers reach mainly the works of the most widely known authors, which had a marked influence on the development of one or other of the Humanities as the writings of Plato, Aristotle which further studied and translated the scholars of the East. These works can contain a large ideological wealth, has not lost the urgency and nowadays. It is written in full should be attributed to the creative heritage of Abu Nasr Farabi, Abu Rayhan Biruni, and Ibn Sina, etc.

The study of the state-legal views of Abu Nasr Farabi, Abu Rayhan Biruni and Ibn Sina allows to a certain extent to restore the interrupted tradition, and updated many of their ideas of great theoretical significance for modern legal science. Political and legal ideas of the peoples of the East an important part of the intellectual process in Uzbekistan, the Study of the doctrine of Abu Nasr Farabi, Abu Rayhan Biruni and Ibn Sina gives you the opportunity to better understand the role of political-legal ideology of the East, the main stages of its development.

One of the objectives of the study of political and legal ideas of the past to identify the specifics of the national legal consciousness of a particular country. The views of people on politics, power, state, law, legislation are an integral part of national legal culture.

Now, in early XXI century, when our country as a goal proclaimed and enshrined in law the idea of building a democratic state, liberal values seem to be still continue to remain "Supreme", a rather thin layer of legal culture of the peoples of the East. One of the brightest representatives of the galaxy figures IX - XII centuries. Abu Nasr al - Farabi, is a that has made a significant contribution to the development of social awareness.

Therefore, the relevance of the study of state-legal views, which had a huge impact on the minds and sentiments of the best of the youth of this time period, in modern historical conditions is to identify the values of the nation-state, in correlation with the values of the Eastern political-legal experience in the implementation of reforms. As we know that Abu Nasr al - Farabi was born in Farab, and lived in Shasha (now Tashkent) studied in Bukhara, Samarkand.

At the beginning of the tenth century, the pursuit of knowledge led him to the capital of the Arab Caliphate, Baghdad. In Baghdad, he met with various fields of knowledge, studying languages. The progressive ideas expressed in the essay "the Book of beliefs of the inhabitants of the ideal city", the scientist had been subjected to persecution and was forced to leave Baghdad. Farabi was an expert in Hellenistic culture. Fame Farabi brought his commentaries of Aristotle, in this connection, during the life he was awarded the honorary name "Aristotle of the East", "the Second teacher".

In his state-legal doctrine, Farabi puts forward his original concept of the origin of society: "by nature, every person is arranged so that for his own existence and the achievement of the highest perfection, he needs many things that he can not deliver to himself alone and, to achieve which he needs a certain community of people, delivering to him individually every.

In this case, each person in relation to the other is in exactly the same position. That is why only through the Union of many people who help each other, where everyone gives the other a certain share of what is necessary for his existence, a person can find the perfection to which he is intended by nature. The activity of each of the members of such a community in its totality gives each of them all what he needs for the existence and achievement of perfection", - says Farabi. The relevance of the study of the teachings of Farabi is of great importance in that he undertakes to present the project of an ideal society (city-state).

Farabi classifies societies into great (Association of all people, the people inhabiting the earth), middle (society of a certain people) and small (Association of people into separate cities). Taking the initial moral categories of good, evil, attitude to work, he divides the city-state into virtuous, collective and ignorant.

In virtuous city-States public life is built on the principles of high morality of people who, helping each other, achieve true happiness. Studying the goals and building a virtuous state, he also drew attention to the social system of society.

Therefore, Farabi writes about five layers of the population in a virtuous state: 1) sages and other worthy persons; 2) "people of religion", poets, musicians, scribes; 3) accountants, geometers, doctors, astrologers, etc.; 4) warriors, warriors, guards, etc.; 5) rich people, farmers, pastoralists, merchants, etc. in a virtuous state, all these layers of the population are linked by friendship, mutual interests, fair treatment to each other.

The virtuous city is headed by a philosopher-ruler, who is able to learn the principles governing nature and society, and pass this knowledge to the population.

**Farabi believes that the first Chapter is the one over which absolutely no one has power. And, in fact, he is the ruler of all people and in all parts of the comfortable world. The key to its superiority over others are 12 features, among which there are both natural and spiritual qualities. They consist of:**

- Health and lack of physical defects;
- The ability to correctly understand the reality and desires of others;
- Excellent memory; and the presence of mind and intelligence;
- Oratory skills;
- Interest in science and the pursuit of its development;
- Refusal of vulgar life and indulgence to carnal passions;
- Love for truth and truthful people, and enmity with lies and deceitful people;
- Love for nobility and honor;
- Contempt for wealth and luxury;
- Justice and love for it, as well as the fight against injustice and unjust people;
- Moderation, but not passivity;
- Determination, courage and bravery in doing worthy deeds and avoiding manifestations of weakness

It is important that Farabi previously defined a utopian city: "a Utopian city is a city where people live together in order to work together to achieve true happiness." Happiness has two bases: the first is knowledge, and the second is action. Knowledge of truth, happiness and goodness, as well as knowledge and choice of the means that lead us to happiness. And voluntary efforts to achieve this goal.

This is what all citizens of a utopian city should do. The exclusivity of the first Chapter is that it is reunited with the higher world and, because of this, has reached the truth,

has the strength and dignity necessary to pass this way, as well as to show it to others. The head is also the reason for the existence of the city and its symbol.

All citizens of the good city must be endowed with knowledge and will, although the depth of knowledge of all cannot be the same. Precisely, these statements are the main objectives of our country. Everyone who is endowed with these qualities deserves to be the first head, ruler and guide of society. However, due to the fact that the presence of all these qualities in one person is problematic, it is difficult to find such a person. Such people are units

If it happens that at some time it is impossible to find such a person, the solution is to apply the laws and regulations left by such an outstanding person in the past. Thus, inevitably Board business pass into the hands of the second Chapter. He is the guardian and executor of the laws and traditions of the first Chapter.

What to do if all these qualities cannot be found in one person at once? Farabi replies: "If one cannot find one person endowed with all these qualities, and there are two - one philosopher, and the second has the other qualities, both can be heads. Also, if all these six conditions are divided between six or a group of people, and they are all able to agree with each other, then all can be good rulers of society at the same time."

Considering the Genesis and evolution of the peoples of the East of the state and law, the forms of consolidation of the latter, it is necessary to emphasize that the issues of law, the implementation of reforms in it have a decisive influence on the change of form and social purpose of the state. In connection with the declared goals of building a legal state, the political and legal ideas of Eastern scientists (Abu Nasr Farabi, Biruni and Ibn Sina, etc.) are of great methodological importance, as they fully meet the goals proclaimed in society and are based on extensive historical and sociological material.

We must recognize that in modern conditions to determine options for the development of the state increases the importance of properly selected legal form, as the latter is given by the state transition conditions for the existence of a legitimate character. The merit of scientists of the East in the history of political and legal thought is to study the ideas of state and legal development of the Eastern countries, and on their basis and the Republic of Uzbekistan.

Historical facts are proof of the strength of certain legal concepts. Therefore, declaring the purpose of building a legal state in the Republic of Uzbekistan, it is necessary to consider what features of state and legal development require consideration and special attention to the fact that the rule of law is a fact of real life, consistent with the idea of national sovereignty.

Considering the state as a Union of the people, the social principle and the social cause, it should be noted that the state becomes not any Union, but only one, the basis of which is the maintenance of the common good. Thus, the common good is the goal of a self-developing society. Since the rule of law in a state is based not only on authority and obedience, but also on the principles of communication between the individual and society, the idea of the state of the common good presupposes the subordination of the state to the law.

The national significance of the state is realized through the meaning of law. The common good in a nation state is not achieved to a small extent by legal means. The source of Supreme power in such a state is the will of the people. This article attempts to analyze the historical concept of Farabi from the legal point of view.

In conclusion, we can say that the works of most scholars of the Muslim East in XII - XIII centuries, concerning the problem of legal culture, was mainly devoted to the science of jurisprudence. They sought to pay more attention to jurisprudence, to reveal its importance more fully. Some authors of treatises devoted to the studied problem recognized the essence of laws and legal knowledge as a science.

Therefore, in Uzbekistan today, much attention is paid to the study of the history of the deep connection of modern reform processes in independent Uzbekistan with the actualization of the problems of cultural heritage .. One of the results of the grandiose changes in the ancient land of Maverannahr was not only the independence of Uzbekistan, but also the restoration of the historical memory of the people, the discovery of powerful layers of national traditions and culture, the spiritual heritage of great ancestors."

---

### References

---

1. Касымжанов А.Х. Абу-наsr аль-Фараби. - М.: Мысль, 1982. - 189 с.  
(The Kasymzhanov A. H. Abu-Nasr al-Farabi. - M.: Thought, 1982. - 189 p.)
2. Гумилев Л.Н. Древние турки. - М.: Наука, - 1989.  
(Gumilev L. N. Ancient Turks. - M.: Science, - 1989.)

Келиб тушган сана 19 октябрь, 2018  
Эълон қилинган сана 6 ноябрь, 2018.

Дилбар Чориева,

Тошкент давлат юридик  
университети тадқиқотчиси



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9130-2018-6-4>

## ТАФТИШ ЖАРАЁНИДА АДВОКАТ ИШТИРОКИ ТАЪМИНЛАНИШНИНГ АЙРИМ ЖИХАТЛАРИ

**Аннотация:** Мақолада бугунги кунда республикамызда фуқаролик жамиятини ривожлантириш тубдан янги босқичга кўтарилаётганлиги, қонунчилик тизими тубдан такомиллаштирилиб, янгидан-янги институтлар, тушунчалар қонунчилигимизда пайдо бўлаётганлиги, жумладан, жиноят қонунчилиги ва одил судлов фаолиятини янада такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси лойиҳаси ишлаб чиқилиб, тез орада Жиноят ва Жиноят-процессуал кодекслари янги тахрирда қабул қилиниши назарда тутилаётганлигига алоҳида тўхталиб ўтилган. Шу билан бирга Жиноят-процессуал кодексига янги 221 - Тафтиш бобининг киритилишига алоҳида ургу берилган. Тафтиш институтининг Жиноят-процессуал кодексига янги боб сифатида киритилиши тафтиш ўтказиш механизмининг қонуний асоси яратилганлиги сифатида баҳоланиб, бироқ айнан ўша бобдаги тафтиш ўтказиш билан боғлиқ жиҳатларнинг тўлиқ ёритиб берилмаганлигига асосий эътибор қаратилган. Хусусан, янги 221-бобда тафтиш ўтказиш жараёнида адвокатнинг иштироки механизми ишлаб чиқилмаганлиги, тафтишнинг фақат тадбиркорлик субъектлари фаолиятидагина ўтказилиши белгиланганлиги, тафтиш якуналари бўйича тузиладиган далолатномада тафтиш ўтказилаётган субъект вакиллариининг ҳамда адвокат имзосининг мавжуд бўлиши тўғрисидаги норманиннг киритилмаганлиги каби ҳолатлар санаб ўтилган ва ушбу ҳолатлар юзасидан муайян таклифлар ишлаб чиқилиб, илгари сурилган.

**Калит сўзлар:** Жиноят-процессуал кодекси, қонунчилик, тафтиш, тафтиш ўтказиш механизми, адвокат, тафтиш ўтказилаётган субъект, далолатнома, имзо.

---

Дильбар Чориева,

Исследователь Ташкентского  
государственного юридического  
университета

## ОСНОВНЫЕ ОСОБЕННОСТИ УЧАСТИЯ АДВОКАТА В ПРОЦЕССЕ РЕВИЗИИ

**Аннотация:** В статье рассмотрены вопросы о развитии гражданского общества нашей республики на сегодняшний день, об усовершенствовании и переходе на новый этап законодательной системы, о новейших институтах, о новых понятиях, в том числе уголовного законодательства и о совершенствовании деятельности правосудия. Указано, что в целях разработки Уголовно-Процессуального кодекса Республики Узбекистан, в скорейшем времени будут приняты новые проекты Уголовного и Уголовно-Процессуального кодексов. В том числе отдельно упомянуто введение раздела 221- о Ревизии, о введении нового раздела, в Уголовно-Процессуальный кодекс, об институте ревизии, о его механизмах, о механизмах проведения ревизии на основе законности, о их качественности, но и в виду с этим, обращено внимание на то что, в этой же главе не раскрыты полностью основные стороны и механизмы проведения ревизии. В частности, в новом разделе 221 - о проведении ревизии, не рассмотрены стороны и механизмы вопроса участия

адвоката в момент проведения ревизии, о не рассмотренные других субъектов кроме субъектов предпринимательства и их деятельности указывается о не рассмотревшемся вопросе подписания адвокатом в заключительном акте ревизии. Исходя из этого разработаны и предложены предложения о введении норм наличия подписей при проведении, составлении и заключении акта ревизии представителями субъектов, в том числе и адвоката.

**Ключевые слова:** Уголовно-процессуальный кодекс, законность, ревизия, механизм проведения ревизии, адвокат, субъект ревизии, акт, подпись.

Dilbar Chorieva,

Researcher of Tashkent state  
university of Law

## KEY PECULIARITIES OF THE PARTICIPATION OF A LAWYER IN THE PROCESS OF AUDIT

**Annotation:** The article deals with the development of civil society in our Republic. Today, the improvement and switch to a new stage of the legislative system, the latest institutions, new concepts, including criminal law and the improvement of justice. It is indicated that in order to develop the Criminal Procedural code of the Republic of Uzbekistan, new draft of Criminal and criminal Procedural codes will be adopted as soon as possible. Especially mentioned the introduction of section 221 on Auditing, the introduction of a new section to Criminal Procedural code, the institute of Audit, its mechanisms, the mechanisms of audit based on the rule of law, their quality, nor with that attention is drawn to the fact that, the same Chapter does not fully disclose the main parties and mechanisms of audit. In particular, in the new section 221 several issues are mentioned, namely mechanisms of participation of a lawyer at the time of the audit have not been worked out, conducting the audit only of the activities of business entities, excluding the standard on existing the signature of the representatives of entities and the lawyer in the final act of the results of the audit and on these issues certain proposals have been worked out and developed.

**Key words:** Criminal procedural code, law, revision, mechanism of the audit, the lawyer, the subject of the audit, act, the signature.

Бугунги кунда республикаимизда фуқаролик жамиятини ривожлантириш тубдан янги bosқичга қўтарилмоқда. Ушбу жараённинг амалий ифодасини ўзида мужассамлаштирган Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2018 йил 22 январда қабул қилинган ПФ-5308-сонли Фармон бугунги куннинг асосий ҳаракатлар мезонига айланди [1].

Шу йўлдаги амалий қадамлар сифатида жамият ҳаётининг барча соҳаларини тубдан янгилашга, ўзгартиришга қаратилган кўплаб қонун ҳужжатлари, фармон ва қарорлар қабул қилинмоқда. Қонунчилик тизими тубдан такомиллаштирилиб, янгидан-янги институтлар, тушунчалар қонунчилигимизда пайдо бўлмоқда. Жумладан, жиноят қонунчилиги ва одил судлов фаолиятини янада такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси лойиҳаси концепцияси ишлаб чиқилиб, тез орада Жиноят ва Жиноят-процессуал кодекслари янги таҳрирда қабул қилиниши кўзда тутилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексига янги 221 - Тафтиш бобининг киритилиши ҳам бу борада амалиётдаги мавжуд муаммоларни бартараф этиш ва унинг ечимини ҳал қилишга қаратилган ҳуқуқий асос сифатида намоён бўлди.

Шу ўринда шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, тафтиш институтининг Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига алоҳида боб сифатида киритилиши қонунчиликдаги бўшлиқни тўлдирилишига олиб келди. Негаки,

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига мувофиқ, муайян жиноят ишини юритиш жараёнида исбот қилишнинг умумий шартларидан бири бу далиллар тўплаш ҳисобланади [2]. Далиллар эса, бир қатор тергов ва суд ҳаракатларини юритиш баробарида, хусусан, тафтиш тайинлаш йўли билан ҳам тўпланади. Таъкидлаб ўтиш ўринлики, ЖПК 9-бобида исбот қилишнинг умумий шартлари кўрсатиб ўтилган бўлиб, улардан бири 87-моддада Далиллар тўплаш орқали исбот қилиш тартиби белгиланган. Далиллар тўплаш усулларига тафтиш тайинлаш ҳам киритилган бўлиб, айнан шу Кодекснинг 81-моддасида далилларнинг турлари санаб ўтилган, бироқ тафтиш далил турларига киритилмаган. Ушбу ҳолат Кодексни амалиётга қўллаш жараёнида тушунмовчиликларни келтириб чиқармоқда. Бу эса 81-моддада тафтиш ўтилган далиллар турлари қаторига тафтишни ҳам киритиш заруратини талаб этади.

Энди бевосита тафтиш тайинлаш тартибига қайтадиган бўлсак, шу вақтга қадар тафтиш тушунчаси ва тафтиш ўтказиш механизми ҳали бирор бир қонун ҳужжатида ёритиб берилмаган эди. Миллий қонунчилигимизда тафтиш тушунчасининг ёритилиши юзасидан олиб борилган таҳлил натижалари шуни кўрсатмоқдаки, ушбу тушунча фақатгина Солиқ кодексига "молия-хўжалик фаолияти текшируви (тафтиши)" сифатида кўрсатиб ўтилган [3]. Бу эса корхона ва ташкилотларни солиқ қонунчилиги нуқтаи назаридан текшириш давомида олиб бориладиган "молия-хўжалик фаолияти текшируви (тафтиши)"ни англатади, холос. Бизга эса, жиноят ишини юритишда далиллар тўплаш жараёнидаги тафтиш институтининг механизми ёритилган ҳуқуқий норманинг мавжудлигига қизиқтиради.

Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, Солиқ кодексигаги мавжуд нормалар тафтиш ўтказиш механизмининг қонуний асоси мавжуд дейиш имкониятини бермайди. Бу эса, Жиноят-процессуал кодексига Тафтиш бобининг киритилиши айна вақтдаги энг зарур ҳуқуқий институтнинг пайдо бўлиши сифатида баҳоланди.

Жиноят-процессуал кодексига янги киритилган 221 "Тафтиш" бобида тафтиш тайинлаш учун асослар, тафтишни тайинлаш, тафтишни ўтказиш учун тайинланган шахслар, тадбиркорлик субъектларини тафтишдан ўтказиш шартлари, тафтиш ўтказиш тартиби ва айрим ҳолларда тафтиш ўтказиш тартиби, тафтиш ўтказиш муддатлари, тафтиш натижалари тўғрисидаги далолатнома, қўшимча ёки қайта тафтиш, текширилаётган субъект мансабдор шахсларининг ёки вакилларининг, шунингдек, тафтиш ўтказувчи шахсларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари алоҳида моддаларда кўрсатиб ўтилди. Бу билан юридик шахслар ва яқка тартибдаги тадбиркорлар фаолиятига ноқонуний аралашш, муддатидан олдин тафтиш ўтказиш ҳамда бу борада ваколоти бўлмаган шахслар томонидан тафтиш ўтказиш ҳолатларининг бартараф этилишига ва текширилаётган субъект мансабдор шахсларининг ёки вакилларининг ҳуқуқ ва манфаатларининг қонуний тарзда ҳимоя этилишига эришиш назарда тутилди.

Тафтиш ўтказиш механизмининг ҳуқуқий асоси яратилгани бу албатта яхши, бироқ ушбу механизм қонунчиликда тўлалигича ёритиб берилди, дейишга ҳали вақтли. Негачи, биринчидан, ушбу янги Тафтиш бобида тафтиш ўтказилувчи субъект сифатида фақатгина тадбиркорлик субъектларигина кўрсатиб ўтилди, ваҳоланки, тафтиш нафақат тадбиркорлик субъекти фаолиятида, балки, корхона, муассаса ва ташкилотлар фаолиятида ҳам ўтказилиши мумкин. Шундан келиб чиқиб, 1874-модда номидаги ҳамда ушбу боб барча моддаларидаги Тадбиркорлик субъектларини тафтишдан ўтказиш (ёки тафтиш қилиш) сўзларини Тадбиркорлик



субъектлари ҳамда корхона, муассаса ва ташкилотлар фаолиятини тафтишдан ўтказиш (ёки тафтиш қилиш) сўзларига ўзгартириш мақсадга мувофиқдир. Иккинчидан, муайян жиноят иши юзасидан ҳақиқатни қарор топиши учун далиллар тўплаш мақсадида тафтиш тайинлашда, исботлашнинг бошқа турларида бўлгани каби, тафтиш ўтказишда ҳам адвокатнинг иштироки тўлиқ таъминланиши шарт ҳисобланади. Бу жараён ҳам янги бобда тўлиқ ёритиб берилмаган.

Хусусан, янги 221-боб 1874-моддасида Тадбиркорлик субъектларини тафтиш қилиш юридик хизмат вакиллари ва (ёки) жалб этилган адвокатлар албатта иштирок этган ҳолда ўтказилиши мустаҳкамланган, бироқ ушбу моддада тафтишга адвокат ким томонидан жалб этилиши, адвокатнинг қай тартибда иштирок этиши, ҳаракатдаги қўшма қарори иловаси билан жараёнига иштироки таъминланиши, тафтиш натижаларидаги ўрни ва ҳ.к. жиҳатларнинг ёритиб берилмаганлиги тафтиш жараёнида адвокатларнинг иштироки механизми ҳали қонунчиликдаги бўшлиқлардан бири бўлиб турганлигини кўрсатади.

Шу ўринда шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Миллий Хавфсизлик хизмати, Бош прокуратура, Ички Ишлар Вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Давлат божхона қўмитасининг 2016 йил 13 январдаги қўшма қарори иловаси билан тасдиқланган "Кўзгатишнинг жиноят ишлари бўйича тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текширишларда адвокатларнинг мажбурий иштирокини таъминлаш тартиби тўғрисида"ги НИЗОМ мавжуд [4]. Ушбу Низомда тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текширишдаги адвокат иштироки механизми муайян тарзда очиб берилган. Бироқ мазкур Низом қонун даражасида юридик кучга эмас. Ушбу Низом нормаларининг Қонун нормалари каби бутун республика даражасида умуммажбурий характерга эга эмаслигини ва тафтиш жараёнида адвокат иштирокининг ҳуқуқий механизмини яратиш зарурлигини инobatга олиб, Жиноят-процессуал кодексининг 221-боби 1874-моддасини қайта таҳрир этиш таклиф этилади. Унда ушбу модда биринчи бобида кўрсатиб ўтилган жалб этилган адвокатлар тушунчасини аниқроқ ёритиб, яъни адвокатлар ким томонидан тафтиш ишига жалб этилиши аниқ кўрсатилиб ўтилиши керак. Бунда тафтиш ўтказилаётган тадбиркорлик субъектининг ваколатли вакилида ишга адвокатни жалб этиш ҳуқуқи мавжудлигини кўрсатиб ўтиш мақсадга мувофиқдир.

**Юқорида келтириб ўтилган барча ҳолатларни умумлаштириб, 221-бобнинг 1874-моддасини қуйидагича янги таҳрирда ишлаб чиқиш таклиф этилади:**

1874-модда. Тадбиркорлик субъектлари ҳамда корхона, муассаса ва ташкилотлар фаолиятини тафтишдан ўтказиш шартлари

Тадбиркорлик субъектлари ҳамда корхона, муассаса ва ташкилотлар фаолиятини тафтиш қилиш тафтиш ўтказилаётган субъект ваколатли вакили томонидан жалб этилган юридик хизмат вакиллари ва (ёки) адвокатлар албатта иштирок этган ҳолда (тафтиш ўтказилаётган субъект мазкур ҳуқуқдан воз кечган ҳоллар бундан мустасно) ўтказилади.

Юридик хизмат вакилининг иштирокидан ва (ёки) адвокатнинг юридик ёрдамидан воз кечиш тафтишнинг кейинги босқичларида тафтиш ўтказилаётган субъект томонидан уларни жалб этиш учун тўсиқ бўлмайди.

Тафтиш ўтказувчи шахс тафтиш ўтказилаётган субъектнинг ваколатли вакилига унинг тафтиш ўтказишда иштирок этишга юридик хизмат вакилини ва (ёки) адвокатни жалб этишга ёхуд уларнинг иштирокидан воз кечишга бўлган ҳуқуқини тафтиш ўтказиш бошлангунига қадар ёзма шаклда тушунтиради ва бу ҳақда баённома тузилади.

Агар тафтиш ўтказилаётган субъектнинг мансабдор шахси ёки вакили томонидан юридик хизмат вакилини ва (ёки) адвокатни жалб этиш нияти билдирилса, тафтиш ўтказишнинг бошланиши юридик хизмат вакили ва (ёки) адвокат етиб келгунига қадар, бироқ кўпи билан йигирма тўрт соатга тўхтатиб турилади.

Юридик хизмат вакилининг ва (ёки) адвокатнинг йигирма тўрт соат ичида етиб келиш имконияти бўлмаган тақдирда, тафтиш уларнинг иштирокисиз бошланади.

**Тафтиш ўтказиш учун асос бўлиб хизмат қилувчи қуйидаги ҳужжатларнинг мавжуд бўлиши тафтиш ўтказилувчи субъектни тафтишдан ўтказишнинг мажбурий шартидир:**

- тафтиш тайинлаш тўғрисидаги қарор ёки ажрим;
- ваколатли органнинг тафтиш ўтказиш тўғрисидаги буйруғи;
- тафтиш ўтказувчи шахснинг хизмат гувоҳномаси;
- тафтишга рухсат бериш тўғрисидаги махсус гувоҳнома.

Қонунчилик техникасини такомиллаштиришга эришиш ҳамда ЖПК га янги 221-боб киритилиши муносабати билан юқорида келтириб ўтилган Низом нормаларини Жиноят-процессуал кодекси нормалари билан мувофиқлаштириш мақсадида Низомда келтирилган "тадбиркорлик субъектлари фаолиятида ўтказиладиган текширишлар" жумласини "тадбиркорлик субъектлари ҳамда корхона, муассаса ва ташкилотлар фаолиятида ўтказиладиган тафтиш" жумласига ўзгартириш мақсадга мувофиқдир.

Ушбу Кодекснинг 1878-моддасида тафтиш натижалари тўғрисидаги далолатноманинг барча нусхалари тафтиш ўтказувчи шахслар томонидан имзоланиши кўрсатиб ўтилган. Бироқ далолатнома нусхаларининг адвокат ҳамда тафтиш ўтказилувчи субъект ваколатли вакили томонидан ҳам имзоланиши белгиланмаган. Тафтиш ўтказиш жараёнида тафтиш ўтказувчилар томонидан далолатномага киритилган тафтиш ўтказилаётган субъектнинг ҳуқуқ ва манфаатига зид бирор ҳаракат ёки тўлиқ исботини топмаган бирор ҳолат юзасидан тафтиш ўтказилувчи субъект ваколатли вакили ўз фикрини билдирганида унинг фикри инобатга олинмасдан, барча фикр-мулоҳазалар суриштирувчи, терговчи ёки прокурорга билдирилиши кераклиги қабилидаги ўринсиз жавоблар билан безъибор қолдирилаётганлиги ҳолатлари учраб туради. ЖПК 87-моддаси мазмунига кўра, тафтиш якунида тузилиб, имзоланган далолатнома ўша муайян жиноят иши юзасидан тўпланган далил ҳисобланади. Далил ўрнида ўтадиган мазкур ҳужжатнинг қонуний ва асосли тузилиши ва судда мақбул далил сифатида баҳоланишига эришиш мақсадида ушбу далолатнома адвокат ҳамда тафтиш ўтказилувчи субъект ваколатли вакили томонидан ҳам имзоланиши шарт ва зарурдир.

ЖПК 88-моддасида келтирилган "Далилларни тўплаш, текшириш ва баҳолаш жараёнида фуқароларнинг, шунингдек корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини кўриқлаш таъминлини керак" дейилган норма мазмунидан келиб чиқиб, мазкур Кодекс 1878-моддаси 4-бандидаги "Тафтиш натижалари тўғрисидаги далолатноманинг барча нусхалари тафтиш ўтказувчи шахслар томонидан имзоланади" жумласи "Тафтиш натижалари тўғрисидаги далолатноманинг барча нусхалари тафтиш ўтказувчи шахслар ҳамда тафтиш ўтказилаётган субъектнинг ваколатли вакили ва адвокати томонидан имзоланади" жумласига ўзгартирилиши таклиф этилади.

Шунингдек, текшириш давомида адвокатнинг Жиноят-процессуал кодексига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг "Адвокатура тўғрисида"ги қонунида назарда тутилган ҳуқуқларидан фойдаланиши, шунингдек тегишли органларга тафтиш юзасидан таклифлар ва илтимосномалар киритиши, фикр ва эътирозлар билдириши ва қўшимча маълумотлар тақдим этиши мумкинлиги ҳамда мазкур ҳужжатлар жиноят иши материалларига қўшиб қўйилиши ҳақидаги норманинг ушбу моддага киритилиши мақсадга мувофиқдир [5].

Хулоса ўрнида шуни айтиш ўринлики, бугунги кунда қонунчиликка киритилаётган ҳар бир ўзгартиш жамият тараққиёти ривожига хизмат қилади. Бу борадаги қонунчиликни такомиллаштириш орқали, биринчидан, фуқаролар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳар қандай ҳолатда ҳам олий даражада ҳимоя қилиш самардорлигини оширишга, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини таъминлашга; иккинчидан, адвокатура институтининг нуфузини оширишга, фуқароларда адвокатура ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятига нисбатан ҳурмат ва ишончли муносабатни шакллантиришга эришиш мумкин. Бу эса инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашнинг шаффофлиги ҳамда самардорлигини оширишга, иқтисодиётнинг ривожланишига, замонавий талаблардан, халқаро стандартлардан келиб чиққан ҳолда жамият ривожига эришишда катта аҳамият касб этади.

Бу жараёнда эса Президентимиз Шавкат Миромонович Мирзиёев таъбири билан айтганда, ҳар бир давлат органи ва мансабдор шахслар халқ учун хизмат қилмоқликлари шарт ва жоиздир. Зеро, шахс учун, фуқаро учун шу жамиятда яшаб, эркин фаолият юритмоқлигини таъминлайдиган қонун ҳужжатларини яратиш жамиятнинг ривожланишига, халқнинг фаровонлигига ҳисса қўшиш билан баробардир.

#### Адабиётлар/References

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 22 январдаги "2017 - 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини "Фаол талбиркорлик, инновацион гоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили" да амалга оширишга оид давлат Дастури тўғрисида"ги ПФ-5308-сонли Фармони, Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси. (President decree on state program to implement the strategy actions on five priority areas development of the Republic of Uzbekistan in 2017-2021 years in the "Year of support active entrepreneurship, innovative idea and technology" National database of legislative documents of the Republic of Uzbekistan.)
2. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси - Т. "Адолат" 2018 й., 115-125-6.6. (Criminal procedural code of the Republic of Uzbekistan - Т. "Adolat", 2018, pp-115-125)
3. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Миллий Хавфсизлик хизмати, Бош прокуратура, Ички Ишлар Вазирлиги, Давлат солиқ кўмитаси, Давлат божхона кўмитасининг 2016 йил 13 январдаги қўшма қарори. Мазкур Низом АВ 08.06.2017 й. 2757-1-сон билан рўйхатга олинган, Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси. (Joint decree of the Ministry of Justice of the Republic of Uzbekistan, National Security Service, Prosecutor General's Office, Ministry of Internal Affairs, State Tax Committee, State Custom Committee from 2016, 13 January registered in 08.06.2017, № 2757-1by the Ministry of Justice. National database of legislative documents of the Republic of Uzbekistan)
4. Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодекси 85-м. - Т. "Адолат" 2016 й., 77-78-6.6. (Tax Code of the Republic of Uzbekistan article-85. - Т. "Adolat", 2016, pp-77-78)
5. Ўзбекистон Республикаси 1996 йил 27 декабрдаги 349-1-сон "Адвокатура тўғрисида"ги Қонуни // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси. (Law "On Advocacy" of the Republic of Uzbekistan dated from 1996, 27 December National database of legislative documents)

---

---

**12.00.04 ГРАЖДАНСКОЕ ПРОЦЕССУАЛЬНОЕ ПРАВО.  
ХОЗЯЙСТВЕННОЕ ПРОЦЕССУАЛЬНОЕ ПРАВО. ТРЕТЕЙСКИЙ  
ПРОЦЕСС И МЕДИАЦИЯ**

*Келиб тушган сана 14 октябрь, 2018  
Эълон қилинган сана 6 ноябрь, 2018.*

**Салимова Ирода Мамаюсуфовна**

Тошкент давлат юридик университети  
"Фуқаролик-процессуал ва иқтисодий-  
процессуал ҳуқуқи" кафедраси докторанти  
E-mail: helloiroda@mail.ru



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9130-2018-6-5>

**НИЗОЛИ ВА НИЗОСИЗ ИҚТИСОДИЙ  
ТАЛАБЛАРНИНГ ИҚТИСОДИЙ СУДЛАРГА  
ТААЛЛУҚЛИЛИГИ**

**Аннотация:** Ушбу мақолада иқтисодий судларга тааллуқли бўлган фуқаролик-ҳуқуқий, маъмурий-ҳуқуқий ва бошқа ҳуқуқий муносабатлардан юзага келадиган низоларга доир ишлар, уларнинг ўзига хос хусусиятлари ўрганилган. Шунингдек, иқтисодий судларга тааллуқли ишлар доирасини белгилашда "иқтисодий низо", "иқтисодий иш", "иқтисодий талаб", "низоларга доир ишлар" атамаларининг қўлланилиш масалалари таҳлил қилинган. Иқтисодий судларга айнан низоли ва низоСИЗ иқтисодий талабларнинг тааллуқли бўлиши тўғрисида хулосага келинган ва тегишли таклиф, тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Калит сўзлар:** фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар, маъмурий-ҳуқуқий муносабатлар, иқтисодий суд, тааллуқлилиқ, низоли ва низоСИЗ иқтисодий талаблар.

---

**Салимова Ирода Мамаюсуфовна,**

Докторант кафедрa "Гражданско-  
процессуальное и экономическое  
процессуальное право" Ташкентского  
государственного юридического университета  
E-mail: helloiroda@mail.ru

**ПОДВЕДОМСТВЕННОСТЬ СПОРНЫХ И  
БЕССПОРНЫХ ЭКОНОМИЧЕСКИХ ТРЕБОВАНИЙ  
ЭКОНОМИЧЕСКИМ СУДАМ**

**Аннотация:** В данной статье рассматриваются вопросы подведомственности дел по спорам, возникающих из гражданско-правовых, административно-правовых и иных правоотношений в экономических судах, их специфические особенности. Также, при определении круга подведомственности дел в экономических судах анализируется применение таких терминов как "экономический спор", "экономическое дело", "экономическое требование" и "дела по спорам". Сделан вывод о том, что экономическим судам может быть подведомственны именно спорные и бесспорные экономические требования, в следствие чего разработаны соответствующие предложения и рекомендации.

**Ключевые слова:** гражданско-правовые отношения, административно-правовые отношения, экономический суд, подведомственность, спорные и бесспорные экономические требования.

## JURISDICTION OF CONTROVERSIAL AND INDISPUTABLE ECONOMIC REQUIREMENTS TO ECONOMIC COURTS

**Annotation:** This article deals with the issues of jurisdiction of disputes arising from civil legal relations, administrative legal relations and other legal relations, their specific features in economic courts. It also analyzes the use of the terms "economic dispute", "economic case", "economic requirement", "dispute cases" in determining the range of cases under the jurisdiction of economic courts. It is concluded that it is precisely controversial and indisputable economic requirements that can be subordinated to economic courts and the corresponding proposals and recommendations have been developed.

**Key words:** civil legal relations, administrative legal relations, economic court, jurisdiction, controversial and indisputable economic requirements.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг (кейинги матнда - Кодекс) 25-моддаси биринчи қисми 1-бандига асосан, иқтисодий судга иқтисодиёт соҳасида юридик шахслар ҳамда юридик шахс ташкил этмаган ҳолда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган ва якка тартибдаги тадбиркор мақомини қонунда белгиланган тартибда олган фуқаролар, шунингдек корпоратив низолар бўйича ишлар кўрилатганда тарафлар бўлган фуқаролар ўртасидаги фуқаровий, маъмурий ва бошқа ҳуқуқий муносабатлардан юзага келадиган низоларга доир ишлар тааллуқлидир. Бизнингча бу норма иқтисодий судларга тааллуқли бўлиши мумкин бўлган барча иқтисодий ишларнинг умумий доирасини белгилаб беради. Бундай хулосага келишимизга асос биринчидан, иқтисодиёт соҳасида тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш жараёнида ушбу низоларнинг вужудга келиши, иккинчидан, ушбу ишларда иштирок этувчи субъектлар доирасининг белгиланганлиги (юридик шахслар, якка тартибдаги тадбиркор, фуқаролар (корпоратив низолар бўйича), учинчидан, иқтисодий судларга тааллуқли бўлиши мумкин бўлган иқтисодий ишларнинг фуқаролик ёки маъмурий, ёхуд бошқа ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқиши билан изоҳланади.

Бироқ, эътиборли жиҳати шундаки, қонун чиқарувчи ушбу норма орқали иқтисодий судларга тааллуқли ишларнинг умумий доирасини белгилар экан, "фуқаровий, маъмурий ва бошқа ҳуқуқий муносабатлардан юзага келадиган низоларга доир ишлар" атамасини қўллайди.

Бизнинг фикримизча, "низоларга доир ишлар" атамасининг қўлланилиши мунозарали, чунки ушбу атаманинг қўлланилиши низосиз талаблар иқтисодий судларга тааллуқли бўлиши мумкинлигини истисно қилади. Жумладан, юридик аҳамиятга эга бўлган фактлар фуқаролик-ҳуқуқий, маъмурий-ҳуқуқий ёки бошқа ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқиши мумкин, шунингдек, ушбу фактларни белгилаш низосиз талаблар асосида алоҳида иш юритиш тартибида кўриб чиқилади. Агар низо келиб чиқадиган бўлса, даъво тартибида кўриб чиқилади.

Шунингдек "иқтисодий иш" атамасини ҳам қўлай олмаймиз. Чунки Кодекснинг 4-моддасига асосан, иқтисодий иш деганда, ишда иштирок этувчи шахслар ва иқтисодий суд ишларини юритишнинг бошқа иштирокчилари томонидан судга тақдим этилган ҳужжатлар, ишни кўриш жараёнида суд томонидан талаб қилиб олинган ҳужжатлар, шунингдек қоғозда расмийлаштирилган суд ҳужжатлари ва бошқа ҳужжатлар асосида шакллантирилган процессуал ҳужжат тушунилади.

Бундан келиб чиқадики, тегишли тартибда муайян процессуал ҳужжат асосида иқтисодий судда кўзатилган ишга "иқтисодий иш" атамасини қўлай оламиз. Шунинг учун ушбу ҳолатда "иқтисодий талаб" атамасининг қўлланилишини мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Бундай дейишимизга асос биринчидан, ишда иштирок этувчи шахслар муайян иқтисодий талаб билан иқтисодий судга мурожаат қилади; иккинчидан, ушбу талаб иқтисодиёт соҳасида тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш жараёнида вужудга келади; учинчидан, ушбу атама низоли ва низосиз иқтисодий талабларнинг иқтисодий судларга таалуқчилигини ифодалаш имконини беради.

Шу нуқтаи назардан, бизнингча Кодекснинг 25-моддаси биринчи қисми 1-бандида қўлланилган "низоларга доир ишлар" атамасининг ўрнига "низоли ва низосиз иқтисодий талаблар" атамасини қўллаш мақсадга мувофиқ. Банднинг ушбу таҳрирда баён этилиши билан бошқа ишларнинг иқтисодий судларга таалуқчилигининг умумий асосларини белгилаб бериш имкони яратилади.

Чунки, 25-моддада назарда тутилган юридик аҳамиятга эга бўлган фактларни аниқлаш тўғрисидаги ишлар; банкротлик тўғрисидаги ишлар, ҳакамлик муҳокамаси билан боғлиқ ишлар; корпоратив низолар бўйича ишлар; чет давлат судлари ва арбитражларнинг қарорларини тан олиш ҳамда ижро этишга қаратиш тўғрисидаги ишларнинг асосида тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш жараёнида фуқаролик ҳуқуқий, маъмурий ҳуқуқий ва бошқа ҳуқуқий муносабатлардан юзага келадиган иқтисодий талаб ётади.

Бу борада айрим МДҲга аъзо давлатлар процессуал қонунчилигида "иқтисодий низо", "иқтисодий иш", "иқтисодий низо ва бошқа ишлар" атамаларининг қўлланилганлигини қайд этишимиз мумкин. Жумладан, Россия Федерацияси арбитраж процессуал қонунчилигида арбитраж судларига тадбиркорлик ва бошқа иқтисодий фаолият олиб бориш билан боғлиқ иқтисодий низолар бўйича ишлар ва бошқа ишлар таалуқчилиги[1] белгиланган. Беларусь Республикаси Хўжалик процессуал кодекси 1-моддасида "хўжалик (иқтисодий) низо" ва "иқтисодий иш" тушунчалари келтирилган бўлиб, "хўжалик (иқтисодий) низо" - тадбиркорлик ва бошқа хўжалик (иқтисодий) фаолиятни амалга оширишда юзага келадиган низога айтилади. Иқтисодий ишлар - даъволи ишларни (фуқаролик, ер, молиявий ва бошқа ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган хўжалик (иқтисодий) низолар бўйича), маъмурий ва бошқа оммавий ҳуқуқий муносабатларидан келиб чиқадиган ишларни, юридик аҳамиятга эга фактларни (юридик фактларни) аниқлашга оид ишларни, буйруқ тартибда юритиладиган ишларни, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда бошқа ишларни[2] ўз ичига олади. Озарбайжон Республикаси процессуал қонунчилиги[3] "иқтисодий низо" атамасини қўллади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, иқтисодий судларга таалуқли талабларни ҳуқуқий муносабатларнинг туридан келиб чиққан ҳолда қуйидаги уч гуруҳга ажратишимиз мумкин: фуқаролик-ҳуқуқий, маъмурий-ҳуқуқий ва бошқа ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган талаблар.

Фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган талабларнинг даъволи тартибда кўриб чиқилишини аниқлаш учун моддий қонунчилик Фуқаролик кодексига муурожаат қилиш заруриятини келтириб чиқаради. Фуқаролик кодексининг 10-моддасига асосан, фуқаролик ҳуқуқлари процессуал қонунлар ёки шартномада белгилаб қўйилганидек, ишлар қайси судга тааллуқли бўлишига қараб, суд, иқтисодий суд ёки ҳакамлик суди томонидан ҳимоя қилинади.

**Фуқаролик кодексининг 11-моддасига мувофиқ, иқтисодий судларга қуйидаги фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган талаблар тааллуқлидир:**

- ҳуқуқни тан олиш;
- ҳуқуқ бузилишидан олдинги ҳолатни тиклаш ва ҳуқуқни бузадиган ёки унинг бузилиши ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги ҳаракатларнинг олдини олиш, битимни ҳақиқий эмас деб топиш ва унинг ҳақиқий эмаслиги оқибатларини қўллаш;
- бурчни аслича (натура) бажаришга мажбур қилиш;
- зарарни тўлаш;
- неустойка ундириш;
- ҳуқуқий муносабатни бекор қилиш ёки ўзгартириш;

Давлат органининг ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органини ҳужжати ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги ишларни кўриш маъмурий судлар ваколатига ўтказилган[4]. Бундан ташқари, Фуқаролик кодекси фуқаролик ҳуқуқлари қонунда назарда тутилган бошқача усуллар билан ҳам ҳимоя қилиниши мумкинлигини назарда тутди.

**Иқтисодий процессуал кодексининг 26-моддасига кўра, иқтисодий суд томонидан ҳал этиладиган низоларнинг тахминий рўйхати берилган бўлиб, унга асосан иқтисодий судга:**

- 1) тузилиши мажбурийлиги қонунда назарда тутилган шартномани тузишда юзага келган келишмовчиликлар тўғрисидаги;
- 2) шартнома тарафлари томонидан кўриб чиқилиши судга ўтказилиши келишилган шартномани тузишда юзага келган келишмовчиликлар ҳақидаги;
- 3) шартномани ўзгартириш ёки бекор қилиш тўғрисидаги;
- 4) битимни ҳақиқий эмас деб топиш ҳақидаги;
- 5) мажбуриятлар бажарилмаганлиги ёки лозим даражада бажарилмаганлиги тўғрисидаги;
- 6) мулк ҳуқуқини тан олиш ҳақидаги;
- 7) мулкдор ёки мулкнинг бошқа қонуний эгаси томонидан мол-мулкни бошқа шахснинг гайриқонуний эгалигидан талаб қилиб олиш тўғрисидаги;
- 8) интеллектуал фаолият объектлари ва фуқаролик муомаласи иштирокчиларининг хусусий аломатларини акс эттирувчи воситалар, товарлар, ишлар ва хизматларга мулк ҳуқуқлари бузилганлиги ҳақидаги;
- 9) мулкдорнинг ёки мол-мулкнинг бошқа қонуний эгасининг ҳуқуқлари эгалик қилишдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган ҳолда бузилганлиги тўғрисидаги;
- 10) зарарнинг ўрнини қоплаш ҳақидаги;
- 11) ишчанлик обрўсини ҳимоя қилиш тўғрисидаги;
- 12) ундириш сўзсиз (акцептсиз) тартибда амалга ошириладиган ижро ҳужжати ёки бошқа ҳужжатни ижро этиш мумкин эмас деб топиш ҳақидаги;
- 13) агар қонунда жарималарни сўзсиз (акцептсиз) тартибда ундириш назарда тутилмаган бўлса, назорат қилувчи органлар томонидан юридик шахслар ва фуқаролардан жарималар ундириш тўғрисидаги;

14) назорат қилувчи органлар томонидан қонун ҳужжатлари талабларини бузган ҳолда сўзсиз (акцептсиз) тартибда ҳисобдан чиқарилган пул маблағларини буюджетдан қайтариш ҳақидаги низоларни ҳал этади.

Юқорида 1-11-бандларда қайд этилган талаблар фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлардан, 12-14-бандларда қайд этилган талаблар эса маъмурий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқишини қайд этишимиз мумкин. Бундан ташқари, процессуал қонунчилик иқтисодий судга ўзининг ваколатига киритилган бошқа низоларни ҳам ҳал қилиши мумкинлигини белгилаган.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 14 июндаги ПФ-3619-сонли Фармони билан тadbиркорлик субъектларига нисбатан фақат суд тартибда қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари рўйхати тасдиқланган бўлиб, унга асосан иқтисодий судлар қўйидаги маъмурий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган ҳуқуқий таъсир чораларини қўллаши мумкин.

1. Фаолиятни тугатиш;

2. Фаолиятни тўхтатиб қўйиш. Фавқулодда вазиятлар, эпидемиялар ҳамда аҳолининг ҳаёти ва соғлиғига бошқа ҳақиқий хавф-хатар юзага келишининг олдини олиш муносабати билан фаолиятни кўпи билан ўн иш кунигача тўхтатиб қўйиш ҳоллари бундан мустасно;

3. Қонунда назарда тутилган ҳолатларни мустасно қилган ҳолда, банклардаги ҳисобварақлар бўйича операцияларни тўхтатиб қўйиш;

4. Молиявий санкцияларни қўллаш. Солиқ ва йигимларни тўлаш муддатини ўтказиб юборганлик учун пеня қўшиш, шунингдек тadbиркорлик субъекти содир этилган ҳуқуқбузарликдаги айбига иқror бўлиш ва молиявий санкция жарималарини ихтиёрий равишда тўлаш ҳоллари бундан мустасно;

5. Ҳуқуқбузарлик предметларини давлат даромадига ўтказиш;

6. Tadbиркорлик фаолиятининг айрим турлари билан шугулланиш лицензиялари (рухсатномалари)ни ўн иш кунидан кўпроқ муддатга тўхтатиб қўйиш ёки амал қилишини тугатиш ва бекор қилиш (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг комиссиялари ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан бериладиган лицензиялар бундан мустасно).

Фуқаролик-ҳуқуқий ва маъмурий-ҳуқуқий муносабатлар ҳуқуқий муносабатларнинг алоҳида тури бўлиб, бир-биридан ўзининг моҳияти ва табиғатига кўра фарқ қилади. Фуқаролик-ҳуқуқий муносабат деб ҳуқуқ субъектлари ўртасида бўладиган ва фуқаролик-ҳуқуқий нормалар билан тартибга солинадиган ижтимоий муносабатга айтилади. Шахслар ўртасида тузиладиган олди сотди, маҳсулот етказиб бериш, бирор бир ишни бажариш, хизмат кўрсатиш, ижара, қарз тўғрисидаги шартномалар фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар жумласига киради[5]. Академик Ҳ.Раҳмонқулов фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларни "иқтисодий ва юридик жиҳатдан мустақил, бир-бирига бўйсунмаган тарафлар ўртасида келади, улар қиймати белгиланадиган, товар пул шаклига эга бўлган ва шу туфайли эквивалент, ҳақ эвази асосида вужудга келадиган муносабатлардан иборат"[6] - деб таъкидлайди.

Фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларнинг объекти бўлиб, фуқаролик муносабатда иштирок этувчи шахсларнинг субъектив ҳуқуқлари ва мажбуриятлари қаратилган, ижтимоий муносабат негизда ётувчи моддий ва номоддий неъматлар ҳисобланади. Улар жумласига ашёлар, мол-мулклар, мулкий ҳуқуқлар пуллар, қимматли қоғозлар, ишлар ва хизматлар, интеллектуал фаолият натижалари, турли шахсий номулкий ҳуқуқлар киради[7].



Цивилист олим И.Зокировнинг фикрича, фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар ўзига хос хусусиятга эга. Жумладан, фуқаролик-ҳуқуқий муносабатда қатнашувчи шахслар бу муносабатларда ўзларига хос мулкка, аниқроғи, муайян мулккий мустақилликка эга ҳолда қатнашадилар. Фуқаролик-ҳуқуқий муносабатда қатнашувчи шахслар бир-бирларига нисбатан тенг ҳуқуқли шахслар ҳисобланади. Фуқаролик-ҳуқуқий муносабатда қатнашувчи шахсларнинг ҳуқуқлари бузилган тақдирда, бу ҳуқуқлар, одатда, даъво кўзғатиш йўли билан судлар томонидан ҳимоя қилинади[8].

Маъмурий-ҳуқуқий муносабатлар - бу давлат бошқарувини ташкил этиш ва амалга ошириш жараёнида вужудга келадиган, ижро этиш ва фармойиш бериш фаолияти билан боғлиқ бўлган ва маъмурий-ҳуқуқий нормалар билан тартибга солинган ҳуқуқий муносабатларнинг бир туридир. Маъмурий-ҳуқуқий муносабатларнинг объекти бўлиб, маъмурий ҳуқуқ субъектларининг ҳаракатлари (қарорлари), уларнинг ижобий ёки салбий ҳулқ-атвори ҳисобланади[9].

**Д.Бахрах, Б.Россинский, Ю.Стариловларнинг фикрича маъмурий-ҳуқуқий муносабатлар:**

- давлат бошқаруви жараёни(соҳаси)да вужудга келади;
- мажбурий субъекти бўлиб давлат номидан оммавий-ҳуқуқий манфаатларни кўзлаб ҳаракат қилувчи давлат бошқаруви (ижро ҳокимияти) ҳисобланади;
- ҳокимият-бўйсинув ва томонларнинг юридик тенг эмаслиги билан тавсифланади;
- оммавий ёки индивидуал манфаатларни қондириш мақсадида бошқарув вазифалари ва функцияларини амалга ошириш бўйича вужудга келади;
- ташкиллаштириш хусусиятига эга, яъни улар давлат бошқарувининг бошқарув объектига ташкилотчилик таъсири доирасида вужудга келади;
- қонунийликни таъминлашнинг алоҳида ҳуқуқий тартиби ва ўзининг ҳуқуқий ҳимояси билан ажралиб туради[10].

Ўз навбатида Х.Алимов бўлса, маъмурий-ҳуқуқий муносабатларнинг қуйидаги хусусиятларини эътироф этади:

- маъмурий-ҳуқуқий муносабатлар давлат бошқарувини ташкил этиш ва амалга ошириш жараёнида вужудга келади;
- маъмурий-ҳуқуқий муносабатларнинг бир томонида ҳамма вақт давлат органи, мансабдор шахс ёки бошқарув ҳуқуқига эга бўлган жамоат бирлашмаси иштирок этади;
- маъмурий-ҳуқуқий муносабатлар бир томоннинг хоҳиши билан вужудга келиб, иккинчи томоннинг розилигини талаб этмайди;
- маъмурий-ҳуқуқий муносабат иштирокчилари ўртасида вужудга келадиган низола, аксарият ҳолларда маъмурий тартибда ҳал этилади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, фуқаролик-ҳуқуқий ва маъмурий-ҳуқуқий муносабатларнинг қуйидаги фарқли хусусиятларини эътироф этишимиз мумкин:

**биринчидан**, ушбу муносабатлар моддий-ҳуқуқий муносабатларнинг турли соҳаларида вужудга келади, яъни фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларда унинг субъектларининг ҳуқуқий тенглиги эътироф этилса, маъмурий-ҳуқуқий муносабатлар ҳокимият ва унга буйсунув тартибидаги субъектларнинг иштироки билан белгиланади;

**иккинчидан**, ушбу тоифадаги ишлар бир-биридан ҳимоя қилиш объектига кўра фарқ қилади. Яъни, маъмурий-ҳуқуқий муносабатларнинг объекти бўлиб

мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракатлари, қарорлари ҳисобланса, фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларда иштирок этувчи шахсларнинг субъектив ҳуқуқлари ва мажбуриятлари қаратилган моддий ва номоддий неъматлар ҳисобланади.

**учинчидан**, фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлардан низо келиб чиққан тақдирда одатда даъво кўзгагиш йўли билан суд тартибида ҳал қилинса, маъмурий ҳуқуқий муносабатларда аксарият ҳолларда дастлаб маъмурий органлар томонидан кўриб чиқилади;

**тўртинчидан**, умумий қоида тариқасида фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларга бошқа ҳуқуқ нормаларини жумладан, маъмурий, солиқ, молиявий ҳуқуқ нормаларини қўллаш имконияти мавжуд бўлса ҳам, аксинча фуқаролик ҳуқуқий нормалари, айтайлик солиқ муносабатларига талбиқ этилмайди.

Бундан ташқари Кодекснинг 25-моддаси биринчи қисми 1-бандида бошқа ҳуқуқий муносабатлардан ҳам юзага келадиган низоларнинг иқтисодий судларга таалуқлилиги белгиланган. "Бошқа ҳуқуқий муносабатлар" деганда одатда солиқ, божхона, молиявий ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган иқтисодий талаблар назарда тутилади. Бироқ процессуал қонунчиликда бошқа ҳуқуқий муносабатлар деганда айнан қандай муносабатлар назарда тутилаётганлиги ноаниқ бўлиб, ушбу масала назария амалиётда турлича талқин қилинишини олдини олиш мақсадида айнан қайси муносабатлар назарда тутилаётганлигини аниқ белгилаб қўйиш мақсадга мувофиқ.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, иқтисодий судларга низоли талаблар билан бир вақтда низоСИЗ талабларнинг ҳам таалуқлилигини қайд этган ҳолда ЎЗР ИПКнинг 25-моддаси биринчи қисми 1-бандини қуйидаги таҳрирда баён этиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

"Иқтисодий судга иқтисодиёт соҳасида юридик шахслар ҳамда юридик шахс ташкил этмаган ҳолда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган ва яқка тартибдаги тадбиркор мақомини қонунда белгиланган тартибда олган фуқаролар, шунингдек корпоратив низолар бўйича ишлар кўрилатганда тарафлар бўлган фуқаролар ўртасидаги фуқаролик-ҳуқуқий, маъмурий-ҳуқуқий ва бошқа ҳуқуқий муносабатлардан юзага келадиган низоли ва низоСИЗ иқтисодий талаблар таалуқлидир".

Мазкур ўзгартиришнинг киритилиши иқтисодий судларга таалуқли бўлган иқтисодий ишларнинг умумий доирасини белгилаб беришга хизмат қилади.

#### Иқтибослар/References

1. "Арбитражный процессуальный кодекс Российской Федерации" от 24.07.2002 N 95-ФЗ (ред. от 03.08.2018) (с изм. и доп., вступ. в силу с 04.08.2018) <http://www.consultant.ru> ("Arbitration Procedure Code of the Russian Federation" dated July 24, 2002 No. 95-FZ (as amended on August 3, 2018) (as amended and added, took effect from August 4, 2018) <http://www.consultant.ru>)

2. Хозяйственный процессуальный кодекс Республики Беларусь. 15 декабря 1998 г. № 219-3. <http://kodeksy.by> (Economic Procedural Code of the Republic of Belarus. December 15, 1998 № 219-3. <http://kodeksy.by>)

3. Гражданский процессуальный кодекс Азербайджанской Республики. 28 декабря 1999 г. <http://base.spinform.ru> (Civil Procedure Code of the Republic of Azerbaijan. December 28, 1999. <http://base.spinform.ru>)

4. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 26.01.2018 й., 02/18/МПК/0627-сон. 27-модда. (National data base of legislation, 01.26.2018, No. 02/18 / APC / 0627. Article 27)

5. Топилдиев В. "Фуқаролик ҳуқуқи". I қисм. "Университет". -Т.: 2014. -Б.80 (Topildiev V. "Civil law". Part I "University". -Т.: 2014. P.80)
6. Раҳмонқулов Ҳ.Р. Фуқаролик ҳуқуқи муаммолари. -Т., ТДЮИ, 2010. -Б.43.( Rahmonkulov H.R. Problems of civil law. -Т., TSIL, 2010. P.43.)
7. Фуқаролик ҳуқуқи: Дарслик. I қисм. Муаллифлар жамоаси. Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист, проф. О.Оқюловнинг умумий таҳрири остида. Т.: ТДЮУ нашриёти, 2017. -Б.46. (Civil Law: Textbook. Section I. Team of authors. Honored lawyer of the Republic of Uzbekistan, prof. Under the general revision of O. Oqyulov. Т.: Publication of the TSUL, 2017.P.46.)
8. Зокиров И.Б. Фуқаролик ҳуқуқи. Т., ТДЮИ, 2006. -Б.71.( Zokirov I.B. Civil law. Т., TSIL, 2006.-P.71.)
9. Хожиев Э., Хожиев Т. Маъмурий ҳуқуқ, Дарслик. -Т.: "Фан ва технология", 2008. -Б.72, 74.( Khojiev E., Khojiev T. Administrative law. Textbook. -Т.: "Science and Technology", 2008. p.72, 74)
10. Бахрах Д.Н., Россинский Б.В., Старилов Ю.Н. Административное право. -М.: "Норма", 2004. С.105-116. (Bakhrakh D.N., Rossinskiy B.V., Starilov Yu.N. Administrative Law. -М.: "Norma", 2004, p.105-116.)

---

---

**12.00.09 УГОЛОВНЫЙ ПРОЦЕСС. КРИМИНАЛИСТИКА,  
ОПЕРАТИВНО-РОЗЫСКОЕ ПРАВО И СУДЕБНАЯ ЭКСПЕРТИЗА**

*Келиб тушган сана 17 октябрь, 2018*

*Эълон қилинган сана 6 ноябрь, 2018.*

**Хайдаров Мансур Махмуджонович**

Ўзбекистон Республикаси Миллий  
Гвардияси катта офицери капитан



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9130-2018-6-6>

**ТЕЗКОР-КИДИРУВ ФАОЛИЯТИНИ АМАЛГА  
ОШИРУВЧИ ОРГАНЛАРНИНГ ТЕРГОВЧИЛАР БИЛАН  
ЎЗАРО ҲАМКОРЛИГИНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ**

**Аннотация:** Суриштирув ва тергов органларининг тезкор-кидирув фаолиятини амалга ошириш ваколатига эга мансабдор шахслар билан ҳамкорлигининг асослари ва узига хос хусусиятлари ёритилган. Мазкур фаолиятни такомиллаштириш буйича асослантирилган таклиф ва тавсиялар берилган.

**Калит сузлар:** тезкор-кидирув фаолияти, терговчи, кидирув, тергов

---

**Хайдаров Мансур Махмуджонович**

Старший капитан-офицер Национальной  
гвардии Узбекской Республики

**ОСОБЕННОСТИ ВЗАИМОДЕЙСТВИЯ ОРГАНОВ  
ОСУЩЕСТВЛЯЮЩИХ ОПЕРАТИВНО-РОЗЫСКНУЮ  
ДЕЯТЕЛЬНОСТЬ С СЛЕДОВАТЕЛЕМ**

**Аннотация:** Описаны основы и особенности сотрудничества между следственными и следственными органами и органами, уполномоченными осуществлять оперативно-розыскную деятельность. Предлагаются предлагаемые предложения и рекомендации по улучшению этой деятельности.

**Ключевые слова:** оперативно-розыскная деятельность, следователь, поисковая система, расследование

---

**Khaydarov Mansur Mahmudjonovich**

Senior Captain Officer of the National Guard of  
the Republic of Uzbekistan

**PECULIARITIES OF INTERACTION BETWEEN  
AUTHORITIES IMPLEMENTING OPERATIVELY LEGAL  
RESEARCH ACTIVITIES WITH THE INVESTIGATOR**

**Annotation:** The basics and specific features of the cooperation between the investigative and investigating authorities and the authorities authorized to carry out operative-search activities are described. Suggested proposals and recommendations on improving this activity are provided.

**Key words:** operational-search activity, investigator, search engine, investigation

---

**Хуқуқий тадқиқотлар журнали // Журнал Правовых исследований // Journal of Law Research**

Тергов ва тезкор фаолият тажрибаси кўпгина жиноятларни тез ва тўлиқ фош қилиш ҳамда терговнинг бошқа вазифаларини ҳал этиш одатда терговчилар ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари тезкор ходимларининг аниқ келишилган биргаликдаги ҳаракатларини тақозо қилишини кўрсатади. Одам ўлдириш, номусга тегиш, порахўрлик, ўзганинг кўп миқдордаги мулкни талон-торож қилиш, террорчилик ҳаракатлари, одам савдоси, қурол, гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилиш ҳамда бошқа оғир ва ўта оғир жиноятларни фош қилишда терговчилар ва тезкор ходимлар ҳамкорлигини тактик ва услубий жиҳатдан тўғри ташкил этиш жуда муҳим. Бундай ҳамкорлик уюшган жиноий гуруҳлар ва жиноий уюшмалар томонидан содир этилган жиноятларни тергов қилишда айниқса зарур.

Жиноятларни тергов қилишда тергов органлари билан суриштирув органлари тезкор-қидирув бўлинмаларининг биргаликдаги фаолияти криминалистика ва тергов амалиётида "ўзаро ҳамкорлик" деган ном олган. Бундай ўзаро ҳамкорлик усуллари ва услублари йиғиндиси эса жиноятларни тергов қилиш тактик ва услубий воситалари тўпламининг муҳим элементларидан бири ҳисобланади.

Жиноятларни тергов қилишда ўзаро ҳамкорлик қилиш жараёни бир нечта bosқичдан таркиб топади.

Биринчи bosқич керакли материалларни талаб қилиб олиш ва уларни терговгача дастлабки тарзда текширишга йўл кўювчи жиноят ишини кўзгатиш bosқичи билан асосан мос келади. Бундай текширувни терговчи кўпинча тезкор ходимлар билан бирга ўтказиши мумкин ва унда терговчига тезкор ходимлар фаол ёрдам кўрсатади. Улар ҳодиса содир бўлган жойни қўриқлаш, ушбу жойга туташ ҳудудни текшириш, жиноят изларини топиш, шохидларни ва жиноят ва жиноятчи ҳақида маълумотларга эга бўлган шахсларни аниқлашда ёрдам кўрсатади, хизмат-қидирув итини ишга солиши ва ҳ.к. Терговчи тезкор ходимлар билан бирга тўпланган материалларни ва олиб кўйилган ашёвий далилларни таҳлил қилади ҳамда шошилишч тергов ҳаракатлари ва тезкор-қидирув тадбирларини биргаликда белгилайди.

Мазкур bosқич суриштирув органи томонидан жиноят ишини кўзгатиш ва тезкор ходимлар шошилишч тергов ҳаракатларини бажаришга киришиши сўн бу ҳақда терговчига ахборот бериши билан ҳам боғлиқ.

Бу даврда тезкор-қидирув йўли билан тўпланган уюшган жиноий гуруҳларнинг гайриқонуний фаолияти тўғрисидаги ахборотга, шунингдек уюшган жиноятчилик, иқтисодиёт соҳасида, коррупция ва терроризм билан боғлиқ ниқобланган жиноятлар ҳақидаги маълумотларга баҳо бериш борасида ўзаро ҳамкорлик қилиш айниқса, муҳим. Бундай вазиятларда одатда жиноят ишини тезкор-қидирув органи эмас, айнан терговчи кўзгатиши талаб этилади, зеро, у олинган тезкор маълумотлар моҳиятини яхшироқ тушуни-шга, жиноят ишини кўзгатиш учун асослар мавжудлиги тўғрисидаги маса-лани ҳал этишга ва дастлабки тергов ҳаракатларини янада юқори даражада бажаришга қодир. Бундай ҳолларда моҳирона ўзаро ҳамкорлик қилиш уюшган жиноий гуруҳ томонидан содир этилган жиноятларни қисқа вақт ичида фош қилиш учун қулай замин яратди.

Иккинчи bosқич суриштирув ва терговнинг дастлабки bosқичига киришиши билан даврда шошилишч тергов ва тезкор-қидирув фаолияти фаол амалга оширилади, кейинги тергов фаолиятининг информацион пойдевори яратилади. Жиноят

ишини тергов қилишнинг муваффақияти ушбу босқичда ўзаро ҳамкорлик қай даражада самарали ташкил этилганига кўп жиҳатдан боғлиқ бўлади. Ўзаро ҳамкорликнинг барча асосий шакллари (тергов ҳаракатларини биргаликда ва мустақил равишда бажариш, терговчи топшириғига кўра жиноятнинг қайноқ излари бўйича тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш, тергов тусмолларини биргаликда ишлаб чиқиш ва режали равишда текшириш, олинган натижаларни бирга муҳокама қилиш ва ҳ.к.) айнан шу даврда амалга оширилади.

Учинчи босқич суриштирув ва терговнинг айблов эълон қилиш, айбланувчини сўроқ қилиш, унинг важларини текшириш, қўшимча далиллар тўплаш ва терговнинг бошқа барча вазифаларини ҳал қилиш билан боғлиқ бўлган кейинги босқичи билан мос келади. Ушбу босқичдаги ўзаро ҳамкорлиги кўпинча айбланувчининг алибисини биргаликда текшириш, янги далиллар манбаларини аниқлашда ҳамкорлик қилиш, терговга қарши ҳаракатларни бартараф этиш бўйича тадбирлар ўтказиш, илгари сурилган тергов тусмолларини текширишни яқунлаш чораларини кўриш, шунингдек бажарилган ишни биргаликда таҳлил қилиш хос.

Тўртинчи босқич - ўзаро ҳамкорликнинг яқунловчи босқичи жиноят иши бўйича терговни яқунлаш билан боғлиқ. Бу даврда терговчи тергов яқунларини кўриб чиқди ва шу жумладан, барча тусмоллар охиригача текширилганини, жиноят-процессуал қонунининг барча талабларига риоя этилганини, айбланувчининг айби ишончли далиллар билан исботланганини, иш материалларида мавжуд зиддиятлар бартараф этилганини, қонун тўғри қўлланилганини ва ҳоказоларни текширади. Бунда айрим хулосаларни биргаликда муҳокама қилиш ўзаро ҳамкорликнинг муҳим шакли ҳисобланади. Айнан шу даврда махсус криминалистик хусусиятга эга бўлган профилактика чора-тадбирлари кўпинча биргаликда ишлаб чиқилади ва амалга оширилади.

Қуйидаги ҳолатлар ўзаро ҳамкорликни бошлаш учун асос ҳисобланади:

- терговчининг ёзма топшириқлари ҳамда қидирув ва тергов ҳаракатларини бажариш тўғрисида, айрим тергов ҳаракатларини бажариш тўғрисидаги кўрсатмалари, шунингдек прокурорнинг ўз юритувига қабул қилган жиноят иши бўйича тезкор-қидирув тадбирлари ўтказиш тўғрисидаги кўрсатмалари (Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисидаги қонуннинг 13-моддаси);

- дастлабки терговни юритиш мажбурий бўлган иш бўйича унга терговчи жалб этилгунга қадар тезкор-қидирув органлари томонидан терговга қадар текширувнинг ўтказишнинг бошланиши;

- жиноятни фош этиш ва тергов қилиш борасида биргаликда ишлаш учун тергов-тезкор гуруҳини тузиш. Бундай гуруҳларнинг айримлари фақат ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш ва унинг натижалари бўйича тезкор-қидирув тадбирлари ўтказиш билан боғлиқ ишни бажаради, айримлари жиноят содир этган шахс аниқлангунга қадар ишлайди, айримлари эса иш судга топширилгунга қадар терговни биргаликда юритади;

- аниқланган жиноий фаолият тўғрисида маълумотларнинг терговчи (прокурор)га тушиши ва жиноят ишини қўзғатиш тўғрисидаги масалани ҳал этишда ушбу материалларни биргаликда таҳлил қилиш.

Терговчи ва прокурор топшириғи ёки кўрсатмасига кўра ёки тезкор ходимларнинг ўз ташаббуси билан (бирок ўзаро ҳамкорлик доирасида) амалга ошириладиган тезкор-қидирув тадбирларини тезкор ходимлар мустақил равишда, лекин терговчининг ҳаракатларига мос равишда ўтказиши мумкин. тезкор-қидирув

тадбирларини амалга ошириш усулларини ҳам улар ўзи танлайди. Терговчи ёки прокурорнинг тезкор-қидирув тadbирлари усуллари ҳақида кўрсатма бериш ваколати ЖПКда ҳам, Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисидаги қонунда ҳам белгиланмаган. Бунда тезкор ходимлар ўз фаолияти фақат ўзининг бевосита ва тўғридан-тўғри бошлиғига бўйсунди (Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисидаги қонуннинг 9, 19-моддалари).

Шу билан бир вақтда, терговчи (объектив заруратга кўра) тезкор ходимларга айрим тергов ҳаракатларини бажаришни топширар экан, юзага келган тергов вазиятини ва тактик аҳамиятга эга бўлган бошқа ҳолатларни ҳисобга олган ҳолда мақсадга мувофиқ тактика тўғрисида уларга йўл-йўриқ кўрсатиши наинки мумкин, балки лозим.

Тергов ҳаракатларини бажаришни тезкор ходимларга топширар экан, терговчи зарурат (бир нечта тергов ҳаракатларини бир вақтнинг ўзида турли жойларда ўтказиш лозимлиги, тактик нуқтаи назардан терговчи тергов ҳаракатини бошқа шаҳарда шахсан ўтказиши мумкин эмаслиги) шунини тақозо қилган ҳолдагина бундай қилиш мақсадга мувофиқ эканлигини эътиборга олиши лозим. Бунда қуйидагиларни ўтказиш тезкор ходимларига топширилиши мумкин эмас:

- терговчининг ўзи бажариши лозим бўлган тергов ҳаракатлари ва бошқа ҳаракатлар (айбланувчи ва гумон қилинувчини сўроқ қилиш; айблов эълон қилиш ва эҳтиёт чорасини танлаш)ни;

- алоҳида профессионал бажаришни талаб қилувчи тергов ҳаракатлари (мураккаб ҳодиса содир бўлган жой ва ашёвий далилларни кўздан кечириш, эксперимент ўтказиш, юзлаштириш, экспертизалар тайинлаш)ни;

- иш материалларини муфассал билишни талаб қиладиган ёки терговнинг муваффақиятини белгилайдиган тергов ҳаракатларини;

- такрорлаб бўлмайдиган тергов ҳаракатлари (таниб олиш учун кўрсатиш)ни.

Энг муҳими, терговчи зинҳор-базинҳор терговни тезкор-қидирув ходимларига топширмаслиги керак.

Ўзаро ҳамкорлик субъектлари ижтимоий-психологик жиҳатдан бир-бирига мос келиши ушбу жараён муваффақиятининг муҳим омили ҳисобланади. Ушбу омилга эътиборсизлик баъзан ўзаро ҳамкорлик жараёнида конфликтли вазиятлар юзага келишига сабаб бўлади, бу эса, одатда, тергов натижаларига салбий таъсир кўрсатади. Ўзаро ҳамкорлик субъектлари ижтимоий-психологик жиҳатдан бир-бирига мос келган ҳолда, уларнинг ўртасида жиддий конфликтлар юзага келмайди, улар бир-бири билан жуда тез тил топади, бир-бирини "сўзсиз" тушунади, бир-бирига ишонади ва ижобий таъсир кўрсатади. Бундай ўзаро мослик кўпинча ўзаро ҳамкорлик субъектлари хизмат юзасидан узоқ вақт ҳамкорлик қилган ҳолда юзага келади. Бундай ўзаро ҳамкорлик учун шарт-шароитлар яратишда ўзаро ҳамкорлик субъектларининг бевосита раҳбарлари катта роль ўйнайди.

Амалдаги норматив-ҳуқуқий қоидаларга кўра, терговчи ўзи билан ҳамкорликка киришган ходимларининг тезкор-қидирув фаолиятни амалга ошириш жараёнидан тўлиқ огоҳ бўлишга ҳақли эмас. У фақат ўз топшириғи бўйича олинган тезкор-қидирув ахборот ёки тезкор ходимлар ўз ташаббусига кўра, лекин биргаликда белгиланган ўзаро ҳамкорлик режалари доирасида ва қонун талабларига мувофиқ иш бўйича тақдим этилган ахборот билан танишишга ҳақли. Зарур ҳолда ушбу материаллар билан прокурор танишиши мумкин.

Терговчи тезкор-қидирув материалларидан Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисидаги қонунга мувофиқ асосан тергов ҳаракатларини тайёрлаш ва бажариш ҳамда кейинчалик зарурий тезкор-қидирув тадбирларини амалга ошириш учун мўлжал берувчи маълумотлар сифатида фойдаланиши мумкин. Улар жиноят ишини қўзғатиш учун асос бўлиб хизмат қилиши, тегишли равишда процессуал расмийлаштирилганидан кейин эса, уларнинг айримлари иш бўйича далилларга айланиши мумкин.

Хулоса ўрнида шуни айтиш керакки, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексига тезкор-қидирув фаолияти натижаларидан жиноят-процессуал исбот килиш жараёнида фойдаланишни тартибга солувчи қўшимча норманинг киритилиши мақсадга мувофиқ.

811-модда. Тезкор-қидирув фаолияти натижаларидан фойдаланиш.

Тезкор-қидирув фаолияти натижаларидан далил сифатида фойдаланишга фақатгина ушбу нарсалар, ҳужжатлар ҳамда бошқа материалларнинг келиб чиқиш манбасини аниқ билган ёки уларнинг ҳаққонийлиги ёхуд олиниш шарт-шароитлари тўғрисида гувоҳлик бера оладиган шахс томонидан тақдим этилганида йўл қўйилади.

2. Терговчига тақдим қилинган нарсалар ва ҳужжатларни қабул килиб олишда ишончликка эришиш ва терговчининг бевосита идрок этишидаги хатоларига йўл қўйилмаслигининг кафолати сифатида, шунингдек бевосита идрок этиш натижаларини мустақамлашнинг тўғрилигини таъминлаш мақсадида ҳолисларнинг иштироки зарурдир.



*Келиб тушган сана 21 октябрь, 2018  
Эълон қилинган сана 6 ноябрь, 2018.*

**Мадумаров Талантбек Толибжонович**  
о.ф.н.доцент, Андижон Давлат  
Университети МГМАХТ кафедраси мудири



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9130-2018-6-7>

## **МИКРОКЕДИТ ТАШКИЛОТЛАРИ ТОМОНИДАН ТУЗИЛАДИГАН ШАРТНОМАЛАР ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**Аннотация:** Ушбу мақолада микрокредит ташкилотлари томонидан амалга ошириладиган микромолиявий хизматлар ҳамда муайян пул суммаси ёки турга хос аломатлари билан белгиланадиган ашёларни қарз олувчига мулк қилиб бериш назарда тутилладиган қарз шартномаси ёки қонун билан белгиланган миқдордан ошмайдиган пул суммалари қайтариш шарти билан қарз олувчига бериладиган микроқарздажараёнида тузиладиган шартномаларни тартибга солиш билан боғлиқ фаолият ва уни янада такомиллаштиришга доир таклифлар берилган.

**Калит сўзлар:** Микрокредит шартномалари, микромолиявий хизматлар, микрокредит, микроқарз, қарз мажбуриятлари, қарз мажбуриятларини сотиб олиш ва сотиш (факторинг), молия ижараси, истеъмол кредитлари, лизинг берувчи, лизинг олувчи, лизинг объекти.

---

**Мадумаров Талантбек Толибжонович**

доцент, заведующий кафедрой МГМАХТ  
Андижанского государственного  
университета

## **СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ СИСТЕМЫ ДОГОВОРОВ, СОСТАВЛЯЕМЫХ МИКРОКЕДИТНЫМИ ОРГАНИЗАЦИЯМИ**

**Аннотация:** В настоящей статье рассмотрены вопросы регулирования составления микрокредитными организациями договоров займа, предусматривающих осуществление услуг микрофинансирования, в том числе предоставление займополучателю определенной денежной суммы либо имущества (вещи), характеризуемого родовыми признаками, а также процесса предоставления микрокредитов в виде денежных сумм в размере, не превышающем договором займа или законом, кроме того, разработаны соответствующие предложения и рекомендации.

**Ключевые слова:** Микрокредитные договоры, услуги микрофинансирования, микрокредит, микрозайм, долговые обязательства, приобретение и продажа долговых обязательств (факторинг), финансовая аренда, потребительский кредит, лизингодатель, лизингополучатель, объект лизинга.

## **PERFECTION OF THE SYSTEM OF CONTRACTS PREPARED BY MICROCREDIT ORGANIZATIONS**

**Annotation:** This article discusses the issues of regulating the drawing up of loan agreements by microcredit organizations that provide for the provision of microfinance services, including the provision to the borrower of a certain amount of money or property (item) characterized by generic characteristics, as well as the process of providing microcredits in the form of monetary sums in an amount not exceeding the contract loan or the law, in addition, relevant proposals and recommendations have been developed.

**Keywords:** Microcredit contracts, microfinance services, microcredit, microloans, debt obligations, purchase and sale of debt obligations (factoring), financial lease, consumer loan, lessor, lessee, leasing object.

---

**П**резидентимиз Ш.Мирзиёв таъкидлаб ўтганидек, иқтисодийтни ривожлантиришда пухта ва барқарор банк-молия тизими улкан аҳамиятга эга. Биз аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг банк тизимига ишончини кучайтирмасдан туриб, "яширин иқтисодиёт"дан тўлиқ халос бўла олмаимиз [1].

Дарҳақиқат, банк-молия тизимини, хусусан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг молиявий қўллаб-қувватлаш механизми ҳисобланган микромолиялаш тизимини такомиллаштириш, аҳолининг кенг қатламларига молиявий қўмак бериш мамлакатимизнинг бугунги ижтимоий-иқтисодий ривожланишида алоҳида ўрин тутаети. Шу мақсадда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 сентябрдаги ПҚ-3268-сон "Аҳолининг кам таъминланган қатламларини қўллаб-қувватлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 20 октябрдаги 857-сон қарори билан тасдиқланган "Кам таъминланган оилаларни бандлик билан таъминлаш учун тижорат банклари томонидан микрокредитлар ажратиш тартиби тўғрисида"ги Низоми қабул қилиниб, микрокредит бериш тизими ушбу хизматлардан фойдаланувчилар учун қулай ва мақбул бўлиш шартлар асосида такомиллаштирилди.

Қайд этиш зарурки, микромолиявий хизматлар микрокредит ташкилотлари томонидан амалга ошириладиган фаолият тури бўлиб, унчалик кўп бўлмаган сумма миқдоридида кичик бизнес субъектларига юқори бўлмаган фоиз ставкаларида кредит ва қарз бериш ҳисобланади. Бугунги кунда Ўзбекистонда микрокредит ташкилотлари ўзига хос тизими вужудга келган. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг маълумотларига қараганда, ҳозирда мамлакатимизда 26 та микрокредит ташкилоти ва 42 та ломбард фаолият юритади [2].

Албатта, бу ҳолат умумий тарзда олганда, бир қадар ижобий манзарани ифода этади. Бироқ микрокредит ташкилотлари ва ломбардларнинг вилоятлар кесимида эса жуда катта фарқлар мавжудлигини кўрсатади. Масалан, бугунги кунда Андижон вилоятида бор йўғи 1 та микрокредит ташкилоти ва 3 та ломбард фаолият юритаётгани [3] фикримизнинг далилидир.

Шу билан бирга, ҳозирда микрокредит ташкилотлари фаолиятининг ҳуқуқий асосларини шакллантириш, улар фаолиятига оид бўлган махсус қонун ости ҳужжатларини ишлаб чиқиш, нобанк микрокредит ташкилотлари тизимини янада ривожлантириш ва уларнинг бир тури бўлган ломбардлар фаолиятининг ҳуқуқий асосларини белгилаш кун тартибидаги долзарб масалалардан биридир.

Микрокредит ташкилотларининг шартномавий муносабатларини ривожлантириш, уларнинг хизматлар кўрсатиш шартномаларини тузиш орқали ўз капитални ошириб боришлари, мамлакатда барқарор молиявий тизимни ривожлантиришга имкон беради.

"Микрокредит ташкилотлари тўғрисида"ги Қонуннинг 13-моддасида микрокредит ташкилотлари томонидан кўрсатиладиган хизмат турлари қайд этилган бўлиб, ушбу модданинг 1-2-қисмларига кўра, микрокредит ташкилоти қуйидаги турлардаги микромолиявий хизматлар кўрсатиши мумкин:

микрокредитлар ёки микроқарзлар бериш;

қарз мажбуриятларини сотиб олиш ва сотиш (факторинг);

микрокредитташкилоти лизинг берувчи сифатида иштирок этадиган микролизинг (молия ижараси);

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа турдаги микромолиявий хизматлар кўрсатиш, шу жумладан, истеъмол кредитлари бериш.

Микрокредит ташкилоти микрокредитлар, микроқарзлар, микролизинг бериш ва бошқа микромолиявий хизматлар кўрсатиш билан боғлиқ маслаҳат ва ахборот хизматлари кўрсатиши мумкин.

Мазкур нормадан кўриниб турибдики, микрокредит ташкилотлари аввало қарз ва кредит шартномалари тузиш йўли билан микрокредит ва микроқарз хизматларини кўрсатадилар.

Таъкидлаш лозимки, "Микромолиялаш тўғрисида"ги Қонунда микрокредит ва микроқарз тушунчалари берилган бўлиб, ушбу Қонунда микрокредит ва микроқарз шартномалари хусусида қоидалар белгиланмаган. Бу ҳолатда микрокредит ташкилотлари томонидан кўрсатиладиган микрокредит ва микроқарз хизматлари Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида белгиланган қарз ва кредит шартномаларига оид нормалар асосида шартнома тузиш йўли билан амалга оширилади. Бироқ бу ҳолатда микрокредит ва микроқарз тушунчалари ФКда белгиланган кредит ва қарз шартномаларининг тушунчаларидан фарқ қилишини эсдан чиқармаслик лозим.

Агар ФКда қарз шартномаси сифатида муайян пул суммаси ёки турга хос аломатлари билан белгиланадиган ашёларни қарз олувчига мулк қилиб бериш назарда тутилса, микроқарзда фақат қонун билан белгиланган миқдордан ошмайдиган пул суммалари қайтариш шarti билан қарз олувчига берилади. Микроқарзнинг миқдори "Микромолиялаш тўғрисида"ги Қонуннинг 5-моддасида белгиланганидек, энг кам иш ҳақининг юз баравари миқдоридан ошмайдиган суммада берилади. Анъанавий қарз шартномаларидан фарқли равишда микроқарз фақат жисмоний шахсларга берилади.

Кўриниб турибдики, бу ҳолатда микроқарз шартномасининг объекти бўлиб, қонунда белгиланган суммадан ошмайдиган пул маблағлари назарда тутилмоқда. Бу ўринда "пул маблағлари" атамасига нисбатан юридик адабиётларда мавжуд бўлган баҳсли ҳолатга тўхталиб ўтиш лозим.

Айрим мутахассисларнинг фикрича, қарз шартномасининг объектини фақат турга хос аломатлари билан белгиланадиган ашёлар ташкил этади. Чунки, қарзга олинган ашё "истеъмол" қилиниши натижасида "йўқ бўлиб кетади" ва унинг ўрнига қарз олувчи айнан шу турдаги, сифатдаги ва миқдордаги ашёни қайтаради. Нақд пул ҳам айнан турга хос аломатлари билан белгиланадиган ашё хусусиятига эга ва фақат нақд пулгина қарз шартномасининг объекти бўлиши мумкин. Нақд бўлмаган пул маблағлари эса қарз шартномасининг эмас кредит шартномасининг объекти бўлиши мумкин. Шу сабабли ҳам юридик шахслар иштирокидаги муносабатларда нақд пул маблағларининг айланмаси чекланган ва улар қарз муносабатларининг одатдаги субъектлари ҳисобланмайдилар [4].

Бир қатор муаллифлар (В.В.Витрянский ва М.И.Брагинскийлар [5], С.С.Занковский [6]) эса мазкур фикрларни танқид қилиб, қарз шартномасининг объектини тор маънода талқин этиш керак эмаслигини, нақд бўлмаган пул маблағлари қарзга берилганда, мулк ҳуқуқи эмас талаб қилиш ҳуқуқининг қарз олувчига ўтиши қарзнинг моҳиятини ўзгартирмаслигини таъкидлашади. Мазкур фикрларни ривожлантириб, С.Ю.Эшонқулов қуйидагиларни билдиради: бинобарин, қарз объекти ҳисобланган пул ва пул маблағларининг муайян муддатда қайтарилиш шarti билан берилиши ва қарз олувчи ушбу маблағларни ўз хошишига кўра истеъмол қилиши қарз олувчининг ўз мулк ҳуқуқини амалга ошириши ҳисобланади. Гарчи олимлар ўртасида нақд бўлмаган пул маблағлари қарзга берилганда қарз олувчида мулк ҳуқуқи эмас талаб қилиш ҳуқуқи вужудга келади деган қараш мавжуд бўлса-да, бу ҳолат нақд бўлмаган пул маблағларини қарзга берилишини инкор этмайди. Нақд бўлмаган пул маблағлари қарзга берилганда ҳам қарз олувчи уларни нақд пул каби тасарруф этишга ҳақли бўлади [7].

Мазкур икки нуқтаи назар таҳлилидан келиб чиқиб айтиш мумкинки, бу вазиятда нақд бўлмаган пул маблағлари қарз объекти сифатида мулк ҳуқуқининг объекти бўла олмаслиги сабабли ҳам уларни қарз шартномасининг объекти бўлишини инкор этиш ўринли. Чунки, нақд бўлмаган пул маблағларини қарз олувчи нақд пул каби эркин ва исталган вақтда тасарруф этиш имконига эга бўлмайди. Одатда нақд бўлмаган пул маблағларини тасарруф этиш кўплаб банк таомиллари ва қоидаларига риоя этишни, турли расмийчиликлар ва ҳужжатларни тўлдиришни талаб этади. Одатда нақд бўлмаган пул маблағлари кредит шартномасининг объекти бўлади ва бу ҳолат ФКнинг 744-моддаси 1-қисмидан ҳам англашилади. Мазкур нормада шартномада назарда тутилган миқдорда ва шартлар асосида пул маблағлари (кредит) бериш кредит эканлиги назарда тутилган. Қолаверса, нақд бўлмаган пул маблағларини бирор-бир мақсад учун ишлатиш кўп вақт талаб этиши ва ҳар доим иккинчи шахс - банк билан боғлиқ бўлиши ҳам нақд бўлмаган пул маблағларини қарз шартномасининг объекти бўлиши мумкин эмаслигини кўрсатади. Зеро, қарз олишдан асосий мақсад қарз олувчининг мавжуд эҳтиёжларини тез ва самарали қондириш ҳисобланади. Нақд бўлмаган пул маблағларини олиш эса бундай талаблар ва мезонларга жавоб бермайди. Бундан ташқари, нақд пулли муносабатларда юридик шахслар ўртасида деярли қўлланилмаслиги сабабли ҳам қонун чиқарувчи микроқарз шартномасида қарз олувчи жисмоний шахс бўлишини белгилайди. Шу сабабли ҳам "Микромолиялаш тўғрисида"ги Қонунда белгиланган микроқарз шартномасининг объекти ҳисобланган пул маблағлари нақд пул сифатида талқин этилмоғи ва

жисмоний шахсларга нақд пул ёки пластик карточкалар шаклида берилиши мақсадга мувофиқдир. Бу эса ўз навбатида, ФКнинг 732-моддаси ва "Микромолиялаш тўғрисида"ги Қонуннинг 5-моддаси ўртасидаги номуносабатлик мавжудлигини кўрсатади. Зеро, "пул маблағлари" деганда одатда нақд бўлмаган пул тушунилади ва амалиётда ҳам шундай талқин этилади. ФКнинг 732-моддасида эса қарзга "пул маблағлари" эмас "пул" берилиши белгиланган. Мазкур ҳолатдан келиб чиқиб, "Микромолиялаш тўғрисида"ги Қонуннинг 5-моддасидаги "пул маблағлари" атамасини "пул" атамаси билан алмаштириш зарур.

Маълумки, кредит тушунчаси иқтисодий ва ҳуқуқий нуқтаи назардан талқин этилади. Юридик адабиётларда кредитнинг иқтисодий ва ҳуқуқий нуқтаи назардан тушуниш бораси бир қатор фикрлар билдириб ўтилгани ҳолда, кредитнинг ҳуқуқий жиҳатдан моҳияти очиб беришга ҳаракат қилинган.

Жумладан, Е.А.Сухановнинг фикрича, товар айланмасининг бир иштирокчиси томонидан иккинчисига эквиваленти қайтариш, яъни қоидага кўра ҳақни тўлаш шarti билан муайян мол-мулкни бериш хусусида гап кетганда, кредитни иқтисодий маънода бериш назарда тутилади. Бироқ иқтисодий муносабатлар турли фуқаролик-ҳуқуқий шартномалар воситасида расмийлаштирилгани каби кредит иқтисодий ўзаро алоқалар ҳам ҳуқуқий жиҳатдан турлича: пул ёки ашёни қарзга олиш шартномаси, кредит шартномаси, шунингдек факторинг шартномаси ёрдамида расмийлаштирилиши мумкин [8].

Л.Г.Ефимованинг таъкидлашича, кредитнинг иқтисодий ва ҳуқуқий тушунчалари тўлиқ бир-бирига мос келади, деб ҳисоблаш мумкин эмас. Иқтисодий фан нуқтаи назардан кредит ҳисобланадиган кўплаб муносабатлар мавжудки, улар ҳуқуқий жиҳатдан кредит сифатида эътироф этилмаслиги мумкин. Ҳуқуқий нуқтаи назардан қарз олувчи ва кафил ўртасидаги ҳуқуқий муносабатлар кредит сифатида қаралмагани ҳолда, иқтисодий жиҳатдан мазкур муносабат кредит сифатида баҳоланади [9].

В.Г.Гольшев "кредитнинг унинг барча иқтисодий хусусиятларини батафсил тарзда акс эттирадиган ҳуқуқий таърифини келтиришнинг иложи йўқлиги тўғрисида", "биринчидан, кредит ҳуқуқий муносабатлари тушунчасини аниқлаш учун асос бўлиб хизмат қилувчи иқтисодий ҳодиса; иккинчидан, кредитни ҳуқуқшунослик нуқтаи назардан таърифлаган ҳолда вужудга келадиган муносабатларнинг иқтисодий мазмунини ҳуқуқий шаклда акс эттириш зарурлиги" тўғрисида мулоҳаза юритган ҳолда бошқа бир туркумдан: "кредит соҳасидаги битимлар"дан фойдаланишни таклиф этади [10].

Д.Ж.Суюнованинг фикрига биноан, маълумки, амалдаги ЎЗР ФК тегишли муносабатларни йўлга солиш мақсадлари учун қарз мажбуриятининг махсус кўриниши - тижорат кредитини кўзда тутган ҳолда "кредит" туркумини иқтисодий маънода қабул қилган. Тижорат кредити (коммерческий кредит) мажбурияти ҳар қандай фуқаролик-ҳуқуқий шартномада кўзда тутилиши мумкин бўлиб, унинг бажарилиши бошқа томоннинг мулкни қилиб турдош аломатлар билан белгиланувчи пул қийматлари ёки бошқа буюмларни, шу жумладан, бўнак, олдиндан пул тўлаш, товарлар, ишлар ёки хизматлар учун ҳақ тўлашни кечиктириш ҳамда бўлиб-бўлиб ҳақ тўлаш билан боғлиқдир. Шу аснода ФКда "тижорат кредити" туркумининг пайдо бўлиши "кредит муносабатларининг асосий мажбуриятлари йўқ бўлишига олиб келмади. Тижорат кредити бўйича ҳуқуқий

муносабатлар томонлар тузган шартнома доирасида шартномани аралаш шартномага айлантирган ҳолда асосий мажбуриятлар (маҳсулотлар етказиб бериш, ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш) билан бирга бормоқда" [11].

Мазкур фикрларга қўшилган ҳолда, кредит муносабатлари соф маънода пул маблағларини фоизлари билан қайтаришни назарда тутадиган ҳуқуқий муносабат эканлигини таъкидлаш лозим. Кредит беришдан асосий мақсад мавжуд бўлиб, қарз олувчи учун муайян муддатга пул маблағларни топшириш ва ушбу пул маблағларидан эркин ва тўсқинликсиз фойдаланишни таъминлаш ҳисобланади.

Шу жиҳатдан айтиш мумкинки, микрокредит шартномаларини тузиш микрокредит ташкилотлари фаолиятининг асосий йўналишларидан бири ҳисобланади. Микрокредит шартномалари кичик тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлашнинг энг анъанавий шакли сифатида пул маблағларини ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларига йўналтиришга қаратилади. "Микромолиялаш тўғрисида"ги Қонунда микрокредит тушунчасига берилган таъриф ФКда кредит шартномасига берилган таърифдан фарқ қилмайди. Бошқача айтганда, микрокредит ташкилотлари микрокредит шартномасини тузаётганда, "Микромолиялаш тўғрисида"ги Қонун талабларидан келиб чиққан ҳолда ФКнинг 41-боби қоидалари бўйича микрокредит шартномалари тузадилар. Бунда микрокредит суммаси энг кам иш ҳақининг минг баравари миқдоридан ошмаслиги талаб этилади.

Амалиётда микрокредитнинг миқдори ва фоиз ставкаси унчалик юқори бўлмаган кредит шартномалари хусусида ҳам низоли ҳолатлар вужудга келаётганлигини кузатиш мумкин. Масалан, даъвогар - Микрокредитбанк Жалақудуқ филиали жавобгар - "Олтиной олтин кузлари" хусусий биолобараторияси" ва "Янгисор водий биолобараторияси"дан 2 963 119 сўм ундириш тўғрисида даъво аъризаси билан ҳўжалик судига мурожаат қилган.

Иш ҳужжатларидан аниқланишича, даъвогар ва жавобгар ўрасида 2015 йил 4 март кунига 6-сонли кредит шартномаси имзоланган. Шартноманинг 2.1.-бандига кўра жавобгарга 3 000 000 сўм миқдорида биолобаратория фаолиятини ривожлантиришга арпа ва озиқ-овқат сотиб олиш мақсадида 12 ой муддатга 3 фоиз миқдорида кредит ажратилган.

Кредит шартномасининг 6.1.-бандига мувофиқ, кредит маблағини ўз вақтида қайтариш кўзда тутилган бўлса-да, жавобгарнинг 2016 йил 27 январь ҳолатига 2 665 00 сўм кредит тани, 298 119 сўм кредит фоизи жами бўлиб, 2 963 119 сўм қарздорлик суммаси ҳосил бўлган.

Бироқ жавобгар мазкур суммани суд кунига қадар тўлиқ тўлаганлиги сабабли суд даъвони рад этган [12].

Кредит шартномасининг шакли тўғрисидаги тилга олинган қоидаларнинг махсус хусусияти шунда намоён бўладики, биринчидан, шартномани оғзаки шаклда, шу жумладан, унинг тузилганлиги ҳолатини қарз олувчининг тилхати ёки бошқа ўхшаш ҳужжат билан тасдиқлаган ҳолда ҳам тузишга йўл қўювчи қарз олиш шартномаси шакли тўғрисидаги меъёрларини (ФКнинг 733-моддаси) қўллаш мустасно этилади; иккинчидан, битим шакли тўғрисидаги умумий қоидаларда кўзда тутилган оқибатларга нисбатан кредит шартномаси ёзма шакли талабларига риоя қилмаганликнинг янада кескинроқ оқибатлари кўзда тутилади. Қонунчиликда кредит шартномасининг шаклига бошқа қўшимча талаблар мавжуд

эмас, бу эса кредит шартномасига ЎзР ФКнинг 366-моддасида мавжуд бўлган ҳар қандай фуқаролик-ҳуқуқий шартноманинг ёзма шакли тўғрисидаги умумий қоидалар тўлалигича қўлланилишини англатади[13].

Микрокредит шартномаси барча кредит шартномалари каби ёзма тузилиши ва тегишли тартибда микрокредит ташкилоти томонидан расмийлаштирилиши лозим. Бунда қарз олувчидан тегишли ҳужжатларни тақдим этиш ва шартномани имзолаш талаб этилади.

Микрокредит ташкилотлари иштирокидаги навбатдаги шартномавий муносабатлар бу микролизинг муносабатларидир. Маълумки, лизинг муносабатларида молия муассасалари ўз пул маблағлари билан қатнашадилар. Бошқача айтганда, микрокредит ташкилотлари тадбиркорлик фаолияти субъектлари учун зарур бўлган ишлаб чиқариш воситаларини учинчи шахслардан сотиб олади ва ушбу ускуналарни фойдаланиш учун тадбиркорлик субъектига беради.

ФКнинг 587-моддасида белгиланишича, лизинг шартномаси бўйича лизинг берувчи (ижарага берувчи) бир тараф лизинг олувчи (ижарага олувчи) иккинчи тарафнинг топшириғига биноан сотувчи учинчи тараф билан ундан лизинг олувчи учун мол-мулк сотиб олиш ҳақида келишиш мажбуриятини олади, лизинг олувчи эса бунинг учун лизинг берувчига лизинг тўловларини тўлаш мажбуриятини олади.

Ўзбекистон Республикасининг "Лизинг тўғрисида"ги Қонуни 2-моддасига кўра, лизинг - молиявий ижаранинг алоҳида тури бўлиб, унда бир тараф (лизинг берувчи) иккинчи тарафнинг (лизинг олувчининг) топшириғига биноан учинчи тарафдан (сотувчидан) лизинг шартномасида шартлашилган мол-мулкни (лизинг объектини) мулк қилиб олади ва уни лизинг олувчига шу шартномада белгиланган шартларда ҳақ эвазига эгалик қилиш ва фойдаланиш учун ўн икки ойдан ортиқ муддатга беради.

Мутахассисларнинг фикрича, лизинг - асосий ишлаб чиқариш воситаларини зудлик билан янгилаш, корхоналарни замонавий технологиялар билан таъминлаш ёки жорий этиш, шу асосида ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифати ҳамда ҳажмини кескин оширишга ёрдам беради [14].

Дарҳақиқат, тадбиркорлик субъекти микролизинг хизматларидан фойдаланиш орқали ўзининг ишлаб чиқариш ускуналари ва воситаларига нисбатан эҳтиёжларини қаноатлантиришда муҳим аҳамиятга эга. Микролизинг моҳиятидан аънанавий лизинг шартномаларидан фарқ қилмайди. Бироқ, микролизингда ҳам микрокредит ва микроқарздаги каби микролизинг суммаси чекланади ва микролизинг тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун лизинг тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ энг кам иш ҳақининг икки минг баравари миқдоридан ошмайдиган суммада берилади.

Умуман олганда, микрокредит ташкилотлари томонидан тузиладиган шартномалар ўзининг табиатига кўра, суммаси чекланганлиги, аниқ мақсадларга йўналтирилганлиги ва кичик тадбиркорлик субъектлари фаолиятини ривожлантиришга қаратилганлиги билан ажралиб туради. Шу сабабли, микрокредит ташкилотлари томонидан тузиладиган шартномаларнинг шакли, уларга нисбатан талаблар ва қоидаларни янада аниқ ифодалаш мақсадга мувофиқдир.

### Иқтибослар/References

---

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Олий мажлисга мурожаатномаси / Халқ сўзи, 2017 йил 20 декабрь.
2. <http://www.cbu.uz/>
3. Марказий банк Андижон вилоят Бош бошқармасининг маълумоти
4. Гражданское право. В 2-х т. т. II. Полутом 2, 2-е изд., перераб. и доп.: Учебник /отв. ред. проф. Суханов Е.А. - М., 2000. - С 204.
5. Брагинский М., Витрянский В. Договорное право. Книга I: Общие положения. - М.: Статут, 1997.- С 235.
6. Комментарий к Гражданскому кодексу Российской Федерации, ч.II / под.ред. Абовой Т.Е.и Кабалкина А.Ю. - М., 2003. - С.496.
7. Эшонқулов С.Ю. Бозор муносабатлари шароитида қарз шартномасининг фуқаролик-ҳуқуқий муаммолари: Юрид. фан. номз. дис. . - Т.: 2012. - Б. 28.
8. Гражданское право. В 2-х т. Т.2. Полутом 2. Учебник / Отв. ред. проф. Е.А. Суханов. 2-е изд., перераб. и доп. - М., 2000. - С. 204.
9. Ефимова Л.Г. Банковские сделки: право и практика. - М., 2001. - С. 496.
10. Гольшев В.Г. К вопросу о понятии сделки в кредитной сфере // Правоведение. - 2002. -№5. - С. 139 - 144.
11. Суюнова Д.Ж. Правовое регулирование кредитных отношений в Республике Узбекистан и пути его совершенствования: Автореф. дис. . докт. юрид. наук. - Т.: 2011. - С 14.
12. Андижон вилояти ҳўжалик судининг 2016 йил архиви материаллари, 17-1608/4014-сонли иш.
13. Суюнова Д.Ж. Правовое регулирование кредитных отношений в Республике Узбекистан и пути его совершенствования: Автореф. дис. . докт. юрид. наук. - Т.: 2011. -С 22.
14. Ҳазратқулов О.Т. Лизинг муносабатларини ҳуқуқий тартибга солиш муаммоли.- Т.: Noshir, 2014. - Б.3.



---

---

## 12.00.09 УГОЛОВНЫЙ ПРОЦЕСС. КРИМИНАЛИСТИКА, ОПЕРАТИВНО-РОЗЫСКНОЕ ПРАВО И СУДЕБНАЯ ЭКСПЕРТИЗА

*Келиб тушган сана 19 ноябрь, 2018*  
*Эълон қилинган сана 30 ноябрь, 2018.*

**Хакбердиев Абдумурад Абдусаидович,**

Тошкент давлат юридик университети  
Жиноят-процессуал ҳуқуқи ва  
криминалистика  
кафедраси ўқитувчиси  
E-mail: m.hakberdiev@mail.ru



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9130-2018-6-8>

### **ЖИНОЙ ДАРОМАДЛАРНИ ЛЕГАЛЛАШТИРИШ БИЛАН БОҒЛИҚ ЖИНОЯТЛАРГА ҚАРШИ КУРАШ ТАҲЛИЛИ**

**Аннотация:** мазкур мақолада жиноий даромадларни легаллаштириш билан боғлиқ жиноятларга қарши курашиш тактикаси халқаро ва миллий қонунчилик асосида таҳлил қилинган. Шунингдек, ушбу жиноятларга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш юзасидан тавсиялар берилган.

**Калит сўзлар:** жиноий даромадларни легаллаштириш, криминалистик техника, тергов тактикаси, банк тизими, мулк ҳуқуқи, алоҳида қийматга эга предметлар.

---

**Хакбердиев Абдумурад Абдусаидович,**

преподаватель кафедры  
Уголовно-процессуального права  
и криминалистики Ташкентского  
государственного юридического университета  
E-mail: m.hakberdiev@mail.ru

### **АНАЛИЗ БОРЬБЫ С ПРЕСТУПЛЕНИЯМИ, СВЯЗАННЫМИ С ЛЕГАЛИЗАЦИЕЙ ПРЕСТУПНЫХ ДОХОДОВ**

**Аннотация:** В данной статье на основе международного и национального законодательства проанализированы тактика борьбы с преступлениями связанными с легализацией преступных доходов. А также, выдвинуты предложения по совершенствованию системы борьбы против таких преступлений.

**Ключевые слова:** легализация преступных доходов, криминалистическая техника, следственная тактика, банковская система, право собственности и предметы, имеющие особую ценность.

Khakberdiev Abdumurad Abdusaidovich,

Teacher of the Department  
of Criminal Procedural Law  
and Criminalistics at  
Tashkent state university of law,  
E-mail: m.hakberdiev@mail.ru

## ANALYSIS OF THE FIGHT AGAINST CRIMES RELATED TO THE LEGALIZATION OF CRIMINAL INCOMES

**Annotation:** This article analyzes tactics for combatting crimes related to money laundering based on international and national legislation as well as providing several recommendations on improving the system of combatting such crimes.

**Key words:** Money laundering, techniques of criminalistics, investigation tactics, bank system, property rights, objects with particular value.

Жиноий даромадларни легаллаштириш билан боғлиқ жиноятларни тергов қилиш Республикамизда амалга оширалётган ислоҳотлар аҳолини турмуш тарзини яхшилашга, шунингдек тадбиркорлик ва бошқа фаолиятини ривожлантириши ҳамда тадбиркорлик субъектларини фаолият томонидан қўллаб қувватламоқда. Бу ҳолат бир томондан, мамлакатимизда ишлаб чиқариш ўсишига, иқтисодиётнинг ривожланишига ижобий таъсир кўрсатиш билан бирга, иккинчи томондан иқтисодиёт соҳасида янги кўринишдаги қонун бузилишлар содир этилишига ҳам сабаб бўлмоқда. Жумладан, товарларни реализация қилишдан тушган тушумларни яшириш, солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлаш, хуфёна тарзда жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ҳамда бошқа турдаги ҳуқуқбузарликларни мисол қилиб кўрсатишимиз мумкин.

Ноқонуний даромадларни легаллаштириш трансмилий жиноятчиликнинг барча тармоқлари ривожи учун шароит яратувчи ўзига хос механизм бўлиб қолмоқда. Унга қарши курашиш жиноятчиликнинг олдини олишнинг муҳим шакли ҳисобланади. Сўнгги ўн йил давомида даромадларни легаллаштириш муаммоси халқаро тус олди ва қатор мамлакатлар ҳукуматининг обрўсига салбий таъсир этиши мумкин бўлган сиёсий омилга айланди.

Бу эса давлатлар ўртасидаги ҳамкорликни такомиллаштириб боришни тақозо этмоқда. Шу ўринда айтиш лозимки, юксак даражада тараққий топган демократик давлатларнинг ўзини ҳар томонлама оқлаган тажрибасини танқидий таҳлилдан ўтказиб, ўзимизга қабул қилиш ва жорий этиш, шу асосда қуриш бугун изчиллик билан амалга ошириляётган тинч ва фаровон ҳаёт қуриш йўлининг қонунчилик негизлари учун асосий мезонларидан биридир.

Файриқонуний йўллар билан ортирилган пул ва бошқа мол-мулкларни легаллаштириш давлатнинг иқтисодий хавфсизлигига таҳдид солган ҳолда, уни бартараф этиш учун нафақат миллий, балки халқаро даражада чора-тадбирлар белгилашни тақозо этмоқда.

Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш бўйича Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг жиноий даромадларни легаллаштириш билан курашиш соҳасидаги халқаро ҳуқуқий ҳужжатлари мавжуд.

Хусусан, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 2000 йил 15 ноябрдаги Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши конвенциясининг 6-моддасида жинойий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш халқаро жиноятлар қаторига киритилган.

Шунга асосан 2004 йилда Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги (МДХ) ҳудудида фаолият кўрсатувчи Жинойий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш Евроосиё регионал гуруҳи (ЕАГ) ташкил этилган бўлиб, унинг асосий вазифалари сифатида аниқ йўналишларни белгилаш, ҳамкорликда амалга оширилиши лозим бўлган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш, унинг самарадорлигини баҳолаш, бу ишларни халқаро миқёсда мувофиқлаштириш, чуқур таҳлил қилиш ва тажриба алмашиш белгиланган. Ўзбекистон 2005 йилнинг декабрь ойидан ушбу гуруҳ аъзосидир.

БМТнинг 1988 йил 20 декабрда Вена шаҳрида қабул қилинган "Наркотик воситалар ва психотроп моддаларнинг ноқонуний айланмасига қарши курашиш тўғрисида"ги конвенцияси пулларни легаллаштиришга қарши курашиш ва катта даромад келтирувчи жинойий фаолиятни бартараф этиш соҳасида ҳамкорликни ривожлантиришга йўналтирилган дастлабки универсал халқаро битим бўлди. Ўзбекистон Олий Парламенти 1995 йил 24 февралда мазкур конвенцияни ратификация қилди.

Вена конвенциясида иштирокчи давлатларга наркотик воситалар ва психотроп моддаларнинг ноқонуний айланмаси натижасида олинган мол-мулкни легаллаштиришни ўз қонунларида жинойий қилмиш сифатида белгилаш мажбурияти юкланган. Шунингдек, ушбу конвенция низомида келтирилган концепцияда наркотик воситаларнинг халқаро савдосига қарши курашиш борасидаги самарали стратегиянинг асосий шартларидан бири сифатида жинойий гуруҳларнинг молиявий асосларини қўпориш учун ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларни зарур воситалар билан таъминлаш лозимлиги қайд этилган.

Конвенция низомига асосан наркотик воситалар ва психотроп моддаларнинг ноқонуний савдосидан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш соҳасида минимал стандартлар ўрнатилган бўлиб, конвенциянинг 24-моддасига мувофиқ иштирокчи давлатлар томонидан бундан (конвенцияда кўрсатилганидан) ҳам қаттиқ чоралар қўлланиши мумкин. Вена конвенциясида кўрсатилган жиноят таркиби шу пайтда амалда бўлган АҚШ қонунчилигидан келиб чиқиб шарҳланган эди.

Вена конвенциясида белгиланган тартиб Европа Иттифоқининг 1990 йил 8 ноябрда Страсбург шаҳрида қабул қилинган ва кейинчалик мазкур жиноятга қарши курашишдаги Европа ҳамкорлигининг асосий ҳуқуқий базасига айланган "Легаллаштириш, аниқлаш, олиб қўйиш ва мусодара қилиш тўғрисида"ги конвенцияда (Страсбург конвенцияси) янада ривожлантирилди.

Ушбу халқаро ҳужжат минтақавий ташкилот доирасида қабул қилинган бўлсада, унинг 37-моддасида Европа Иттифоқи аъзоси бўлмаган давлатлар ҳам конвенцияга қўшилиши мумкинлиги қайд этилган.

**Страсбург конвенциясида 3 та муҳим йўналишда тартибга солиш назарда тутилган:**

1. Иштирокчи давлатлар миллий қонунчилигида маблағларни легаллаштирганликни ҳуқуқий баҳолашни бирхиллаштириш;

2. Маблағларни легаллаштиришга қарши курашга қаратилган миллий чора-тадбирларни бирхиллаштириш;

3. Маблағларни легаллаштиришга қарши курашишда халқаро ҳамкорлик шақллари ва амалга ошириладиган тадбирлар.

Вена конвенциясидан фарқли ўлароқ, Страсбург конвенциясида нафақат нарқобизнесдан, балки жиноий фаолиятнинг бошқа турларидан олинган маблағларни легаллаштириш билан боғлиқ ҳаракатлар ҳам жиноят деб эътироф этилади.

**Европа Ҳамжамияти Кенгашининг 1991 йил 10 июнда қабул қилинган 91/308-сонли директивасига асосан Страсбург конвенцияси низоми жиноий даромадларни легаллаштириш мақсадида молиявий тизимлардан фойдаланишни тугатиш борасида:**

- молия-кредит ташкилотлари томонидан ҳамма миқозларни тўлиқ идентификация қилиш ва 2020 доллардан ортиқ қийматдаги барча битимларни қайд этиш борасидаги талаблар бажарилишини таъминлаш;

- ушбу ташкилотлар билан маблағларни легаллаштиришга қарши курашувчи давлат идоралари ўртасидаги ҳамкорликни таъминлаш;

- ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга маълумотлар тақдим этилишини миқозларга ёки учинчи томонга ошқор этишни тақиқлаш;

- кўрсатилган тадбирларнинг барчаси ёки айрим қисмларини маблағларни легаллаштириш билан шуғулланувчи шахслар томонидан фойдаланилиши мумкин бўлган казино, валюта айирбошлаш шохобчалари каби ташкилотлар ва адвокатлар, нотаруслар, ҳисобчилар фаолиятига нисбатан ҳам қўллаш сингари бандлар билан тўлдирилган.

Ушбу муаммони бартараф этиш юзасидан ҳамкорлик универсал ташкилотлар даражасида қабул қилинган халқаро ҳужжатлардан ташқари махсус органлар томонидан белгиланган чора-тадбирлар билан ҳам тартибга солинади.

Хусусан, "Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши кураш бўйича махсус гуруҳ" (Financial Action Task Force on Money Laundering) - FATF гуруҳи жиноий фаолият натижасида олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш стандартларини белгиловчи ҳуқуматлараро ташкилот деб эътироф этилади.

FATF гуруҳи 1989 йилда "Катта еттилик" мамлакатлари томонидан ташкил этилган бўлиб, унинг асосий мақсади жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашишга қаратилган сиёсатни ишлаб чиқиш ва жорий қилиш ҳисобланади.

FATF гуруҳининг асосий вазифаси ноқонуний даромадларни легаллаштириш йўлида банклар ва бошқа молиявий ташкилотлардан фойдаланиш амалиётини чеклаш бўйича олиб борилган ҳамкорлик натижаларини баҳолаш ва уни янада чуқурлаштиришдан иборатдир. FATF гуруҳи ўзининг асосий вазифаларини амалга ошириш доирасида унга аъзо давлатларда жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши кураш борасида кўрилаётган чоралар устидан назоратни амалга оширади. [1]

Шу билан бирга, FATF аъзо давлатлари ва уларнинг пул маблағларини легаллаштиришга қарши кураш соҳасидаги мавжуд амалиёти ҳақида ҳам тўхталиш лозим. 1990 йил февраль ойида FATF жиноий даромадларни легаллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиққан.

**Ушбу тавсиялар соҳада халқаро стандартларга айланган "ифлос пул билан кураш олиб борамиз" шиори бўлиб, улар орасида қуйидагилар таъкидланган:**

- жиноий даромадларни легаллаштириш жинояти деб эътироф этиш;

- пул маблағларини легаллаштиришни олдини олиш бўйича мавжуд қонунчилик мавжудлиги;

- мижозлар ва уларнинг бенефициарларини аниқлаш учун протседураларни таъминлаш ("Сизнинг мижозингизни билиш" тамойили) ("Сиз мижозингизни билинг" ёки КЙС);

- молиявий институтлар томонидан молиявий битимлар мониторингини ўтказиш;

- пул маблағларини легаллаштиришни олдини олиш соҳасида ваколатли давлат органи ёки муассасасининг мавжудлиги;

- соҳада халқаро ҳамкорликни таъминлаш

- иноий пул маблағларини легаллаштиришга қарши қўшма тергов, ноқонуний даромадларни мусодара қилиш, алмаштириш хорижий ваколатли шахсларнинг ахборот ва талабларини бажариш органлар.

Бундан ташқари, FATF гуруҳи жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш тенденциялари ва услубларини тадқиқ қилади ҳамда бу услублар ва кўрилиши лозим бўлган чора-тадбирлар тўғрисида маълумотлар тайёрлаб боради.

Ҳозирги кунда 34 та давлат ва иккита халқаро ташкилот FATF аъзоларидир. FATFнинг 22 нафар қузатувчиси мавжуд. FATFнинг 8 та минтақавий гуруҳи тузилган ва 180дан ортиқ юрисдикция FATF стандартларини қўллаб-қувватлаган ҳам қабул қилган.

Юқорида қайд этиб ўтилган қатор халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларда ноқонуний фаолиятдан олинган молиявий воситалар шаклини ўзгартирганлик ва мамлакат иқтисодиётига киритганлик учун миллий қонунчилик доирасида жавобгарликни белгилаш кўрсатиб ўтилган. Шундан келиб чиқиб, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни мусодара этишга, шунингдек, халқаро давлатларнинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ўзаро процессуал ва бошқа шаклдаги ҳамкорликни, ҳуқуқий ёрдам самарасини замон талабларини инobatта олган ҳамда таҳлил қилган ҳолда миллий қонунчилигимизнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатига тегишли ўзгартиришлар киритиш мақсадга мувофиқ бўларди.

Маълумки, содир этилган жиноятларнинг мутлақ кўпчилиги тез-тез боғлиқ бўлган ўзига ўзи хизмат қилувчи омилга эга маълум бир иқтисодий (молиявий) фойда. Ж. Робинсон ҳақли равишда шундай деб ёзади: [2] "Агар биз психопатлар тарафи ва севги"ни тарк қилсак қонунни бузган одамлар кўпинча жиноятчилар пул учун пулга боришади. Бу ерда нима учун банкларни тунашмоқдалар, нима учун улар қасд қилишмоқда? Бу ерда нима учун улар сохта найранглари ўйлаб топмоқдалар. Мана шунинг учун улар гиёҳвандлик моддаларини сотиш билан шуғуланмоқдалар. Жиноятчилар жиноятчиларга айланишади, чунки улар бу жиноят фойдали эканлигига ишонишади.

Жиноий йўл билан орттирилган бошқа мол-мулк легаллаштириш (ювиш), миллий ва глобал хавфсизликка жиддий таҳдид ифодалайди. Давлат ва унинг асосий иқтисодий институтлар нормал ишлашини бузади, бозор ислохотларини олдини олади ва давлат томонидан мамлакат молия тизимини назорат жамоатчилиқка давлат муассасаларига нисбатан ишончсизлик келтириб чиқаради, халқаро майдонда эса Ўзбекистоннинг салбий имиджини яратади. Жиноий даромадларни легаллаштириш - бу тизимли кўп ўлчовли ҳодиса, унга қарши кураш етарли давлат стратегиясига мувофиқ амалга оширилиши керак. Бунга

қарши курашнинг самарадорлиги институционал ва ҳуқуқий тизим самарадорлиги билан боғлиқ яъни бошқача қилиб айтганда, жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш тизимидир. Миллий хавфсизлик, шу жумладан иқтисодий хавфсизлик, иқтисодий, ижтимоий, сиёсий таҳдидлар мажмуини амалга ошириш учун Ўзбекистон Республикаси мажбур жиноят даромадларни легаллаштиришга (ювиш), ҳуқуқни муҳофаза қилиш, ташкилий ва бошқа салбий ҳодисаларга қарши курашишга қаратилган бошқа чоралар. жиноий даромадларни легаллаштириш билан боғлиқ жиноятларнинг текширилиши - махсус ваколатли давлат органларининг жиноят аломатлари бўлиши мумкин бўлган ҳаракатлар ёки ҳаракатлар тўғрисида маълумот олиш, жиноят таркибини тузиш ва жиноят таркиби, жиноятчиларнинг очилиши, жиноятни тиклаш чоралари ҳисобланади.

Ўз ўрнида савол туғилади яъни жиноий фаолиятдан олинган даромадлар нима? Жиноий фаолиятдан олинган даромадлар бу [3] - жиноят содир этиш натижасида олинган пул маблағлари ва бошқа мол-мулк, шунингдек бундай мол-мулкдан фойдаланиш орқали олинган ҳар қандай фойда ёки наф, шунингдек тўлиқ ёки қисман бошқа мол-мулкка айлантирилган ёхуд ўзгартирилган ёки қонуний манбалар ҳисобидан олинган мол-мулкка қўшилган пул маблағлари ва бошқа мол-мулклар.

Шунингдек, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш - мулк (пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк) жиноий фаолият натижасида топилган бўлса, уни ўтказиш, мулкка айлантириш ёхуд алмаштириш йўли билан унинг келиб чиқишига қонуний тус беришдан, шунингдек бундай пул маблағларининг ёки бошқа мол-мулкнинг асл хусусиятини, манбаини, турган жойини, тасарруф этиш, кўчириш усулини, пул маблағларига ёки бошқа мол-мулкка бўлган ҳақиқий эгалик ҳуқуқларини ёки уларнинг кимга қарашлилигини яширишдан ёхуд сир сақлашдан иборат бўлган, жиноий жазоланадиган ижтимоий хавфли қилмишга айтилади. [4]

Жиноий даромадларни легаллаштириш билан боғлиқ жиноятлар соҳасида криминалистиканинг аҳамияти шундан иборатки яъни далилларга уларнинг йиғилиши ва тақиқот қилинишига қараб баҳо берилади. У ишнинг барча ҳолатларини ҳар томонлама тўла ва обектив тергов қилиш асосида ва шунга таянган ҳолда қонун ва терговчининг заковати билан амалга оширилади.

Шу ўринда криминалистика техникасига тўхталиш мумкин бунда фақат техник воситаларининг йиғиндиси бўлиб қолмай, балки криминалистиканинг умумий назарияси ва табиий ҳамда техника фанлари асосида ишлаб чиқилган илмий қоидалар, усуллар ва методлар мажмуидир. Бунда далилий объектларни топиш, сақлаш, қайд этиш, тадқиқ этиш ва жиноятнинг олдини олиш учун процессуал қонунга мувофиқ улардан фойдаланиш мақсад қилиб қўйилган. Криминалистик техника воситаларидан ҳам терговчи ҳам эксперт муассасалари фойдаланади, техник асбоб-анжомлар эса энг мураккаб ва хилма-хил эксперт тадқиқоти ўтказиш имкониятини беради.[5]

Криминалистиканинг бу қисмига асосий криминалистика техникалари, суд фотографияси, излар тўғрисидаги таълимот (трасология), суд баллистикаси, ҳужжатларнинг техник-криминалистик тадқиқоти, хат ва дастхатнинг криминалистик тадқиқоти, одамнинг ташқи қиёфаси бўйича тасвирлаш ва криминалистик рўйхат киради. Криминалистик техника мавзусининг хилма-хиллигига қарамай, уларнинг ривожланиши ва табиий-техник асослари умумий бўлиб қолаверади.

Жиноий даромадларини легаллаштириш билан боғлиқ жиноятларда тергов тактикаси - бу кам куч, восита ва вақт сарфлаб юқори самарага эришиш мақсадида жиноятни тергов қилиш, очиш ва олдини олишда қўлланиладиган криминалистиканинг умумназарий қоидалари, мантиқ, психология, суд этикаси ва бошқа илмий билимлардан фойдаланишга асосланган дастлабки терговнинг тактик усуллари ва методларининг терговни режалаштиришнинг мажмуидир. Тергов тактикаси фақат далилларни очиш ва тадқиқ қилишга йўналтирилган айрим тергов ҳаракатлари ўтказиш усуллари ишлаб чиқибгина қолмай, айна вақтда вужудга келган тергов вазиятларидан келиб чиқиб, аниқ бир ишни тергов қилишнинг умумий йўналишини танлашга ҳам ёрдам беради.

Жиноятнинг алоҳида турларини тергов қилиш - бу жиноятнинг ҳар бир турига тегишли ўзига хос хусусиятларни ҳисобга олиб тергов қилиш, уларни очиш ва олдини олишда қўлланиладиган илмий қоидалар, техник воситалар, тактик усуллар ва методик қоидалар (тавсиялар) мажмуидир. Қўлланиладиган воситалар, усуллар ва тавсиялар бир жиноятни тергов қилишда самарали бўлиши мумкин. [6] Масалан; уюшган жиноий гуруҳ томонидан ўзганинг мол мулкни ўзлаштириш мақсадида амалга оширган қотиллик жиноятига нисбатан қўлланилган усул бошқа жиноятларни, айтилик лоқайдлик тергов қилишда самара бермаслиги мумкин. Тавсия қилинган методика ҳар бир жиноятни тергов қилиш, очиш ва олдини олиш процессида энг қулай натижаларга эришиш учун мақсадга мувофиқ восита, усул ва методик қоидаларни танлаш имкониятини беради.

Ўзбекистон Республикаси 2004 йил 26 августда 660-сонли "Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисидаги қонун қабул қилди. Ушбу қонуннинг мақсади жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат. Мазкур қонунда жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш нисбатан қуйидагича таъриф берилган, яъни мулк (пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк) жиноий фаолият натижасида топилган бўлса, уни ўтказиш, мулкка айлантириш ёхуд алмаштириш йўли билан унинг келиб чиқишига қонуний тус беришдан, шунингдек бундай пул маблағларининг ёки бошқа мол-мулкнинг асл хусусиятини, манбаини, турган жойини, тасарруф этиш, кўчириш усулини, пул маблағларига ёки бошқа мол-мулкка бўлган ҳақиқий эгаллик ҳуқуқларини ёки уларнинг кимга қарашлилигини яширишдан ёхуд сир сақлашдан иборат бўлган, жиноий жазоланадиган ижтимоий хавfli қилмишдир.

**Шу билан бирга, ушбу қонунда пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни амалга оширувчи ташкилотлар кўрсатиб ўтилган. Хусусан,**

- банклар ва бошқа кредит ташкилотлари;
- қимматли қоғозлар бозорининг профессионал иштирокчилари;
- биржа аъзолари;
- суғурталовчилар ва суғурта воситачилари;
- лизинг хизматлари кўрсатувчи ташкилотлар;
- пул ўтказмалари, тўловлар ва ҳисоб-китобларни амалга оширувчи ташкилотлар;
- ломбардлар;
- логереялар ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларни ўтказувчи ташкилотлар;

- қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлар билан боғлиқ операцияларни амалга оширувчи шахслар;
- кўчмас мол-мулкнинг олди-сотдиси билан боғлиқ операцияларда хизматлар кўрсатувчи ва иштирок этувчи шахслар;
- мижозлар номидан битимлар тайёрлаш ва уларни амалга оширишда нотариал идоралар (нотариуслар), адвокатлик тузилмалари (адвокатлар) ҳамда аудиторлик ташкилотлари.

Ҳар бир электрон пулнинг эмитенти, имкон қадар кўпроқ даромад олишни ва шунга мос равишда мижозларни жалб қилишни истайди, ўз қоидаларига мувофиқ ишлайди. Аксарият операцияларда анонимлик сақланиб қолади. Электрон тўлов тизимларидан фойдаланиш сезиларли даражада осонлаштиради ва жиноятларнинг қонунийлаштирилиши учун қўшимча имкониятлар яратади, айниқса, электрон пуллар кўринишида олинади.

Ушбу қонунда пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни амалга оширувчи ташкилотлар рўйхати билан чегараланиб қолмасдан бугунги кунда жадал равишда ривожланиб келаётган хорижий давлатларнинг пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни амалга оширувчи ташкилотлари билан ҳамкорликни йўлга қўйиб, жинойий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш доирасида олиб борилаётган маълумотларни ўзаро айрбошлашни йўлга қўйиш, шунингдек пулларни легаллаштиришга доир операцияларга тўққинлик қилиш мақсадида молия ва банк тизимлари ўртасидаги ҳамкорликка алоҳида эътибор бериш мақсадга мувофиқ бўлган бўлар эди.

Жинойий фаолият натижасида олинган мулкни ўтказиш; айлантириш; алмаштириш; мулкнинг асл хусусиятини, манбаини, турган жойини, тасарруф этиш, ташилиш усулини, мулкка нисбатан ҳақиқий эгалик ҳуқуқининг ёки унинг кимга қарашлилигини яшириш ёки сир сақлаш. Бозор иқтисодиётига асосланган мамлакатларда тарқалган халқаро тусдаги жиноят. Ушбу жиноятнинг объектив томонини жинойий йўл билан топилган пулларни мамлакат чегарасидан ташқарига олиб чиқиш ва турли давлатларда тижорат банкларининг ҳисоб варақларига жойлаштиришни ташкил этади. Бунда ушбу маблағларга расмий йўл билан корхоналар, банклар ва бошқа юридик шахслар сотиб олинади ёки ташкил этилади, хорижий валюта сотиб олинади, ташқи иқтисодий битимлар тузилади. Жинойий даромадларни ошкоралаштиришнинг иштирокчилари кўпинча омонатларнинг банкда сир сақланиши принциpidан фойдаланган банк ходимлари бўлади. Жинойий даромадларни ошкоралаштиришда жинойий йўл билан топилган ноқонуний маблағларни қидириб топиш, олиш ва мусодара қилиш тўғрисида Страсбург Конвенцияси томонидан оғир халқаро жиноятларга киритилган. 1990 йилда ушбу Конвенция иштирокчилари бўлган давлатлар бундай маблағларни "ҳалоллашни" ўз ҳудудларида жиноят деб эълон қилиш, ноқонуний маблағларни қидириб топиш, олиб қўйиш ва мусодара қилиш тартиби тўғрисида жиноятга доир бошқа қонунларни қабул қилиш, банк ходимлари томонидан ўз мижозларининг омонатлари ҳақидаги маълумотларни ошкор этиш ёки улардан ноинсофларча фойдаланишга қўйиладиган барча чекловларни олиб ташлаш, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ушбу жиноятларни ўз вақтида очишга имкон берувчи банк операцияларини текширишлари учун рухсат бериш мажбуриятларини олдилар. Банк ходимларига ваколатли органларга шубҳали пул омонатлари ва уларнинг кўчиши тўғрисида хабар бериш мажбурияти юклатилади.



Умуман олганда, жинойй фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш жинойятига қарши курашишни янада такомиллаштириш ҳуқуқни муҳофаза қилиш амалиётида муайян муаммоларни бартараф этиш, шунингдек айрим инсон ҳуқуқларининг ишончли ҳимоясини таъминлаш учун жуда муҳим ва бу борада хорижий мамлакатлар тажрибасини ўрганиш ва қиёсий таҳлил қилиш мамлакат қонунчилигини ривожлантириш учун ижобий таъсир қилади.

#### Сноски/Иқтибослар/References

1. Р36 Рекомендации ФАТФ. Международные стандарты по противодействию отмыванию денег, финансированию терроризма и финансированию распространения оружия массового уничтожения / Пер. с англ.- М. : Вече, 2012. - 176 с.

(R36 FATF Recommendations. International standards for countering money laundering, terrorist financing and financing the proliferation of weapons of mass destruction / Per. from English. - M.: Veche, 2012. - 176 p.)

2. Модернизация инструментария управления рисками финансовых институтов в сфере отмывания денег или финансирования терроризма на основе повышения финансовой грамотности клиентов-физических лиц (на примере Юга России) / под ред. Алифановой Е.Н., Кузнецова Н.Г., Ниворожкиной Л.И. - Ростов-н/Д., 2013.

(Modernization of risk management tools for financial institutions in the field of money laundering or terrorist financing based on improving the financial literacy of individual clients (using the example of South Russia) / ed. Alifanova E.N., Kuznetsova N.G., Nivorozhkina L.I. - Rostov-n / D., 2013.)

3. Злоченко Я.М. Основы методики расследования и международного сотрудничества по противодействию легализации (отмыванию) доходов, полученных преступным путем: Дис. канд. юрид. наук: 12.00.09. - М.: РГБ, 2003.3. Евлахова Ю.С. Финансовый мониторинг и противодействие легализации доходов, полученных преступным путем, и финансированию терроризма: учебное пособие. Рост. гос. экон. ун-т (РИНХ). - Ростов-н/Д., 2015.

(Zlochenko Y.M. Fundamentals of investigation and international cooperation in countering the legalization (laundering) of proceeds from crime: Dis. Cand. legal Sciences: 12.00.09. - M.: RGB, 2003.3. Evlakhova, Yu.S. Financial Monitoring and Counteracting the Legalization of the Proceeds from Crime and Terrorism Financing: a textbook. Growth. state econ un-t (RINH). - Rostov-n / D., 2015.)

4. Расследование легализации преступных доходов: методич. пособие / Р.В.Жубрин, А.Н.Ларьков // Акад. Ген. прокуратуры Рос. Федерации.- М., 2011.- С. 13.

(Investigation of the legalization of criminal proceeds: methodological. allowance / R.V.Zhubrin, A.N. Larkov // Acad. Gene. Prosecutors Ros. Federations.- M., 2011.- p. 13.)

5. Reference Guide to Anti-Money Laundering (AML) and Combating the Financing of Terrorism (CFT), the International Bank for Reconstruction and Development/the World Bank 1818 H Street, N.W.Washington, D.C. 20433, USA.

6. Михайлов В.И. Противодействие легализации доходов от преступной деятельности: Правовое регулирование, уголовная ответственность, оперативно-розыскные мероприятия и международное сотрудничество. СПб.: Юридический центр Пресс, 2002. 230 с.

(Mikhailov V.I. Countering the legalization of proceeds from crime: Legal regulation, criminal liability, operational-search measures and international cooperation. SPb.: Legal Center Press, 2002. 230 p.)

---

---

## 12.00.09 УГОЛОВНЫЙ ПРОЦЕСС. КРИМИНАЛИСТИКА, ОПЕРАТИВНО-РОЗЫСКНОЕ ПРАВО И СУДЕБНАЯ ЭКСПЕРТИЗА

*Статья поступила в редакцию 6 ноября, 2018 г.  
Рекомендована в печать 30 ноября, 2018 г.*

**Рахимова Ульзана Хамидуллаевна,**

преподаватель кафедры  
Уголовно-процессуального права  
и криминалистики Ташкентского  
государственного юридического университета,  
E-mail: lyolya1990@mail.ru



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9130-2018-6-9>

### НЕКОТОРЫЕ ПРОЦЕССУАЛЬНЫЕ АСПЕКТЫ КЛАССИФИКАЦИИ СУДЕБНЫХ ЭКСПЕРТИЗ ПО ОСОБЕННОСТЯМ ПРОЦЕССУАЛЬНОЙ ФОРМЫ ИХ ПРОИЗВОДСТВА

**Аннотация:** В статье рассматриваются и анализируются вопросы, процессуально-правового регулирования следующих видов судебных экспертиз: первичной и повторной, дополнительной, комиссионной и комплексной.

**Ключевые слова:** классификация, судебная экспертиза, первичная экспертиза, дополнительная экспертиза, повторная экспертиза, комиссионная экспертиза, комплексная экспертиза.

---

**Рахимова Ульзана Хамидуллаевна,**

Тошкент давлат юридик университети  
Жиноят-процессуал ҳуқуқи ва  
криминалистика кафедраси  
кафедраси ўқитувчиси.  
E-mail: lyolya1990@mail.ru

### СУД ЭКСПЕРТИЗАЛАРИНИ УЛАРНИ ЎТКАЗИШНИНГ ПРОЦЕССУАЛ ШАКЛИ БЎЙИЧА ТАСНИФЛАШНИНГ АЙРИМ ПРОЦЕССУАЛ ЖИҲАТЛАРИ

**Аннотация:** ушбу мақола суд экспертизасининг қуйидаги процессуал ҳуқуқий жиҳатларини тартибга солиди ва таҳлил қилади: дастлабки, қайта ва қўшимча, комиссиявий ҳамда комплекс.

**Таянч сўзлар:** тасниф, суд экспертизаси, дастлабки экспертиза, қўшимча экспертиза, қайта экспертиза, комиссиявий экспертиза, комплекс экспертиза.

---

Rakhimova Ulzana Khamidullaevna,

Teacher of the Department  
of Criminal Procedural Law  
and Criminalistics at  
Tashkent state university of Law,  
E-mail: lyolya1990@mail.ru

## SOME PROCEDURAL ASPECTS OF CLASSIFICATION OF FORENSIC EXAMINATIONS ACCORDING TO PROCEDURAL FORM OF THEIR PRODUCTION

**Annotation:** The article examines and analyzes procedural aspects and issues related to the following types of forensic examination: primary, repeated, additional, commission and complex forensic examination.

**Key words:** classification, forensic examination, primary examination, additional examination, re-examination, commission examination, complex examination.

---

На сегодняшний день в Узбекистане продолжается активная работа по совершенствованию судебно-правовой системы. В соответствии со Стратегией действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан одним из приоритетных направлений развития нашей страны в 2017-2021 гг. является обеспечение верховенства закона и дальнейшее реформирование судебно-правовой системы, направленное на укрепление подлинной независимости судебной власти и гарантий надежной защиты прав и свобод граждан, совершенствование административного, уголовного, гражданского и экономического законодательства, повышение эффективности системы противодействия преступности и профилактики правонарушений, полную реализацию принципа состязательности в судебном процессе, совершенствование системы оказания юридической помощи и правовых услуг.

Президент Республики Узбекистан Шавкат Мирзиёев особо подчеркнул: "...не народ служит государственным органам, а государственные органы должны служить народу" [1]. На первый план выступают права и интересы человека, его свободы, необходимость диалога с народом, что обуславливает коренное переосмысление взаимоотношений государственных органов и личности, горизонтальной и вертикальной иерархии органов власти и управления.

За небольшой промежуток времени на основе основных положений, заложенных Стратегией действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан, приняты изменения в Основной закон, подготовлены важнейшие законодательные акты, регулирующие общественные отношения в различных видах судопроизводства, внесены существенные изменения в уголовное, уголовно-процессуальное, гражданское процессуальное, уголовно-исполнительное законодательство, расширена сфера применения института "Хабеас корпус", произошли большие преобразования в развитии экономики, в частности, предпринимательства, а также в судебно-правовой сфере. Вместо ранее действовавших хозяйственных судов созданы экономические суды, расширено их количество. То есть, с учетом экономического потенциала страны и роста количества субъектов предпринимательства, были созданы межрайонные, районные (городские) экономические суды. Соответственно, возникла

необходимость в пересмотре действующего Хозяйственного процессуального кодекса, как в части используемой терминологии, так и регламентируемых им механизмов отправления правосудия. Поэтому был разработан проект Экономического процессуального кодекса, который уже вступил в силу с 1 апреля 2018 года.

Нормативное регулирование судебно-экспертной деятельности в Республике Узбекистан основывается на Конституции Республики Узбекистан и состоит из Уголовно-процессуального, Экономического процессуального, Гражданского процессуального кодексов Республики Узбекистан, Кодекса Республики Узбекистан об административной ответственности, Закона "О судебной экспертизе", и иных нормативных правовых актов, регламентирующих организацию, назначение и производство судебных экспертиз, а также вступивших в установленном законом порядке в силу международных договоров, участницей которых является Республика Узбекистан.

В целях обеспечения исполнения Закона Республики Узбекистан "О судебной экспертизе" и постановления Президента Республики Узбекистан от 8 февраля 2017 года за № ПП-2761 "О мерах по коренному совершенствованию системы распространения актов законодательства", дальнейшего совершенствования деятельности Республиканского центра судебной экспертизы имени Х. Сулеймановой, а также организации системы повышения квалификации и правовых знаний государственных судебных экспертов, было принято Постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан № 206 от 13.04.2017 года, "О дальнейшем совершенствовании деятельности Республиканского центра судебной экспертизы имени Х. Сулеймановой при Министерстве юстиции Республики Узбекистан, а также организации системы повышения квалификации судебных экспертов" [2].

Отраслевое процессуальное законодательство, регламентирующее назначение и проведение экспертизы, содержит ряд общих положений, которые в каждом из кодексов уточнены с учетом специфики и особенностей вида судопроизводства.

Все вышеуказанные реформы направлены на дальнейшее повышение эффективности деятельности судов, правоохранительных и контролирующих органов, укрепление веры населения в справедливое судейство, обеспечение верховенства закона в обществе и укрепление законности, в частности в сфере судебно- экспертной деятельности.

Судебная экспертиза - это особое самостоятельное процессуальное действие, сущностью которого является исследование материалов дела, проводимое на основе специальных научных знаний в целях установления обстоятельств, имеющих значение для его разрешения.

В данной статье нами будет рассмотрена законодательно закреплённая организационно-процессуальная классификация судебных экспертиз по разным основаниям.

Прежде всего следует отметить, что заключение эксперта должно быть обоснованным и исчерпывающим, т.е. эксперт обязан дать ответы на все вопросы, поставленные дознавателем, следователем либо судом, а в случае невозможности дать ответ на какой-либо вопрос мотивированно указать об этом в заключении. Исходя из того, соответствует ли заключение эксперта перечисленным требованиям, в зависимости от последовательности проведения экспертизы подразделяются на первичные и вторичные.

Первичная экспертиза назначается по определенному судебному делу и проводится впервые. Вторичные экспертизы могут проводиться в случае обнаружения каких-либо недостатков (неполноты, необоснованности, неясности выводов) первоначального экспертного заключения, и подразделяются, в свою очередь, на дополнительные и повторные. Таким образом в судебно-следственной практике иногда возникает необходимость в проведении дополнительной и повторной экспертизе.

Дополнительная экспертиза назначается в случае недостаточной ясности и полноты первоначального экспертного заключения, и поручается, зачастую, тому же эксперту, что и первоначальная. Основанием для назначения дополнительной экспертизы является наличие в первоначальном заключении "устраняемых" недостатков, т.е. неточностей и пробелов, не требующих повторного исследования в полном объеме.

На основании вышесказанного, нами предложено заменить первый абзац статьи 18 закона "О судебной экспертизе", в части дополнительной экспертизы:

Дополнительная судебная экспертиза назначается в случае недостаточной ясности или полноты заключения эксперта, а также при возникновении новых вопросов в отношении ранее исследованных обстоятельств дела.

Основанием для проведения дополнительной и повторной экспертиз, производство которых предусмотрено ст. 176, УПК Республики Узбекистан, служит постановление следователя, дознавателя, либо определение суда о назначении экспертизы [3].

В свою очередь, когда возникают сомнения в обоснованности заключения эксперта или есть противоречия в выводах эксперта или экспертов по тем же вопросам, может быть назначена повторная экспертиза. Таким образом, основанием для назначения повторной экспертизы являются существенные недостатки первоначального заключения, вызывающие сомнение в компетентности эксперта, в связи с чем, повторная экспертиза всегда поручается другому эксперту или другим экспертам, а также при её проведении исследование по поставленным вопросам полностью производится заново.

**Из этого следует вывод о том, что назначение повторных экспертиз происходит:**

- в случае необоснованности заключения эксперта;
- в случае сомнения в правильности заключения эксперта;
- в случае противоречивости заключений разных экспертов;
- когда были нарушены правила проведения экспертизы;
- предоставление эксперту при производстве первичной экспертизы материалов признанных недостоверными.

Согласно Статье 19 закона Республики Узбекистан "О судебной экспертизе", судебная экспертиза может проводиться несколькими судебными экспертами одной (комиссионная судебная экспертиза) или разных судебно-экспертных специальностей (комплексная судебная экспертиза) [4].

Нами предложена следующая редакция статьи о комиссионной судебной экспертизе, так как считаем необходимым законодательно закрепить количество экспертов производимых комиссионную экспертизу:

Комиссионная судебная экспертиза производится двумя экспертами и более. Комиссионная экспертиза проводится с использованием специальных знаний, относящихся к одному роду (виду, подвиду) экспертизы либо к разным родам (видам, подвидам) экспертизы.

Организация и производство комиссионной судебной экспертизы возлагаются на руководителя судебно-экспертного учреждения.

Комиссия экспертов согласует цели, последовательность и объём предстоящих исследований, исходя из необходимости решения, поставленных перед ней вопросов.

В составе комиссии экспертов, которой поручено производство судебной экспертизы, каждый эксперт независимо и самостоятельно проводит исследования, оценивает результаты, полученные им лично и другими экспертами, и формулирует выводы по поставленным вопросам в пределах своих специальных знаний.

Не допускается проведение исследований полностью или частично лицами, не включенными в состав комиссии судебных экспертов.

При проведении комиссионной судебной экспертизы каждый из судебных экспертов проводит исследования в полном объеме, и они совместно анализируют полученные результаты. Придя к общему мнению, судебные эксперты составляют и подписывают совместное заключение или акт о невозможности дачи заключения.

В случае возникновения разногласий между судебными экспертами каждый из них дает отдельное заключение по всем или некоторым вопросам, вызвавшим разногласия [4].

**В зависимости от используемых специальных знаний:**

Однородные (в одной отрасли знаний);

Комплексные (специальные знания из разных отраслей и эксперты одновременно или частично одновременно проводят единую экспертизу), составляется единое заключение эксперта, в котором эксперт подписывает ту часть, которую он проводил лично.

Например, по делу о дорожно-транспортном происшествии была назначена комплексная транспортно-трасологическая и дорожно-транспортная судебная экспертиза, на разрешение которой был вынесен вопрос о механизме дорожно-транспортного происшествия. В ходе исследования возникла необходимость анализа горюче-смазочных материалов, следы которых были изъяты с проезжей части на месте происшествия. Выводы этого исследования, осуществленного экспертом, специализирующимся в экспертизе нефтепродуктов, послужили основанием для суждения о местонахождении транспортных средств после аварии и в совокупности с другими фактическими данными явились отправной точкой для рассуждений экспертов, производивших комплексную экспертизу. Вывод о механизме дорожно-транспортного происшествия был сделан и подписан трасологом и автотехником, а третий эксперт поставил свою подпись только под выводом, касающимся состава горюче-смазочных материалов [5].

Как показывает анализ следственной и экспертной практики, по большому количеству уголовных дел комплексная экспертиза часто назначается неоправданно в случаях, когда логичнее и правильнее назначить несколько отдельных экспертиз.

Согласно закону "О судебной экспертизе", а также статье 178 УПК Республики Узбекистан, комплексная судебная экспертиза назначается в случаях, когда установление обстоятельств, имеющих значение для дела, возможно лишь путем проведения нескольких исследований с использованием разных отраслей знаний.

При проведении комплексной судебной экспертизы каждый из судебных экспертов проводит исследования в пределах своей компетенции. В заключении комплексной судебной экспертизы указывается, какие исследования и в каком объеме провел каждый из судебных экспертов, какие факты он лично установил и к каким выводам пришел. Каждый из судебных экспертов подписывает ту часть заключения, в которой содержатся эти исследования, и несет за них ответственность.

Общий вывод или выводы делают судебные эксперты, компетентные в оценке полученных результатов и формулировании этого вывода или выводов. Если основанием окончательного вывода комиссии судебных экспертов или его части являются факты, установленные одним из судебных экспертов (отдельными судебными экспертами), то об этом должно быть указано в заключении.

В случае возникновения разногласий между судебными экспертами каждый из них дает отдельное заключение по всем или некоторым вопросам, вызвавшим разногласия. Если производство комплексной судебной экспертизы поручено государственному судебно-экспертному учреждению, то организация данной экспертизы возлагается на его руководителя [4].

Наиболее дискуссионными вопросами, касающимися процессуально-правового регулирования порядка производства судебных экспертиз, являются вопросы о природе комплексной экспертизы и о разрешении единоличного проведения таких экспертиз. Данные вопросы также требуют определения средств и путей своего разрешения.

На сегодняшний день остается открытым вопрос возможного выполнения комплексной экспертизы одним экспертом единолично, если он обладает специальными знаниями в различных родах и классах судебных экспертиз. Пока законодатель дает на этот вопрос отрицательный ответ, поскольку под комплексной судебной экспертизой он понимает экспертизу, производимую комиссией экспертов разных специальностей.

Вопрос о том, можно ли считать комплексную судебную экспертизу, проведенную одним экспертом, оживленно дискутировался в литературе еще в 70 - 80-е гг. XX в. Г.П. Аринушкин, поднимая вопрос о необходимости процессуальной регламентации комплексной экспертизы, в качестве одного из признаков указывал, что она всегда выполняется не менее чем двумя экспертами, т.е. является комиссионной. Возражая ему, Н.А. Селиванов указывал, что деление экспертизы на виды должно осуществляться по гносеологическому основанию, а не по количеству лиц, участвующих в исследованиях; исследование двух или большего числа видов экспертиз комплексно, даже если его проводит одно лицо, обладающее знаниями в нескольких смежных областях. Эту точку зрения разделяли и разделяют многие другие криминалисты [6].

Необходимо сказать о том, что в данное время эксперт с высшим образованием обладает знаниями и навыками проведения в области нескольких родов экспертиз. Исходя из этого, считаем, что комплексная судебная экспертиза не всегда должна быть комиссионной, а может выполняться и одним экспертом, который обладает специальными познаниями в необходимых родах судебной экспертизы, что и должно быть отражено в процессуальном законодательстве.

Является ли комплексная экспертиза самостоятельным видом судебных экспертиз? Данный вопрос возник в связи с тем, что комплексная экспертиза определена как разновидность комиссионной экспертизы. Такой же точки зрения придерживаются некоторые ученые-юристы, например, профессор Ю. К. Орлов

пишет, что "...комплексная экспертиза всегда проводится комиссионно и поэтому, в сущности, является разновидностью комиссионной..." [7].

Унификация правового регулирования единого по своей природе института судебных экспертиз в настоящее время не завершена. Это выражается, в частности, в том, что нормы о дополнительной, повторной, комиссионной и комплексной судебных экспертизах размещены как в Законе "О судебной экспертизе", так и в процессуальном законодательстве - Гражданском процессуальном кодексе Республики Узбекистан, Уголовно-процессуальном кодексе Республики Узбекистан, Кодексе об административной ответственности Республики Узбекистан. Это, в свою очередь, приводит к возникновению коллизий в правовом регулировании судебно-экспертной деятельности. Следует обратить внимание на то, что в тексте Кодекса об административной ответственности Республики Узбекистан отдельное закрепление указанных видов судебных экспертиз вообще отсутствует.

Все вышеприведенные вопросы и проблемы комплексной экспертизы указывают на то, что в современных условиях те процессуальные документы и нормативно-правовые акты, которые регулируют сущность, содержание и функциональное назначение комплексной экспертизы, нуждаются в законодательном совершенствовании и единообразии. В связи с этим считаем целесообразным включить в соответствующие процессуальные акты отдельное положение, предусматривающее порядок осуществления их правового обеспечения.

---

#### Сноски/Иқтибослар/References

---

1. Обеспечение верховенства закона и интересов человека - гарантия развития страны и благополучия народа: Доклад избранного Президента Республики Узбекистан Шавката Мирзиёева на торжественном собрании, посвященном 24 - й годовщине принятия Конституции Республики Узбекистан, 10 дек. 2016 г. / Народное слово. - № 244 (6649)

(Ensuring the rule of law and human interests - a guarantee of the development of the country and the well-being of the nation: Report of the elected President of the Republic of Uzbekistan Shavkat Mirziyoyev at a solemn meeting on the 24th anniversary of the adoption of the Constitution of the Republic of Uzbekistan, 10 dec. 2016 // Nation's word. - № 244 (6649))

2. <http://uza.uz/ru/tech/budet-vnedrena-kompyuternaya-ekspertiza-27-10-2017>

3. Уголовно процессуальный кодекс Республики Узбекистан - (Национальная база данных законодательства, 05.01.2018 г., № 03/18/456/0512, 30.01.2018 г., № 03/18/463/0634, 05.04.2018 г., № 03/18/470/1005, 19.04.2018 г., № 03/18/476/1087)

(Criminal Procedure Code of the Republic of Uzbekistan - (National Legislation Database, 01.05.2018, No. 03/18/456/0512, 01.30.2018, No. 03/18/463/0634, 05.04.2018, No. 03/18/470/1005, 04/19/2018, No. 03/18/476/1087))

4. Закон Республики Узбекистан "О судебной экспертизе" г. Ташкент, 1 июня 2010 г., № ЗРУ 249 (Собрание законодательства Республики Узбекистан, 2010 г., № 22, ст. 173; 2016 г., № 39, ст. 457; 2017 г., № 37, ст. 978).

(Law of the Republic of Uzbekistan "On forensic expertise", Tashkent, June 1, 2010, No. ZRU 249 (Collection of Legislation of the Republic of Uzbekistan, 2010, No. 22, Art. 173; 2016, No. 39, Art. 457; 2017, No. 37, Art. 978))

5. Судебная экспертиза в цивилистических процессах. Научно-практическое пособие. Под ред. Россинской Е.Р. Издательство "Прспект", 2018.

(Forensic expertise in civil processes. Scientific and practical guide. Ed. Rossinskaya E.R. Prospect Publishing, 2018.)

6. Аринушкин Г.П. Комплексная экспертиза требует регламентации // Социалистическая законность. 1977. N 10. Россинская Е.Р. Судебная экспертиза в гражданском, арбитражном, административном и уголовном процессе. - М.: Норма, 2013. - С. 190.

(Arinushkin G.P. Comprehensive expertise requires regulation // Social legality. 1977. N 10. Rossinskaya E.R. Forensic examination in civil, arbitration, administrative and criminal proceedings. - M.: Norma, 2013. - p. 190.)

7. Орлов Ю. К. Современные проблемы доказывания и использования специальных знаний в уголовном судопроизводстве: науч.- учеб. пособие. М., 2016. С.208.

(Orlov Yu. K. Modern problems of proving and using special knowledge in criminal proceedings: scientific allowance. M., 2016. P.208.)



*Келиб тушган сана 17 октябрь, 2018*  
*Эълон қилинган сана 6 ноябрь, 2018.*

Махаматов Махмуд Махаматаминович,

Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия  
университети докторанти  
почта: mmahmud34@mail.ru



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9130-2018-6-10>

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВА ХМТ ҲАМКОРЛИГИ ИНСТИТУЦИОНАЛ МЕХАНИЗМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ АЙРИМ МАСАЛАЛАРИ

**Аннотация:** мақолада Ўзбекистон Республикасининг Халқаро меҳнат ташкилоти билан тобора ривожланиб бораётган самарали халқаро ҳамкорлик алоқаларининг асосий шакллари: институционал ҳамкорлик, норма-ижодкорлик соҳасида, конвенция ва тавсияларга қўшилиш, ХМТ халқаро дастурлари доирасида иштирок, илмий анжуманлар ва семинарлар ташкил этиш, ижтимоий ҳамкорлар малакасини ошириш борасидаги ҳамкорлик таҳлил этилган, мазкур йўналишда иштирок этаётган давлат ва нодавлат муассасалари фаолияти ёритилган, ҳамкорликнинг институционал механизмини такомиллаштириш бўйича тавсиялар берилган.

**Калит сўзлар:** Халқаро меҳнат ташкилоти, ҳамкорлик шакллари, конвенция, тавсия, уч томонлама ҳамкорлик (трипартизм), норма ижодкорлик, муносиб меҳнат, мамлакат дастури, ижтимоий ҳамкорлар.

---

Махаматов Махмуд Махаматаминович,

Докторант Университета мировой  
экономики и дипломатии  
почта: mmahmud34@mail.ru

## НЕКОТОРЫЕ ВОПРОСЫ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ ИНСТИТУЦИОНАЛЬНОГО МЕХАНИЗМА СОТРУДНИЧЕСТВА РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН И МОТ

**Аннотация:** в статье проводится анализ основных форм плодотворного международного сотрудничества, таких как, институциональное сотрудничество, сотрудничество в сфере нормотворчества, присоединение к конвенциям и рекомендациям, участие в международных программах МОТ, организация научных конференций и семинаров, повышение способности социальных партнеров Республики Узбекистан и Международной организации труда. А также, изучено деятельность государственных и негосударственных учреждений, участвующих в этом процессе, даны рекомендации по усовершенствованию институционального механизма сотрудничества.

**Ключевые слова:** Международная организация труда, формы сотрудничества, конвенция, рекомендация, трёхстороннее сотрудничество (трипартизм), нормотворчество, достойный труд, страновая программа, социальные партнеры.

## SOME ISSUES FOR IMPROVEMENT THE INSTITUTIONAL MECHANISM OF COOPERATION OF UZBEKISTAN AND THE ILO

**Annotation:** The paper analyzes the main forms of effective international cooperation, such as institutional cooperation, cooperation in the sphere of lawmaking, accession of the conventions and recommendations, participation in international ILO programs, organizing scientific conferences and seminars, increasing the capacity of the social partners of the Republic of Uzbekistan and the International Labor Organization. Furthermore, the activities of state and non-state institutions involved in this process were also analyzed, the recommendations on the improvement of the institutional cooperation mechanisms were prepared.

**Key words:** International Labor Organization, forms of cooperation, Convention, Recommendation, tripartite cooperation (tripartism), lawmaking, decent work, country program, social partners.

Халқаро ташкилотларнинг тузилиши, фаолиятининг ҳуқуқий асослари, принцип, мақсад ва вазифалар, жаҳон ва минтақа миқёсида рўй бераётган ижтимоий-сиёсий жараёнлар давлатларнинг улар билан ҳамкорлик алоқаларини бир неча кўринишларда олиб боришига замин яратади. Бошқача қилиб айтганда икки халқаро ҳуқуқ субъекти ўртасида бошланган халқаро-ҳуқуқий ҳамкорлик муносабатлар ривожланиши билан бир нечта тузилмалар (орган, ташкилот, муассаса ва б.) иштирок этадиган ўзига хос институционал механизмни юзга келтиради. БМТ тизимида ягона ўхшаши йўқ тузилмага эга ХМТ билан олиб бориладиган ҳамкорликда мазкур механизм яққол кўзга ташланади.

**Ўзбекистон Республикасининг Халқаро меҳнат ташкилоти билан ҳамкорлигининг ўзига хос хусусиятларини ўрганган олим Х. Юнусов ҳамкорлик қуйидаги шаклларда намоён бўлаётганлигини санаб ўтади:**

- институционал ҳамкорлик ва доимий мулоқотлар доирасида;
- норма-ижодкорлик соҳасида;
- ХМТ асосий ҳужжатлари - конвенциялари ва тавсияларига қўшилиш;
- Ўзбекистоннинг ХМТ халқаро дастурлари доирасида ҳамкорлиги;
- илмий анжуманлар ва семинарлар ташкил этиш [14, - Б. 35-39].

Ўзбекистон Республикасининг ХМТ билан ҳамкорлик алоқалари у ёки бу жиҳатларини ўрганган мамлакатимиз олимлари ишларида ҳам юқоридаги шакллар санаб ўтилмаган бўлсада, мазмунан келтириб ўтилган [11, - Б. 9-18; 12, - Б. 11-20].

Бундан ташқари, бошқа тадқиқотчилар ишларида ёритилмаган, бугунги кунда ривожланаётган ҳамкорлик шаклларида бири бу аъзо-давлатлар уч томонлама вакиллариининг малакаси ва салоҳиятини ошириш мақсадида ўқув курслари, тренингларга жалб этилишидир.

### **1. Институционал ва доимий мулоқотлар доирасида ҳамкорлик.**

Халқаро меҳнат ташкилотининг ўзига хос тузилиши унинг аъзо-давлатлар билан олиб борилган ҳамкорлик алоқаларида ҳам намоён бўлади. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси ХМТнинг олий органи Халқаро меҳнат конференциясининг июнь

ойида бўлиб ўтадиган ҳар йилги сессияларида иштирок этиб келмоқда. ХМТ Уставига мувофиқ сессияда учтомонлама: ҳукумат, иш берувчилар ва меҳнаткашларнинг вакиллари қатнашишлари лозим. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси вакил сифатида қатнашиб келмоқда.

**Ўзбекистон Республикаси делегациясининг ХМК сессияларидаги фаолияти одатда қуйидаги йўналишларда олиб борилади:**

I. ХМТнинг Конвенция ва тавсияларни қўллаш бўйича экспертлар қўмитаси ишида қатнашиш;

II. ХМК сессияси ялпи мажлисларида иштирок этиш;

III. ХМТ раҳбарияти ва масъул ходимлари билан учрашувлар;

IV. ХМК сессиясига ташриф буюрган хорижий мамлакатлар делегацияси билан учрашувлар;

V. ХМК сессияси доирасида ўтказиладиган тадбирларда қатнашиш.

ХМТнинг 2018 йил 28 майдан 8 июнга қадар давом этган 107-сессиясида Ўзбекистон томонидан Бош вазир ўринбосари ва Хотин-қизлар қўмитаси раиси Танзила Нарбаева, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазири Шерзод Қудбиев, Савдо саноат палатаси раиси Адхам Икромов ва Касаба уюшмалари Федерацияси раиси ўринбосари Бахтиёр Маҳмадалиев иштирок этди [5]. Тадбир доирасида Ташкилот Бош директори Гай Райдернинг Ўзбекистон делегацияси вакиллари билан учрашуви бўлиб ўтди. Унда ХМТ бош директори Ўзбекистонда ижтимоий-меҳнат муносабатлари ва кучли ижтимоий ҳимоя соҳаларида улкан ижобий натижаларга эришилганлигини қайд этди.

2018 йилдаги 107-сессиянинг асосий мавзуси - меҳнат қилаётган хотин-қизларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга бағишланган бўлиб, бу ҳақида ХМТ Бош директори Гай Райдер бугунги кунда сақланиб қолаётган гендер тенгсизлигини бартараф қилишга қаратилган янги ечимларни излаш зарурлигини таъкидловчи "Меҳнаткаш хотин-қизларга доир ташаббус: тенгликни таъминловчи импульс" номли ўз маърузасида маълум қилди [7].

Ташкилотнинг ҳар бир сессияси муҳим аҳамият касб этсада, 107-сессия ХМТ Устави 3-моддаси 2-қисмига мувофиқ мақоми жиҳатидан фарқ қилади: "Ҳар бир делегатга кун тартибининг ҳар бир банди бўйича икки нафардан ортиқ бўлмаган маслаҳатчи ҳамроҳлик қилиши мумкин. Конференция ўз ишида аёлларга оид масалани кўриб чиқадиган бўлса, маслаҳатчиларнинг энг камида бир нафари аёл бўлиши лозим"[10, - С. 7]. Демак, Ўзбекистон делегацияси таркибида Хотин-қизлар қўмитаси раиси Танзила Нарбаеванинг иштирок этганлиги ХМТ Устави талабларида доирасида амалга оширилганлигидан далолат беради.

2012 йил 30 май-14 июнда биринчи маротаба Ўзбекистон делегацияси ХМК сессияларида тўлиқ таркибда: ҳукумат, иш берувчилар ва меҳнаткашлар вакиллари иштирок эта бошлади, бошқача айтганда, ХМТнинг уч томонламалик принципи таъминланди. Ўзбекистон Республикаси делегациясининг 2012 йилдан бошлаб ХМК сессияларида тўлиқ таркибда иштирок этиб келаётганлиги,

**биринчидан,** ХМТ Устави 3-моддаси 1-қисми талабларини бажаради;

**иккинчидан,** сессия давомида амалга ошириладиган турли учрашув ва муҳокамаларда давлатимиз томонидан амалга ошириладиган ислохотларни халқаро ҳамжамиятга тўлиқ етказиш ва Ўзбекистон манфаатларини муносиб ҳимоя қилиш имконини беради;

**учинчидан**, хорижий мамлакатларга ҳукуматимиз ва ижтимоий шериклар (иш берувчилар ва меҳнаткашлар) ўртасида самарали ҳамкорлик йўлга қўйилганлиги намойиш этилади.

Халқаро меҳнат ташкилоти билан ҳамкорлик алоқалари доимий мулоқот доирасида ҳам амалга ошириб келинмоқда.

2017 йил 14 ноябрда Тошкентда Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазири ва ХМТнинг Москва шаҳридаги Бюроси халқаро меҳнат нормалари ва меҳнат ҳуқуқи бўйича мутахассис Лео Сиббел билан учрашув бўлиб ўтди [13]. Учрашувда Ўзбекистон Республикаси томонидан ХМТнинг конвенцияларини ратификация қилиш ва маскур жараёнларда ХМТ томонидан техник ёрдам кўрсатиш йўллари муҳокама қилинди. Ўз навбатида Л.Сиббел Касаба уюшмалари федерацияси ва Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси раҳбарияти билан учрашди. Учрашувлар Ўзбекистонда Муносиб меҳнат мамлакат дастурини амалга оширишда ХМТнинг қўллаб-қувватлаши доирасида ўтказилди.

## **2. Норма-ижодкорлик соҳасида ҳамкорлик.**

Ўзбекистон Республикаси халқаро ҳуқуқ субъекти сифатида нафақат халқаро ташкилотлар доирасида қабул қилинган халқаро ҳужжатларга қўшилади балки уларни ишлаб чиқишда, лойиҳасини тақдим этишда, мавжуд конвенция ва тавсияларни ўзгартириш ёки бекор қилишда ҳам иштирок этиб келмоқда.

ХМТга аъзоликка қабул қилинган 1992 йилдан бошлаб қабул қилинган барча конвенциялар лойиҳаларини муҳокама қилишда Ўзбекистоннинг иштирокини кўришимиз мумкин. Хусусан, 2010 йил июнда ХМК 99-сессиясида "Уйда ўтириб ишлайдиган ишчилар учун муносиб меҳнат" (Domestic workers convention) конвенциясининг лойиҳаси ишлаб чиқилган ва аъзо давлатларга тарқатилган. Маскур конвенция лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги орқали республикамиздаги барча манфаатдор ташкилотларга етказилган ва Конвенция лойиҳасига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида Ўзбекистоннинг таклифлари ХМТ тақдим этилган. Маскур конвенция лойиҳаси орадан бир йил ўтиб 2011 йилда қабул қилинган.

Бундан ташқари, ХМБ томонидан Уставнинг 19-моддасига янги қўшилган 9-банд асосида, 2017 йилда аъзо-давлатларга 6 та конвенцияни бекор қилиш ва 3 та тавсияни чиқариб ташлаш юзасидан иш берувчилар ва меҳнаткашларнинг нуфузли ташкилотлари билан маслаҳатлашган ҳолда фикрларини ўрганиш саволнома жўнатишган. Маскур саволномага жўнатишган жавоблар асосида ХМБ томонидан маъруза тайёрланиши белгиланган эди. 2017 йил 20 ноябрига қадар ХМТга аъзо 187 давлатдан 71 таси (38%) жавоб йўллаган. Йўлланган жавоблар орасида ХМБ эътибор қаратган ҳолат бу ХМК Регламентининг 45bis моддаси 2-бандига мувофиқ "иш берувчилар ва меҳнаткашларнинг нуфузли ташкилотлари билан маслаҳатлашув ўтказилганлиги" эди. Жавоб йўллаган 37 аъзо-давлатлар ҳукуматлари, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси маслаҳатлашувлар ўтказилганлигини тасдиқлаган [2,-P.2.]. Ўзбекистон томонининг саволномага жавоби ва фикрлари ХМБ томонидан тайёрланган маърузада ўз ифодасини топганлиги норма ижодкорлик фаолиятида иштирокининг яна бир ифодасидир.

## **3. ХМТнинг конвенция ва тавсияларига қўшилиш.**

ХМТ томонидан салкам бир аср давомида қабул қилинган халқаро конвенция ва тавсияларнинг объектига эътибор қаратиладиган бўлса, уларда шахсларнинг меҳнат муносабатларига оид барча энг муҳим ҳуқуқлари қамраб олинган. ХМТ

юқоридаги масалаларни тартибга солишда фаолиятининг энг асосий шакли бўлиши халқаро меҳнат нормалари, конвенция ва тавсияларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш ҳамда улар бажаралиши юзасидан назорат олиб боришдан фойдаланади. Шундай экан, Ўзбекистон Республикасининг ХМТ конвенцияларини ратификация қилиши, бу ҳамкорлик алоқалари асосий шаклларида бири эканлигининг тасдиғидир.

Ўзбекистон Республикаси 2018 йил 1 сентябр ҳолатига кўра ХМТнинг 14 та конвенциясини ратификация қилган бўлиб, ушбу халқаро ҳужжатлар ХМТ таснифига кўра мақоми жиҳатидан бир бирдан фарқ қилади. Жумладан: 14 та конвенциянинг 8 таси фундаментал, 1 таси алоҳида аҳамиятга эга бўлган, 5 таси техник конвенциялардир.

2016 йил 26 октябрда ХМТнинг "Бирлашмалар эркинлиги ва касаба уюшмаларига бирлашиш ҳуқуқини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги 87-сонли Конвенциясининг ратификация қилиниши билан Ўзбекистон ХМТ томонидан фундаментал дея эътироф этилган барча конвенцияларни ратификация қилди ҳамда ХМТ томонидан 2016 йилда эришилган ютуқлар сифатида эътироф этилди. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикасининг конвенцияни ратификация қилиши Европа ва Марказий Осиё минтақасини ХМТ барча фундаментал конвенциялари ратификация қилинган илк ҳудудга айлантирди[4].

#### **4. Ўзбекистоннинг Халқаро меҳнат ташкилоти халқаро дастурлари ва лойиҳалари доирасида ҳамкорлиги.**

Халқаро меҳнат ташкилоти Уставада белгиланган вазифаларни амалга ошириш, меҳнат соҳасида белгилаб олинган асосий ҳуқуқ ва принципларни таъминлаш учун аъзо-давлатларга техник ва методик жиҳатдан кўмаклашади. Мазкур кўмакнинг кўринишларидан бири бу халқаро дастур ва лойиҳалардир.

ХМТнинг Болалар меҳнатига барҳам бериш бўйича Халқаро дастури[1] (IPEC - International Programme on the Elimination of Child Labour) Ўзбекистонда 2005-2010 йилларда самарали фаолият олиб борди. Ўзбекистон томонидан ратификация қилинган конвенцияларни имплементация қилиш бўйича техник ёрдам кўрсатди. Дастур кўмаги асосида Олий Мажлис депутатлари учун услубий ва амалий қўлланмалар[11, 240 б.] чоп этилди.

Ўзбекистон Республикасида бугунги кунда самарали ва фаол амалга ошириб келинаётган ХМТ халқаро дастурларидан яна бири бу "Муносиб меҳнат бўйича Мамлакат дастури" ҳисобланади.

Халқаро Меҳнат Ташкилотининг 1998 йилда қабул қилинган "Меҳнат соҳасидаги асосий ҳуқуқ ва тамойиллар тўғрисида"ги декларациясида мустаҳкамланган принциплар 1999 йилда Муносиб меҳнат Концепциясининг[3,- P.157.] ишлаб чиқилишига асос бўлди. Мазкур Концепцияга мувофиқ муносиб меҳнатнинг хусусан, барқарор бандликни таъминлаш, бу соҳадаги барча камситишларни бартараф этиш, барча меҳнаткашларни меҳнат шартномалари билан қамраб олиш, қулай ва хавфсиз меҳнат шароитларини яратиш, ижтимоий сугурта ва ижтимоий ҳимоянинг самарали тизимларини ривожлантириш, меҳнаткашларнинг касаба уюшмаларига бирлашиш ҳуқуқларини амалга ошириш, жамоа музокаралари юритиш ва жамоа шартномаларини тузиш каби таркибий қисмлари муҳим ҳисобланади.

Муносиб меҳнат мамлакат дастури ХМТ билан уч томонлама ижтимоий шериклар билан ҳамкорликнинг аниқ устувор йўналишлари, мақсад ва вазифалари

ҳамда амалга ошириш натижалари кўрсаткичларини белгилаб беради. Ушбу ҳужжат доирасидаги ҳамкорликни давом эттириш, унда белгиланган вазифаларни тўла амалга ошириш мақсадида 2017 йил 28 февралда Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлиги, Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси, Савдо-саноат палатаси ва Халқаро меҳнат ташкилоти ўртасида ўзаро англашув Меморандуми имзоланиб, бу орқали Муносиб меҳнат мамлакат дастури 2020 йилга қадар узайтирилди.

ХМТнинг "Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги ёшлари бандлиги соҳасида ҳамкорлик" лойиҳаси 4 мамлакат: Озарбайжон, Қозоғистон, Россия Федерацияси ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудини қамраб олган бўлиб, икки фазада амалга ошириш режалаштирилган[6]. "Лукойл" компанияси томонидан молиялаштирилиб, ХМТ томонидан амалга ошириладиган Лойиҳанинг асосий мақсади юқоридаги давлатларда ёшлар бандлигига оид сиёсат ва дастурларнинг самарадорлигини оширишга қаратилган. Лойиҳанинг биринчи фазаси ижобий амалга оширилганлиги сабабли, ХМТ ва "Лукойл" компанияси 2018-2022 йилларда унинг иккинчи фазасини амалга ошириш бўйича келишув имзолади.

ХМТнинг Шарқий Европа ва Марказий Осиё бўйича бюроси томонидан тақдим этилган ахборотда Лойиҳа Ўзбекистон Республикасини ҳам қамраб олган бўлсада, ушбу Лойиҳанинг Ўзбекистонда ҳақиқатда амалга оширилаётганлиги, эришилган натижалар ҳақида Ўзбекистондаги ҳеч бир учтомонлама ҳамкорлар маълумот келтириб ўтмаган.

**Қолаверса, ХМТ билан ҳамкорлик ва конвенциялар ижроси, тадбирлар каби масалалар асосан янгиликлар кўринишида келтирилиб, ташкилот сайтларидаги маълумотлар янгиланмасдан қолмоқда. Масалан, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги сайтида ХМТ билан ҳамкорлик алоқаларига оид маълумотлар 2015 йил билан тўхтаб қолган. 2016, 2017, 2018 йилларда Ўзбекистон Республикаси делегациясининг ХМК сессияларидаги иштироки, эришилган натижалар ҳақидаги маълумотларнинг мавжуд эмаслиги хорижий манбаларга мурожаат этиш заруриятини юзага келтирмоқда. ХМТ билан ҳамкорлик маълумотларини тизимлаштириш, яхлит бир ахборот майдонини юзага келтириш мақсадида Вазирлик таркибидаги Халқаро муносабатлар ва халқаро меҳнат ташкилоти билан ишлаш шўбаси мунтазам равишда маълумотларни янгिलाб бориши:**

**биринчидан,** фуқароларнинг ташқи сиёсат, халқаро ҳамкорлик, эришилган ютуқлар ҳақидаги ишончли маълумотлардан хабардорлигини оширади;

**иккинчидан,** Вазирлик веб сайтыга ташриф буюрувчилар сонини орттишига муайян даражада хизмат қилади.

**5. Давра суҳбатлари ва конференциялар ташкил этиш борасида ҳамкорлик.**

ХМТ билан ҳамкорлик илмий ва амалий муаммоларни ечишга қаратилган конференция ва давра суҳбатлари кўринишида ҳам олиб борилмоқда.

2018 йил 6 апрел Тошкентда ХМТнинг Шарқий Европа ва Марказий Осиё учун Бюроси кўмаги билан Ўзбекистонда бандлик бўйича давлат хизматини мустақамлашга бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди. Тадбирда бевосита уч томонлама ҳамкорлар Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, вилоят бандлик марказлари, меҳнаткашлар ва иш берувчилар вакиллари иштирок этди.

2018 йил 24-26 апрел кунлари Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси томонидан "Ҳаракатлар стратегияси ва кучли ижтимоий сиёсат" мавзусида халқаро конференция ўтказилиб, унда ХМТ, Халқаро Касаба уюшмалари

конфедерацияси, Халқаро миграция ташкilotи ва бир қатор хорижий мамлакатлар вакиллари иштирок этди. Конференция якунига кўра "Халқаро конференция Тошкент резолюцияси" қабул қилиниб, ҳар икки йилда бир маротаба Тошкентда меҳнат масалаларига бағишланган халқаро конференция ўтказишга келишиб олинди. Конференция давомида ХМТнинг иштироки шунда намойён бўладики, ХМТнинг Меҳнаткашлар фаолияти бўйича бюроси (ACTRAV) шафёблигида Марказий Осиё давлатлари: Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Турманистон ва Ўзбекистон касаба уюшмалари марказлари вакилларининг "Меҳнат соҳаси келажагига оид юз йиллик ташаббуси - Касаба уюшмалари фикри" мавзусида учрашуви бўлиб ўтди.

#### **6. Экспертлар иштирокида ижтимоий ҳамкорлар малакасини ошириш борасида ҳамкорлик.**

Юқорида тадқиқотчилар томонидан кўрсатиб ўтилган ҳамкорлик шаклларида ташқари, бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси ва ХМТ ҳамкорлиги ижтимоий ҳамкорларнинг ҳам миллий, ҳам халқаро миқёсда малакасини ошириш борасида ҳам амалга ошириб келинмоқда.

2014-2016 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг Муносиб меҳнат бўйича мамлакат дастурида иш берувчиларнинг меҳнат соҳасидаги асосий ҳуқуқ ва тамойилларни амалга оширишдаги иштироки бўйича салоҳиятини ошириш бўйича "Меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлиги (Occupational safety and Health)" лойиҳа назарда тутилган. Мазкур лойиҳа доирасида 2016 йил март ойида Ўзбекистон савдо-саноат палатаси ХМТ ва халқаро иш берувчилар ташкilotи билан ҳамкорликда Савдо-саноат палатаси ҳудудий бошқармалари ходимлари учун "Меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлиги" мавзусида тренинг ташкил этди. Шу йил 8-12 август кунлари миллий тренерларнинг аввалиги тренингларда аталланган билимлари мустаҳкамлаш, тренинг ўтказиш кўникмаларини такомиллаштириш мақсадида Савдо-саноат палатаси ХМТ билан ҳамкорликда иккинчи тренингни ўтказди.

